

Н.О. БЕРДИЕВ

**ЎЛКАМИЗДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛСОЗЛИК
ТАРИХИ. XVI-XX АСР БОШЛАРИ.**

Навоий- 2019

Ушбу монографияда Ўзбекистон ҳудудларида кончилик ва металлургия соҳасининг ўрта асрларнинг сўнгги давлари ва XX аср бошларидаги тарихи лавҳалари тарихий манбалар, адабиётлар, даврий матбуот материаллари, архив манбаларига таянган ҳолда ёритилган. Унда кон-металлургия саноатининг вужудга келиши, жаҳон мамлакатларидаги кончилик соҳаси тарихи билан қиёслаб, Ўрта Осиёда фойдали қазилма бойликларини ўрганиши ва қазиб олиш ишлари ва металлсозлик ҳунармандчилиги тараққиётидаги ўзига хос хусусиятлар ёритилган.

Масъул муҳаррир: **Хаитов Ш. А.**

Тақризчилар:

Навоий давлат педагогика институти “Тарих” кафедраси доценти
тарих фанлари номзоди

**Навоий давлат кончилиқ институти “Ижтимоий-гуманитар
фанлар” кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди**

2

КИРИШ

Ўзбекистон инсоният цивилизацияси бешикларидан бири сифатида жаҳон халқлари моддий ва маънавий хазинасига беқиёс ҳисса қўшган юртдир. Айниқса, аجدодлар мероси абадиятга дахлдор маънавий хазинадир. Ўрта асрларда фалсафа, математика, астрономия, минералогия, геодезия металлшунослик, тарих, хуллас табиий аниқ, ва гуманитар фанлардан бирдек илмга эга бўлган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғонийларнинг муборак номлари тарих саҳифаларига абадул-абад муҳрланган. Уларнинг буюк даҳоси бугунги юксак технологиялар асри учун зарур бўлган кашфиётларни тақдим этаётганлиги эса исбот талаб қилмайди.

Аждодларимизнинг бебаҳо меросига ҳисса қўшиш шу меросни ўрганиш, бойитиш, тарғиб қилиш ишлари истиқлолнинг дастлабки йиллариданок бошланди. Ўзбекистоннинг палеогеографияси, геодезия, кончилик, металлургия, геология соҳаларидаги қадимги даврдан бугунги кунга қадар ривожланиш тарихини тадқиқ этиш, унинг долзарб муаммоларини ўрганиш келгусида кон-металлургия саноати истиқболларини очишга муҳим тurtки бўлиб ҳисобланади. Мустақил Ўзбекистоннинг хомашё базасини яратишда кончилик соҳасини тараққиёти ниҳоятда муҳим. Кончилик ривожланиши билан мамлакатда ер ости қазилма бойликларининг жойлашуви, улар миқдори, таркиби, улардан эл-юрт манфаатлари йўлида юқори инновацион технологияларни қўллаган ҳолда оқилона, самарали ўзлаштиришнинг аҳамиятини кўпчилик жуда яхши англайди.

Ўзбекистонда кон-металлургия саноатини ривожлантириш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан ҳисобланади. Кон-металлургия саноатини юксалтириш давлат иқтисодий қудратининг асосидир.

Ўтган асрнинг 90 – йилларига қадар Ўзбекистон юқори сифатли олтиндан ташқари мис, қўрғошин, рух, табиий газ ва бошқа хом ашё маҳсулотлари етказиб бериб, собиқ Иттифоқ хазинасини бойитиб келди. Рангли металл корхоналари Марказ қарамоғида бўлиб, кўпроқ хом ашё қазиб олиш, дастлабки ишлов бериш билан шуғулланарди. Бу корхоналарнинг маҳсулоти республикадан ташқарига олиб кетиларди.

Фақатгина истиқлол шарофати, мустақиллик шукуҳи ва Биринчи Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари ила қисқа вақт ичида ўзбек халқи барча соҳаларда катта ютуқларга эришди. Улуғ аجدодларимиз қолдирган бой маданий, маънавий меросни ўрганиш ва ундан баҳраманд бўлиш шарафига муяссар бўлди. Республика табиий ер усти ва ер ости бойликларига эга бўлди, техника янги тараққиёт босқичига кўтарилди.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида иқтисодий имконияти кенг давлатлардан бири бўлиб, Республикада қазиб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари хом ашё базасини яратиш ва кенгайтириш чора - тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Унинг кон-металлургия саноати ривожини иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишида муҳим аҳамият касб этди ва жаҳон ҳамжамиятининг диққатини ўзига жалб қилди.

Республикада мустақиллик туфайли саноатнинг кўпгина тармоқлари ривожлантирилиб, улар орасида машинасозлик, электр энергетикаси, газ, кимё, рангли ва қора металлургия, олтин қазиб олиш ва бошқа соҳалар муҳим ўрин эгаллайди.

Мустақиллик йилларида Республикада бошланган улкан кўламдаги қурилишлар бинокорлик материаллари саноатини ҳам бунёд этиш заруратини юзага келтирди. Табиат Ўзбекистон заминига унинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши ҳамда фуқаролари турмуш даражасини ошириш учун етарли миқдорда минерал-хом ашё ресурсларини инъом этган.

Ўзбек хонликлари даврида ва Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасининг мустамлакага айлантирилгандан кейин XX аср бошларигача бўлган давр оралиғида ўлка ҳудудларида кончилик ишлаб чиқариш салоҳияти, металлга ишлов бериш, ҳунармандчилик ер қаъри табиий бойликларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш соҳасида муайян ишлар ҳукмдорлар ва уларнинг амалдорлари томонидан олиб борилган, лекин бу ишларнинг кўлами, даражасини бошқа мамлакатлар билан таққослаганда замонавий ишлаб чиқариш технологиялари секинлик билан жорий қилинганлигини кўриш мумкин. Унинг сабабларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва соҳанинг ривожланишига кўмак бериш диққат марказидан четга қолиб келганлигини тарихий ҳужжатлар, даврий матбуот материалларини ўрганиш орқали хулосага келиш мумкин. Ушбу китобда ўлкамизда фойдали қазилма конларининг жойлашуви, уларнинг ўрганиши ва кончилик ишлаб чиқариши, металлсозлик ҳунармандчилиги соҳаларининг турли ҳудудларидаги ривожланиш ҳолати тўғрисидаги маълумотлар келтирилган бўлиб, Ватан тарихининг баъзи қирралари ёритиб берилган.

I БОБ. БУХОРО ХОНЛИГИ ҲУДУДЛАРИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛСОЗЛИК

Россия география жамияти архивларидан Бухоро амирлигига юборилган илмий-тадқиқот экспедициялар тўғрисида, ўлканинг табиий бойликлари тўғрисида, олтин, туз, оҳак, қимматбаҳо тошларни казиб олишнинг кустар усуллари тўғрисида маълумотларни олиш мумкин. “Туркистон генерал - губернаторлиги канцелярияси”нинг И-2 жамғармасида, “Туркистон генерал-губернаторлигининг дипломатия амалдорлари” И-2 жамғармасида, “Россия императорининг Бухородаги сиёсий агентлиги”нинг И-3 жамғармасида кончилик, металлургия соҳасида Бухоро амирлиги хунармандларининг ўз маҳсулотлари билан Тошкент, Санкт-Петербург, Париж каби шаҳарларда ташкил этилган кўргазмаларда ўз маҳсулотлари билан иштирок этганлиги ҳақида кўплаб маълумотларни кўриш мумкин¹.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлиги иқтисодиётининг таркибий қисми бўлган кустар-саноат ишлаб чиқариши ўша даврдаги ва ҳозирги замон тадқиқотчиларининг диққат марказида бўлиб келган. Бу соҳада айниқса октябрь тўнтаришигача бўлган рус саёҳатчилари ва тадқиқотчилари катта ҳисса қўшганлар. Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олингандан кейин саёҳатчилар ва ўлкашунослар, ҳарбийлар ва разведкачилар, тадқиқотчилар ва тадбиркорлар ўлка халқларининг моддий ва маънавий ҳаётини ва унинг табиий бойликларини бевосита ўрганишга киришдилар. 19 аср иккинчи ярмидан бошлаб ўлка ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли томонларини, тарихи ва маданиятини ўрганиш билан нафақат алоҳидай кишилар балки турли илмий жамиятлар ҳам киришдилар. Қатор мултифлар ўз саёҳатлари давомида ўлканинг тарихи ва иқтисодиёти, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, фойдали казилмаларини ёритиш билан бир қаторда маҳаллий аҳолининг

¹ Розиков А. Ш. Кустарно-ремесленное производство Восточной Бухары конца XIX - начав. XX в.в. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата исторических наук. Душанбе – 1993. С-4

машғулотлари ва ҳунармандчилиги тўғрисида айрим маълумотларни келтириб ўтадилар.

Бухоро хонлигининг баъзи бекликларидаги кустар ишлаб чиқариши ва ҳунармандчилик тўғрисидаги дастлабки маълумотларни Н.А. Маев ўзининг асарларида келтириб ўтади. Ўзининг қатор асарларида тарихий-географик маълумотлар билан бир қаторда Шарқий Бухорода кустар ишлаб чиқариши ва ҳунармандчилик тўғрисида маълумотлар беради¹. Бу илмий жамиятлардан кўпчилиги “Россия императори география жамияти”, “Табиатшунослик, антропология ва этнографияга қизиқувчилар жамияти” кабиларнинг филиаллари Ўрта Осиёда ҳам фаол ҳаракат қилганлар.

Рус ҳарбий амалдори Д.Н.Логофет, Бухоро амирлиги бўйлаб бир неча марта саёҳат қилган, кейин узоқ йиллар подшо ҳукуматининг алоҳида бекликларидаги қуролли кучлари раҳбарлигида ишлаган. Бу унга ўлканинг тарихи, маданияти ва иқтисодиётини ҳар томонлама ўрганиш, кўплаб асарлар ва мақолалар ёзишига имкон берган. Д.Н.Логофет, ўлка тарихи ва маданиятини ўрганиш билан бирга маҳаллий аҳолининг асосий машғулотларига алоҳида эътибор қаратган. Шу жумладан, тоғлик аҳолининг қадимий машғулоти - олтин ювиб олиш ва Қўрғонтепа беклигида ҳунармандчилик тараққиёти тўғрисида ҳикоя қилади².

Ўрта Осиё Россиянинг мустанлакка айланганидан сўнг ҳукмрон доиралар, рус саноатчилари ва тадбиркорлари ўз иқтисодий манфаатлари йўлида Туркистон ўлкасининг имкониятлари ва иқтисодий истиқболларини шу жумладан ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини ўрганишга киришдилар. Н.Ф.Бурдуков, В.В.Заорский, И.И.Зарубин, Гребенкин, Кушакевич, Л.Маркович, Х.И.Обручев, И.Д.Парамонов, Н.О. Петровский ва бошқа тадқиқотчилар Туркистон ўлкасининг ҳунармандчилик ишлаб

¹ Н.А. Маев. Очерки Бухарского ханства. Гиссарский край, Куляб и побережье Аму-Дарьи. Ташкент, 1876;

² Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние.-СПб., 1909; На границах Средней Азии. Путевые . СПб.,1909. В 3-х кн.;-Бухарское ханство под русским протекторатом.-СПб., 1911.-Т. 1-2;

чиқаришини (қисман Бухоро амирлиги) ўрганиш билан шуғулландилар. Ўлканинг хунармандчилик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама ва объектив ўрганиш учун махсус қўмита ташкил этилди¹. К.Разводовский бошлик бўлган қўмитанинг бўлимлари Бухоро амирлигида ҳам фаол ҳаракат олиб борганлар. Қўмита раисининг ўзи ҳам кустар-хунармандчилик ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий имкониятларини ўрганиш мақсадида Бухоро, Қарши, Самарқанд ва Хўжанд шаҳарларига саёҳат қилиб, 100 дан ортиқ хунармандчилик корхоналарини ўрганди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги кустар-хунармандчилигининг барча соҳалари орасида рус тадқиқотчилари томонидан кончилик ишлаб чиқариши анча яхши ўрганилган. Бухоро амирлиги подшо Россияси протекторатига айлантирилгандан кейин рус тадқиқотчиларини биринчи навбатда ўлканинг табиий бойликлари ўзига жалб қилди, Бухоро амирлигига бирин-кетин илмий-тадқиқот экспедициялар, саёҳатчилар ва алоҳида тадқиқот экспедицияларини –ҳарбийлар ва агентлар юбориб турилди. Бухоро амирлигининг табиий бойликларини ўрганиш билан бирга олтин, темир, туз ва бошқа фойдали қазилма бойликларни қазиб олиш бўйича ўз фикрларини билдирдилар. Шу жумладан, А.П.Михайлов, Ю.Могилёв, И.Слущкий, Тимофеич Шарқий Бухорода олтин конлари жойлашуви ўринлари, маҳаллий аҳоли томонидан олтин ювиб олиш воситалари ва усуллари тўғрисида, Д.Н.Логофет, Рок-Тэн эса рус муҳандиси П.А.Журавко-Покорскийнинг олтин конлари тўғрисида маълумотларни бериб ўтганлар.

XX асрнинг 30-40 йилларидаёқ геологлардан Г.Н.Виханский, А.Ф.Соседко Қизилқум даштидаги Томдитоғ тоғларида қадимги руда конлари изларини аниқлаган эди. Ушбу маълумотлар сўнгги йилларда Н.В.Дарвин ва Е.Б.Пругер раҳбарлигида Жанубий Қизилқум худудида

¹ Розиков А.Ш. Кустарно-ремесленное производство Восточной Бухары конца XIX - начав. XX в.в. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата исторических наук. Душанбе – 1993. С-6

Томдитоғ, Аумингзатов, Букантов тизмаларидаги геолого-археологик тадқиқотларда қадимги конлар ва кончилар маконларининг излари мавжудлиги бой материаллар асосида яна бир бор тасдиқланди¹.

Конлар бронза давридан темир асригача, баъзи жойлар ўрта асрларда ҳам металл рудаси манбаи сифатида фойдаланилганлигини кўрсатади. Жанубий Қизилқум худудидан тахминан 100 минг м³ ҳажмдаги майдондан руда эритиш излари топилган. Академик Ю.Ф.Буряков таъбирича, Жанубий Қизилқум тоғ тизмаларидаги конлар бронза даврида, ҳаттоки баъзи маконлар эса ўрта асрларда ҳам Хоразм ва Сўғднинг асосий металл рудаси манбаларидан бири бўлган². Бундан ташқари Султонувайс тоғ тизмаларидаги қадимги конлардан ҳам металл рудаси манбаи сифатида фойдаланишган. Бу ерда С.В.Лопатин раҳбарлигидаги археологлар билан ҳамкорликда геологик қидирув ишларида қадимги олтин, мис, темир рудаси конлари аниқланган³. Булардан, Шайхи Жалил тоғи ён бағирларида, Абумуслим қалъа атрофи ва Ақтов макони яқинидаги 31-кондаги кварц бўлакчаларининг металлометрик таҳлили тоғ жинслари таркибида юқори даражада олтин доначалари мавжудлигини кўрсатади. Шайхи Жалил тоғида III-IV ва XVIII асрда, Ақтов макони 31- конда X-XIV асрларда олтин рудаси қазиб олинган бўлиши эҳтимол. Ушбу геологик қидирув ишлари натижалари Султонувайс тоғида олтин, мис, темир рудалари захиралари мавжудлигини тасдиқлайди. Тоғининг шимолидаги Тебинбулоқ кони, Хўжакўл, Қўрғошин қалъа, Кўкча, Шилпиқ ва ғарбий- шарқий қисмларида темир руда захиралари жойлашган. Тебинбулоқ кони эса Ўзбекистондаги йирик магматик конлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, титан, никель, маргенец, рутил каби полиметалл рудалари Ақимбетсой, Қизилсой, Қазғансой, Тебинбулоқ худудларида мавжуд. Юқоридаги маълумотларга

1

² Буряков Ю.Ф. Горнометаллургическая база Кызылкумов в формирований государственности Хорезма и Согда// Материалы международного симпозиума «Цивилизация древнего Хорезма в контексте истории мировой культуры». -Нукус-Бустон, 2000. -С.29-31.

³ Лопатин С. Горные клады// Советская Каракалпакия. –Нукус, 1965 г. 24 января; Лопатин С.В., Пругер Е.Б., Ермилов Л.Г Карта размещения древних выработок на территории Узбекистана. Т.1. Объяснительная записка. 1964. Рукопись фонда Ревизионно-тематической экспедиции Госгеолкома Узбекистана. -№68.

асосан шуни таъкидлаш мумкинки, ўрта асрларда Хоразм металлсозлик ҳунармандчилигида Қизилқум ва Султонувайс тоғ тизмаларидаги қадимги конлардан хом-ашё манбаи сифатида кенг фойдаланишган.

IX-X асрларда Марказий Осиёда бой ер ости захиралари асосида тоғ-кон ишлари кенг кўламда йўлга қўйилган. Бу ҳақида ал-Истахрий, Гардизий, Ибн Ҳавқал, Ёкут Ҳамавий ва бошқалар Шош, Фарғона, Уструшона, Хўжанд, Нурота, Зарафшон тоғларида темир, мис, кўрғошин, олтин, кумуш рудаларини қазиб олиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилганлигини ва Мовароуннаҳрда X-XIV асрларда кончилик ишлари тараққий қилганлигини таъкидлайди. Жумладан, Ибн Ҳавқал маълумотларига кўра Уструшонанинг иккита жойда— Минк ва Марсманда катта миқдорда темир рудаси қазиб олинган ва бир қисми ташқи савдога чиқарилган. Бу ерда тайёрланган кўплаб металл буюмлар Хуросон бозорларида сотилган, ҳаттоки Бағдодга қадар етиб борган. Албатта, металлсозлик ҳунармандчилиги тараққиётида қўшни минтақаларда мавжуд тайёр хом-ашёдан маълум даражада фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ўрта аср ёзма манбаларида рудага ишлов бериш ва эритиш жараёнлари тўғрисидаги баъзи маълумотлар келтирилган.

Абу Райхон Беруний «Минералогия» асарида шундай ёзади: «Баъзан олтин тош билан қотишган ҳолда учрайди; бундай кезларда у майдаланишни тақоза этадики, тегирмон тошлари айна муддао ҳисобланади. Олтин рудалари талқондек майдаланса, тоғ жинсларини сув билан ювиш ёрдамида олтин ажратиб олинади. Шунда ҳам олтин симоб ёрдамида бир жойда йиғилади, сўнг бир парча терига шундай жамланадики, симоб унинг таркибидан чиқиб сиртига жойлашади, кейинчалик оловда тобланган пайтида олтин симобдан ажратилади¹»

Муаллиф ал-Ҳамадоний (X аср) ёзишича, рудани эритиш жараёнлари қуйидагича амалга оширилган: «Рудани эритиш учун ўчоқлар қулай жойларга жумладан, тепаликларга, кўпчилик ҳолларда сой ёки канал бўйларида қурилган. Ўчоқлар цилиндрсимон бўлиб, ярми ер остида бўлган.

¹ Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Минералогия. —Тошкент, 1968. - Б.219.

Ўчоқларнинг ер остидаги қисми ҳам, ер устидаги қисми ҳам пишиқ гиштлардан қилиниб, босқонлар учун махсус жойлар қолдирилган. Ўчоқ бир кават писта кўмир, бир кават руда солиниб тўлдирилади. Шундан сўнг кўмирга ўт қўйиб, босқон ёрдамида ҳаво дамланган. Руда эритиш ишлари бир неча кун давом этган¹...».

Металл буюмларни тайёрлашнинг ўзига хос сир-саноати бўлиб, махсус билим ва моҳирликни талаб қилган. Натижада ўрганилаётган даврда қилич, зирҳ-совутлар, ўқ-ёйлар, қалқон, қулф, қайчи каби металлсозлик маҳсулотлари ихтисослашган хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади. Бу тўғрисида X-XII асрлар ёзма манбаларида қулф, олтин ва кумуш суви юритилган эгар-жабдуқ, юган-сувлиқ каби буюмлар ташқи савдога чиқариши ва қулфчи, кулачи(мисгар), олтунчи (заргар) каби ихтисослашган касблар фаолият кўрсатиши таъкидланади.

Ўрта Осиё минтақалардаги ўрта асрлар металлсозлик хунармандчилиги Ю.Ф.Буряков қадимги Шош, Б.А.Литвинский ғарбий Фарғона, В.И.Распопова Панжакент, О.А.Папахристу, А.А.Анорбаев Ахсикент, Г.И.Богомоллов Қанғ ва Шош, Т.В.Савельева илмий изланишларида маҳаллалар, устахоналар, ўчоқлар қурилиши, маҳсулот тайёрлаш жараёнлари, қора металл тайёрлашда тегеллар аҳамияти ўрганилган ва металл топилмалар таснифлаш асосида таҳлил этилган².

¹ Буряков Ю.Ф. Тошкент воҳасининг қадимий қарвон йўллари. –Тошкент: Фан, 1978. –Б. 63;

² Буряков Ю.Ф. Из прошлого Чаткало-Кураминского промышленного района. (К истории горного дела и металлургии средневекового Илака).: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. -Ташкент, 1966, -16 с.; Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака. – М., 1974. -140с.; Литвинский Б.А. Среднеазиатские наконечники стрел// Советская Археология. –Москва, 1965. -№2. -С.75-91; Литвинский Б.А. Хронология и классификация Среднеазиатских зеркал// (МКТ). -Душанбе. 1971. -вып.2. -С. 34-67; Литвинский Б.А. Украшения из могильников западной Ферганы. -М., 1973. –211. с илл; Литвинский Б.А. Орудия труда и утварь из могильников западной Ферганы. -М., 1978. -216 с.; Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. -Л., 1980. -137 с.; Распопова В.И. Металлические изделия из Пенджикента (находки1971-1998 гг.). -СПб.: Формика, 1999. - 60 с. с илл. 43 рис; Папахристу О.А.Черная металлургия Северной Ферганы(По материалам археологического исследования городища Ахсикет. IX-началаXIII вв.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. -М., 1985. -21 с.; Анарбаев А.А. Ахсикент в древности и средневековье (Итоги и перспективы исследования) // Советская археология. –Москва, 1988. -№1. -С.171-187; Анарбаев А.А., Ререн Т., Максудов Ф.А. Археологические исследования на городище Ахсикент// Археологические исследования в Узбекистане2003 год. (АИУ). –Ташкент, 2004. -С.29-43; Богомоллов Г.И., Гендельман П.И. Бытовые металлические предметы с городища Канка// История материальной культуры Узбекистана (ИМКУ). -Ташкент, 1991. -вып. 25. – С. 137-149; Богомоллов Г.И. Материалы к военной археологии Чача. (По раскопкам храмового комплекса Канки) // Столице Узбекистана Ташкенту2200 лет. Труды Международной научной конференции. -Ташкент, 2009. – С. 66-75; Савельева Т.В., Зияков М.Н., Воякин Д.А. Кузнечное ремесло Северо-Восточного Семиречья. –Алматы, 1998.

Бундан ташқари ўрта асрлар металлургияси ва рудани қайта ишловчи маконлар П.П.Иванов, М.М.Массон, Б.А.Литвинский, М.А.Бубнова, Ю.Ф.Буряковлар томонидан ҳам ўрганилган¹.

О.А.Папахристу таъкидлашича, Ўрта Осиёда темирчилик ҳунармандчилиги рудани эритишдан тортиб то тайёр маҳсулот ҳолига келгунга қадар жараёнларни ўз ичига олувчи битта тизимдан иборат бўлган². Шунингдек, М.Е. Массон, Б. А. Литвинский асарларида рудани қазиб олиш, қайта ишлаш жараёнлари ва тоғ-кон саноатида ишлатиладиган меҳнат қуроллари ҳақидаги батафсил маълумотлар берилган³. Жумладан, тоғ-кон саноатида метин чўкич, теша (железные клевки), зоғи пул (топор с кривым лезвием), болға, кетмонча, ёғоч курак каби меҳнат қуроллари ва чироқлар қўлланилган. Асосан, конларга яқин, ёнилғи захираси мавжуд ва табиий қулай тепаликлар, сойлар атрофида рудадан металлни ажратиш ишлари амалга оширилган ва ундан бирламчи хом ашё дашқоллар ундирилган. Бундай ярим тайёр маҳсулотлар шаҳарлардаги темирчилик устахоналарида қайта ишланган.

Ўрта асрлар металлсозлик ҳунармандчилиги, руда эритиш ишлари ва металл буюмлари аҳамиятини ёритишда ёзма манбалар ва археологик тадқиқотлардан ташқари этнографик материаллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки XIX-XX асрлар бошлари ўрта асрларнинг узвий давоми сифатида ҳунармандчиликнинг кўплаб соҳалари жумладан, металлсозликдаги ижтимоий меҳнат тақсимоти, ихтисослашган соҳалар,

Массон М.Е. К истории чёрной металлургии Узбекистана. -Ташкент.: Госиздат УзССР, 1947. –С.29.

7. Иванов П.П. К истории развития горного промысла в Средней Азии. - Л- М., 1932. -80 с; Массон М.Е. К истории чёрной металлургии Узбекистана. –Ташкент, 1947. -С. 63; Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. – Ташкент, 1953. -74 с.; Литвинский Б.А. Древнейшие страницы истории горного дела Таджикистана и других республик Средней Азии. –Сталинабад, 1954. -48 с. с илл; Литвинский Б.А. К истории добычи олова в Узбекистане// Труды Среднеазиатского госуниверситета. –Ташкент, 1950. -вып. XI. –С.51-68 с илл; Бубнова М.А. Горно-металлургическая область Шельджи вIX-XII в.в. н.э. (Долина р. Талас).: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. -Л., 1963. – 19 с.; Буряков Ю.Ф. Из прошлого Чаткало-Кураминского промышленного района: (К истории горного дела и металлургии средневекового Илака).: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. -Ташкент, 1966. -16 с.

² Папахристу О.А. Специализация в железоделательном и железообрабатывающем производстве Средней Азии// Марказий Осиёда урбанизация жараёнининг босқичлари. –Самарқанд, 1995. -Б. 85-87.

³ Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. -Ташкент. 1953. -С. 25, 38; Литвинский Б.А. Древнейшие страницы истории горного дела Таджикистана и других республик Средней Азии. – Сталинабад, 1954. -С.16.

меҳнат қуруллари, ишлов бериш технологияси, анъанавий маҳсулот турлари тўғрисида этнографик материаллар бой тарихий маълумотлар беради. Биз буни XIX-XX асрлар бошларидаги металлургия ва металлсозликга оид манбалар асосида ёритилган этнографик асарларни таҳлил қилиш жараёнида яққол қўришимиз мумкин.

М.С.Андреев асарларида XX аср боши Ванч воҳасидаги руда эритиш жараёнлари, темирчилик ўчоқлари қурилиши, ижтимоий муносабатлар ёритилса, Н.Н.Ершов асарларида темирчилик ҳунармандчилигидаги меҳнат тақсимоти, металлга ишлов бериш жараёнлари, асбоб-ускуналар, меҳнат қуруллари тўғрисида бой маълумотлар берилади¹. XVI аср Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги ҳунармандчилик соҳалари жумладан, металлсозликга оид маълумотлар Р.Г. Мукминова томонидан ёзма манбалар ва архив ҳужжатларига асосланиб таҳлил этилган². Бу маълумотларда чўянчи(чўян қуювчи), суҳангар (омбир ва паргор ясовчи), белфуруш, қурулсоз, ўроқчи, михчагарон(мих ясовчи), сўзангарон (игна ясовчи), пичоқчи, тақачи, чилангар, рехтагар(бронза буюмларни қуйувчи ва қопловчи), мисгар, заргар каби касблар ихтисослашган соҳа сифатида кўрсатилган. Ўша давр металлсоз ҳунармандларнинг бозорлардаги дўконлари устахона вазифасини ҳам бажарган. Бухоро шаҳри ҳунармандларининг XIX-XX асрлар бошидаги металлга ишлов бериш жараёнлари, чўян қуйиш, қолип тайёрлаш, рангли ва қимматбаҳо металлларни эритиш, асбоб-ускуналари ва касба уюшмалар ҳақида О.А.Сухарева асарларида маълумотлар берилади³. Хоразм металлсозлик

¹ Андреев М.С. Выработка железа в долине Ванча (верховья Амударьи). –Ташкент, 1926. -17 с.; Андреев М.С. Таджики долины Хуф. –Душанбе, 1958. -вып. II. -С. 180-197. 345-348; Ершов Н. Н. Домашние промыслы и ремесла// Таджики Каратегина и Дарваза. –Душанбе, 1966. -вып1. –С. 195-290.

² Мукминова Р. Г. Очерки по истории ремесла а Самарканде и Бухаре в XVI веке. –Ташкент, 1976. -С104-126.

³ Сухарева О. А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX-началаXX века. –Ташкент, 1962. -194 с.; Сухарева О.А. К вопросу о литье металлов в Средней Азии// Занятия и быт народов Средней Азии. -Л.: Наука, 1971. -вып. III. - С. 147-167.

хунармандчилигини ўрганишга оид дастлабки маълумотлар 1838 йили «Горный журнал» саҳифаларида чоп этилган¹.

XVI асрда Мовароуннахрнинг Дашти Қипчоқ ўзбеклари томонидан эгалланиши, Бухоро хонлигининг ташкил топиши, XVI аср иккинчи ярмидан бошлаб, кончилик иши тараққиётида бир қатор ўзгаришларга олиб келди. Абдуллахон II (1583-1598) даврида олтин тангалар (хоний) зарб этилиши фикримизнинг яққол мисолидир. Бу даврда хонликда кумуш етишмовчилиги мавжуд бўлиб, 1588 йилда Абдуллахон II томонидан Москва давлатига юборилган элчилар олдига кумуш идишлар ва буюмлар сотиб олиб келиш вазифаси қўйилган эди.

Бухоро хонлигида турли металллар қазиб олиш XVI-XIX асрларда ҳам давом этди. Манбаларда Шаҳрисабз тоғларидан темир, Ғузор тоғларидан кўрғошин қазиб олинishi, уларнинг асосий қисми пойтахт Бухорога олиб келиниши ва бу ердан турли ҳудудларга тарқатилиши ҳақида маълумотлар мавжуд². Бухоро хонлигининг шарқий бекликларига, хусусан Бойсун ва Қоратегинда, Нурота тоғларида ҳам асосан маҳаллий эҳтиёжлар учун сарфланадиган темир қазиб олинар эди. Шунга қарамасдан, XVIII асрда хонликка ташриф буюрган Флорио Беневенининг Бухорода «юқори сифатли темир» қазиб олинishi ҳақидаги фикрларига айрим мутахассислар хонликдаги ҳақиқий аҳволни акс эттирмайдиган маълумот сифатида қарайдилар³.

XVI асрдан бошлаб Ўрта Осиёда ўқ отар қурооллар ҳам пайдо бўлади. Лекин бу металлургия ривожига сезиларли туртки бермайди. Милтиқлар учун керакли металл асосан четдан олиб келинар эди, лекин ҳарбий соҳадаги бу ўзгаришлар кончиликнинг бошқа йўналишларини ривожлантирди. Хусусан, селитра қазиб олиш бу даврда кескин кўпайди. Бухоро хонлигида порох тайёрлаш учун керак бўлган селитра конлари қуйи Қашқадарё,

¹ Выписка из описания Хивинского ханства// Горный журнал. – СПб., 1838. -Ч. IV. Кн. XI.

² Мейендорф Е. Путешествие из Оренбурга в Бухару. -М., 1975. -С. 79.

³ Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. -Т., 1953. -С. 49-52.

Фарғона водийсида мавжуд эди. Тарихий маълумотларга қараганда, қуйи Қашқадарёдаги Касби тумани атрофидаги қишлоқлар (Навкат, Денов, Қамаш) яқинидан олинган «порох тузи» Бухоро хонлигининг бошқа ҳудудларига ҳам кўплаб олиб кетилган. Бу селитра ҳатто Боқалик форслар томонидан ҳам катта миқдорда сотиб олинганлиги маълум¹.

Хонликда юқорида қайд қилинганидек, темир, қўрғошин каби металллар ва турли нometалл рудалар, нашатир (Янгиободдаги Контоғдан), Нурота ва Ғузор тоғларидан мис қириндиси (купорос), қора мум (битум), Самарқанд яқинида қурилиш материалларидан гулганч, Бухоро-Қарши оралиғидан оҳактош, Ғозғондан мрамр, турли кулолчилик хом ашёлари гилбута, гилмой, гилкори, нодир тошлардан фερуза ва бошқалар қазиб олинган.

Бухоро хонлигида олтин қазиб олиш бўйича маълумотлар нисбатан Бухоронинг шарқий қисмлари Кўлоб ва Балжувон бекликлари, Қоратегин ва Дарвоз ҳудудлари бўйича кўпроқ эди. Маҳаллий аҳоли Ях сув (Сафед дарё), Шуғнов, Талбар, Равнов дарёси ва унинг ирмоқлари, Хингов дарёси бўйидаги Сангвор, Дарвозда Арзинг дарёси, Ванча дарёси юқори қисмларида ва Ёзғулумда, Ситак қишлоқлари яқинида олтин қазиб олиш билан шуғулланарди. Қоратегинда Саримсоли мавзеси маҳсулдор бўлиб, бу ерда 400 граммгача бўлган табиий олтин парчалари топилган эди².

Вахш дарёсининг турли қисмларида масалан, Қўрғонтепа ҳудудидаги Туткаул қишлоғида, шунингдек Вахшнинг юқори қисмида Сурхоб деб номланган мавзеда ҳам олтин ювиш билан аҳоли шуғулланган. Бундан ташқари, Нурек, Лангар, Сангтўда, Лагман ва Жилиқули ҳудудларида ҳам ювиш орқали олтин олинган. Барча олтин олинган ҳудудларда олтин олиш билан, одатда баҳорда ёмғир сувлари дарёларда пасайгандан сўнг, тоғлардан сув келтирган ётқизикларда олтин зарралари кўп бўлган вақтда кўпроқ шуғулланганлар.

¹ Ўрта Осиёда кон-металлургия тарихи: ўтмиши ва бугуни (Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. –Навоий., 31 май 2007 йил). - Б. 80.

² Бубнова М.А Добыча полезных ископаемых в Средней Азии в XVI-XIX веках. -М.: Наука; 1975.- С. 21.

Ҳазрат Хўжа Мусали мазоридан тахминан Зарафшон музлигидан 15 км куйидан бошлаб, аҳоли олтин олиш ишлари билан шуғулланган¹.

Бухоро хонлигида кончилик ишлаб чиқариши саноат даражасига етмаган, бу соҳа қўшни Хива ва Қўқон хонликларига нисбатан ривожланган эди.

Умуман олганда, қадимги давр ва ўрта асрларда мавжуд бўлган деярли барча конлардан ўзбек хонликлари даврида ўз даврининг талаби даражасида фойдаланиб келинган.

Бу давр кончилик ривожини тарихини янада батафсил ўрганиш бугунги кунда тарихчи ва мутахассислар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Бухоро амирлигининг ҳудуди турли фойдали ва қимматбаҳо қазилмаларга бой эди. Бироқ амирликда тоғ-кон ишлаб чиқариши борасида эски, ўрта асрларга хос муносабатларнинг мавжудлиги мамлакат ҳудудида мавжуд фойдали қазилмаларни қазиб ва ишлатиб йўлида катта тўсиқ вазифасини ўтар эди.

Турли ҳукмдорлар қимматбаҳо қазилмалар конларини махфий тутишар эди. Бунинг асосий сабаби бу конларга қўшни ҳукмдорларнинг назарлари тушмаслиги, уларнинг нигоҳи ва ёвуз ниятлари бу конларни қўлга киритишни мақсад қилиб олмасликларининг олдини олишдан иборат эди.

Амирлик ҳудудида кўплаб қимматбаҳо металл конлари мавжуд эди. Улардан бири олтин бўлиб, бу қимматбаҳо металл ҳақида 1712-1725 йиллар орасида Бухорода бўлган Пётр I нинг элчиси Флорио Беневени муҳим маълумотларни ёзиб қолдирган. Рус подшосининг элчиси Бухорода бўлган вақтида ўз камердинери Николай Минерни Балх, Бадахшонга, у ерлардан олтин ва кумуш қазиб олишнинг сирларини билиб келишга юборади. Камердинери келтирган маълумотлар асосида рус элчиси Пётр I га ёзган

¹ Ўша асар.-Б. 21.

хатларида мамлакатнинг ер ости ва ер усти бойликлари ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз: “Амударёнинг бошланиш қисмида олтин йўқ. Лекин унга Кўкча дарёси келиб қўшилган жойда қумлоқ ерларда олтин бор, чунки Кўкча дарёси олтин ва бошқа рудаларга бой тоғлардан бошланади. Кўкчанинг бошланиш қисмида, хусусан ёз фаслида маҳаллий аҳоли катта-катта олтин парчаларини топиб оладилар¹.”

“Қўрғошин, олий навли темир конлари Самарқанд ва Бухорода ҳам бор. Сирдарёда олтин топса бўлади. Лекин Андижон ва Марғилонда кўпроқ. Бошқа ердагилар ҳақида чопаримиз (Н.Минер) аниқ айтиб беради. Сирдарё соҳилларидан қумлоқдан топилган олтин парчасини ундан бериб юбормоқдаман”.

“Ўша дарёда (Сирдарё) олтин бор. Теварак атрофдаги тоғларда, хусусан, Қошғар, Марғилонда, Андижонда ва Тошкентда ҳам бор. Ҳар ҳолда биз шундай деб эшитдик.” Ф. Беневенининг мана бу маълумоти ҳам муҳим. “Бадахшон тоғларидаги олтин, лаъл, ва заҳар муҳра конларининг барчаси маҳаллий беклар қўлида²”.

Бадахшондан ташқари ерлардаги олтин руда ҳолида эмас, балки табиий ҳолда мавжуд бўлиб, у қум аралаш ҳолда учрашини кўрсатиб ўтган. Рус элчисининг ёзишича, қумдан олтин қуйидаги тарзда тозалаб олинган: Дастлаб олтин аралаш қум қозонларда ювилган ва пўстак-териладарда қуритилган. Сўнгра бу териладар чўп-савағичлар билан урилган. Натижада пўстакка ёпишган қум учиб тушган, олтин зарралари эса пўстакка ёпишиб қолган. Шу тарзда олтин қумдан ажратиб олинган. Олтин олишнинг бу усули Бадахшонда кенг қўлланилган³.

¹ Ахмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари.(Қадимги замон ва ўрта асрлар).-Т.: Ўқитувчи; 2001. - Б. 330.

² Ахмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари.(Қадимги замон ва ўрта асрлар).-Т.: Ўқитувчи; 2001. - Б. 330.

³Қаранг: Ўрта Осиёда кон-металлургия тарихи: ўтмиши ва бугуни (Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари, -Навоий., 31 май 2007 йил). - Б. 76.

Олтин шунингдек, Зарафшон тоғлари атрофида яшовчи аҳоли томонидан Зарафшон дарёси ва Искандардарё оқимидан, Қоратегин ва Дарвозда ҳам қазиб олинган ¹.

Бошқа металллар хусусида ёзар экан, Ф.Беневени Бухорода мис, аччиқ тош, қўрғошин ва темир кўплигини кўрсатиб ўтади².

Рангли металлларни қазиб олиш амирлик ҳудудида XIX асрнинг биринчи ярмида анча жонланганлигини кузатиш мумкин. Амирликнинг кўпгина ерларида олтиннинг янги конлари аниқланди. Олтин қум аралаш ҳолда Вахш дарёси, Балжувонда, Сафиддарё довонида, Панж дарёсининг ўрта ва юқори оқими ҳамда бошқа ерларда бор эди.

Қўрғошин ва кумуш Ўратепа, Бухоро в Кўҳитангдарё водийсида қазиб олинган. Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган Шайхжалил тоғларида олтин ва кумушга бой конлар мавжуд бўлиб, уларга яқин ерларда феруза конлари мавжуд эди³.

Кумуш конлари шунингдек, Гунт дарёсининг юқори оқимида, Кумушжилға (Яшилкўл яқинида) деб номланган жойда бўлган. Ўша ерда қўрғошин конлари ҳам мавжуд эди. Бутун Бухоро амирлигини қўрғошин билан таъминлаган конлар Бухоро яқинида, Куйтантауда жойлашган эди.

Бухорода 1795 йилда бўлган рус кон инженери Т.Бурнашев бухороликлар қўрғошин рудаларини кичик қозонларда эритишлари, бу ишда уларнинг маҳорати йўқлиги ва бу жараёнда кўп металл йўқотишларини таъкидлаб ўтади. Россиялик шоҳиднинг кўрсатишича, бухороликлар, шунингдек, снарядлар ҳам ишлаб чиқарганлар, Россия порохидан кучсизроқ порох ҳам ишлаб чиқарганлар. Порох ясаш учун керак бўлган қўрғошин ва селитранинг қазиб олинишига амирликда катта эътибор қаратилган. Улардан ўқ ва порох ясашда кенг фойдаланилган. Уларда порох кўп, уни

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

³ Ўрта Осиёда кон-металлургия тарихи: ўтмиши ва бугуни (Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари- Навоий., 31 май 2007 йил).- Б. 77.

хоҳлаганларича тайёрлайдилар, чунки, бунинг учун зарур материаллар селитра ва олтингугурт шу ерда мавжуд, -деб кўрсатади Ф.Беневени¹.

Порох тайёрлашда керак бўлган селитра, айникса, Қарши вилоятининг жанубий-ғарбий қисмида, Жумабозор, Ўртатепа, Чиноз ва бошқа ерларда ҳам мавжуд бўлган. У жуда оз миқдорда ва содда усулларда қазиб олинган.

Темир рудасини қазиб олиш Қоратоғ, Шаҳрисабз ва Бойсунда, Чирчик дарёси водийсида кенг тарқалган эди. Бу ерларда қора металлни қазиб олиш кўл меҳнатига асосланган ҳолда амалга оширилган. Кўп ҳолларда, темир конлари маълум бўлса-да, маҳаллий аҳоли темир рудасини дарё тошлари орасидан (масалан, Бойсун яқинида) йиғиб олишни афзал кўрганлар. Темир рудасини арча дарахтидан тайёрланган кўмир ёрдамида эритганлар. Рудани эритувчилар уни устахоналарига келтириб, эритиш жараёнини амалга оширганлар. Рудани улар устахоналарга эшакларда ташиб келтирганлар. Айрим ҳолларда темирчилар хом-ашё қазиб олинадиган ерларга келиб, шу ернинг ўзида темирдан турли маҳсулотларни яратганлар.

XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё хонликлари билан Сибирь ўртасида савдо-сотиқ алоқалари кучайди. Сибирь шаҳарларида Хитой савдогарларини билишмас, уларнинг товарлари Тара, Тобольск, Искер шаҳарларига бухоролик савдогарлар орқали етказиларди. Бухоро хонлигидан Сибирга пахта ва ипак маҳсулотлар билан бирга ҳар йили икки бор 4-5 туяда қизил гул ва лолалар тасвири туширилган олтин ва кумуш қалқонлар, қимматбаҳо маъданлардан қилинган зеб-зийнат буюмлари келтирилган. Феруза, олмос ва нодир металллардан қилинган айрим товарлар яширин равишда ҳам сотилган.²

Ҳатто бурятларнинг халқ оғзаки ижоди намуналарида Бухорода ясалган олтин суви юритилган олтин найзалар ҳақида куйланган.

¹ Посланник Петра I на Востоке. Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718-1725 годах. - М.: Наука; 1986. -С. 85.

² Батраков В.С. Хозяйственные связи кочевых народов с Россией, Средней Азией и Китаем.-Т.: Изд. САГУ.-С. 92-93.

Сўнгги ўрта асрларга келиб, бухоролик металлсозлар қизитиб болғалаш ва тоблашдан яхши хабардор бўлганлар. Заргарликнинг нозик техникасини эгаллаб олган Бухоро усталари билагузук, зирак, узук, попук ва тиллақошлар ясашда мохир бўлишган, темирчилар дубулға, қалқон, найза, қилич кабилардан иборат ҳарбий аслаҳалар ишлаб чиқарардилар. Самарқанд ва Бухоро қурулсозлик маркази бўлган. Бухородан Москва давлатига келтирилган XVII аср моллари рўйхатида “тилла суви юритилган камонлар”, Сибирга келтирилганлари рўйхатида “Бухоронинг сариқ камони” кайд этилиши кишининг диққатини тортади. Бухоро усталари тайёрлаган ханжар ва қиличлар дастасига бадий безак берилиш санъати бу даврларда тарқалди¹.

XVII-XVIII асрларда Бухоро хонлигидан Россияга элчи ва савдогар бўлиб борганлар ушбу мамлакатдан ҳунармандчилик учун зарур бўлган металл товарларни кўпроқ олиб келишга ҳаракат қилишган. 1717 йил Қулибек тўпчибоши элчилиги сафида бўлган йирик савдогар Асанбобо хонликка темир, пўлат, мис олиб келганди². Шунингдек, 1754, 1774, 1778-1779 йилларда Россияда Бухоро хонлиги номидан савдогар ва элчи бўлиб борган Эрназарбий Мақсуд Россия императрицаси Екатерина II назарига тушган. Тарихчи олим Ҳ. Содиқовнинг ёзишича: “Бухоро элчиси императрицадан Бухоро ҳукумати учун 15 минг пуд темир, 5 минг пуд пўлат, 3 минг пуд мис харид қилган”. Екатерина II Эрназарбий Мақсуднинг дипломатик қобилияти ва савдо илмидаги донолигига қойил қолиб, унга Каспий денгизидаги рус кемаларидан бирини совға қилди, 10 минг сўмгача маҳсулотлари бўлса, 5 йилгача Россиянинг барча шаҳарларида божсиз савдо қилиш ваколатларини берди. Эрназарбий Мақсуд Екатерина II нинг моддий ёрдами билан Бухорода “элчилик мадрасасини” қурган³.

¹ Қаранг: Бухоро-шарқ дурдонаси.-Т.: Шарқ; 1997.- Б. 56.

² Қаранг: Содиқов Ҳ. Тарихнинг чигал сўқмоқларида//Ватан. 1994.-№ 28.

³ Ҳайитов Ш.А. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари тарихидан.-Бухоро., 1996. -Б.48.

XIX асрда чўян ва мисни эритиш ҳунармандчилик устахоналари Шаҳрисабз, Каттакўрғон ва Бухоро амирлигининг бошқа шаҳарларида мавжуд эди. Бироқ бу устахоналар кичик бўлиб, улар чўяндан турли идиш-товоқларни ясашга ихтисослашган эди. Улар аҳолининг бундай маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қисман қондиришга қодир эди. Аҳолининг бундай маҳсулотларга бўлган талаби XIX аср бошларидан бошлаб, рус заводларида ишлаб чиқарилган товарлар ҳисобидан қондирилиб борди.

О.А Сухареванинг «Бухара XIX - начало XX в. (Позднефеодальный город и его население) монографиясида Бухоро хонлигида мавжуд бўлган металлга ишлов бериш турлари ва ҳунармандчилиги тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилган. Бухоро хонлиги ҳудудларида металлга ишлов бериш ишлари бешта мустақил тармоққа бўлинган:

1. Темирчилик-чилангарлик ишлари (чилангарлар, оҳангарлар): уларга темирдан ҳар қандай меҳнат қуроли тақачилар; (наългарон), кулфсозлар; пичоқчилар; (кордсоз), тунукасозлар; игна тайёрловчилар (сўзангарон), мих тайёрловчилар; (меҳчагарон) тайёрлайдиган темирчилар кирган. Бухоро шаҳрида 150 нафар чилангар бўлиб улардан 30 нафари кетмонлар тайёрлаш, 50 нафари ўроқлар тайёрлаш билан шуғулланган; баъзилари майда буюмлар - занжирлар, эшик зулфинларини тайёрлаш, бошқалари эса турли соҳа ҳунармандлари учун металдан турли асбоблар ясашга ихтисослашган¹.

2. Чўян қуйиш (дегреси) майда ихтисосликларга: омоч тишлари қуйиш (позагари) ва турли маиший, рўзғорга зарур предметларни қуйишга ихтисослашган бўлиб умумий ном билан “манқалрези” дейишган. Чўян қуйиш ишлари шаҳарда амалга оширилмаган. Шаҳарда чўян қуювчиларнинг Дегреси маҳалласида савдо расталари бўлиб унда уста чўян қуювчилар ва чўяндан қилинган буюмлар билан савдо қилувчилар яшаган. Кварталнинг

¹ Сухарева О.А. Бухара XIX - начало XX в. (Позднефеодальный город и его население). Наука. Москва.1966. С-190.

Дегреси (қозон қуйувчи) номланиши ҳам қачонлардир, чўян қуювчиларнинг устахоналари шаҳар ичкарасида бўлганлигидан далолат беради. XIX аср-XX аср бошларида Бухоро дегрезларининг устахоналари шаҳар атрофидаги аҳоли манзилларига кўчирилган: Муғулони қари қишлоғида икки ака-укага тегишли иккита катта устахона жойлашган бўлиб бир оилага қарашли бўлган;

От –қўрчи қишлоғида иккита устахона, Зарманок қишлоғида битта, Вожик қишлоғида учта устахона жами Бухоро шаҳри атрофида 8 та чўян қуйиш устахоналари бўлиб шаҳар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Усталар шаҳарда яшашган, у ерда маҳсулотни сотиш бозори жойлашган. Дегреси кварталида 19 та дўкон бўлиб улар орқали Бухоро чўян қуювчиларининг маҳсулотларининг катта қисми сотилган. Бухоро ва унинг атрофларида 40 тага яқин дўкон мавжуд эди¹. Кўпгина чўян қуювчилар қишлоқ жойларида яшаб хунармандчиликдан ташқари деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар. XX аср бошларида чўян қуйишда асосий асосий маҳсулот омов тишларини (поза) ишлаб чиқиш эди.

Маҳсулотни қуйиш ишлари ҳар бир устахонада икки ойда бир марта амалга оширилган. Бошқа вақтларда чўян қуйиш ишига тайёргарлик ишлари олиб борилиб, ходимлар сони кўп талаб қилинмаган. Чўян қуйиш вақтида устанинг камида икки нафар малакали ёрдамчиси ва кўпгина ёрдамчилар бўлиши зарур бўлган. Одатда устага устахонада доимий ишлайдиган ёлланма усталар-халфалар ёрдам бериб, улар чўян қуйишлар оралиғидаги икки ой давомида қолиплар тайёрлаш (формовка)билан шуғулланган. Уларнинг кўпчилиги Бухоро шаҳридан бўлиб, баъзилари Ромитан, Гиждувон ва бошқа туманлардан ҳам келиб ишлаган. Ёрдамчилар ёш деҳқонлар орасидан бўлиб, чўян қуйиш вақтида улар меҳнатига эҳтиёж сезилган. Чўян қуйиш вақтида битта устахонада 30 тага яқин ходимлар ишлаб улардан учтаси уста, 10 нафар ёрдамчи (ёригар), 10 нафар чўян эритиш ўчоғига дам солувчилар

¹ Сухарева О.А. Бухара XIX - начало XX в. (Позднефеодальный город и его население). Наука. Москва.1966. С-192.

(дамгар) ва 5 нафари чўян қуювчилар ҳисобланган¹. Бу ходимларнинг кўпчилиги муайян малакага эга бўлиб доимий равишда ишлаб чиқаришда машғул бўлган, қолганлари мавсумий ишлаган.

3. Мисгарлик ҳунари (мисгарон) алоҳида тармоқларга эга бўлмасдан, ҳунарымандчиликнинг таркибида айрим буюмларни тайёрловчи мутахассислар бўлган. Мисгарларнинг катта қисми ўз уйидадаги устахонада ишлаган. Кўп устахоналарда уста ва икки нафар халфа фаолият юритган. Халфалар юқори малакага эга бўлмаган ходимлар бўлган. Касб-ҳунар сирларини яхши эгаллаган халфалар кейинчалик уста даражасига етиб ўз устахонасига эга бўлган.

4. Бронза қуйиш (рехтагари)да қўнғироқлар (зангўласози) ишлаб чиқариш алоҳида ажралиб турган. Бундан ташқари усталар орасида турли маиший буюмлар ишлаб чиқарувчилар: манқалсозлик, довотсозлик, эгар-жабдук, сувлиқ каби турлари бўйича ажралиб турган. Бронза қуйиш XIX аср охири ва XX аср бошларида ривожланмаган соҳа эди. Қадимда рехтагарлар қурол-яроқлар шу жумладан, тўпларни ҳам қуйганлар. Бу вақтда Бухорода жами 40-50 нафар киши бронза қуйиш билан шуғулланган, улардан 30 нафари таълим олган усталар ҳисобланган. Шаҳарлик усталардан ташқари шаҳар атрофидаги Зангўласози қишлоғи (Қорақўл дарвозаси атрофи) аҳолиси ҳам иштирок этиб, у ердаги 28 ҳовлидан 12 тасида бронза қўнғироқларни қуйиш билан шуғулланган². Барча уста-рехтагарлар ёрдамчи ишчи кучидан фойдаланишга мажбур бўлиб, ёрдамчиларсиз бронзани қуйиш имкони йўқ эди. Шунинг учун кўпгина усталар шогирдлар сақлашган. Йирик рехтагарлар бир вақтнинг ўзида 5-6 нафаргача шогирд сақлаганлар. Шогирдлик узок йиллар давом этган.

Заргарлик. Заргарлик аёлларнинг турли безакларини, қимматбаҳо металллардан идиш-товоқлар тайёрлаш бўйича ихтисосликларга бўлинган.

¹ Сухарева О.А. Бухара XIX - начало XX в. (Позднефеодальный город и его население). Наука. Москва.1966. С-192.

² Сухарева О.А. Бухара XIX - начало XX в. (Позднефеодальный город и его население). Наука. Москва.1966. С-194.

Қимматбаҳо металлрни ҳар хил аралашмалардан тозалаш ва кумушдан олтинни ажратиб олиш алоҳида ихтисослик ҳисобланган. Қимматбаҳо тошларларга ишлов берувчилар заргарлар билан маҳкам боғлиқ эди. Маълумотларга кўра Бухорода 400 нафардан ортиқ заргарлар бор бўлган¹. Заргарлик касб-ҳунарининг фойдали бўлишига қарамасдан Бухоро заргарлик бўйича йирик корхона мавжуд бўлмасдан уларнинг кўпчилиги якка тартибда фаолият юритган, халфалар меҳнатидан жуда кам фойдаланилган, бадавлат ва тадбиркор усталар 2- 3 нафаргача халфа сақлаганлар. Заргарлар бозор эҳтиёжлари ва буюртмалардан ташқари Аркда жойлашган устахонада ҳам фаолият юритганлар. Устахона 2 қисмга бўлинган. Биринчи қисмда танга ишлаб чиқарилган (корхонаи танга), иккинчи қисмда олтиндан ва кумушдан турли буюмлар тайёрланган.

Туз ва графит Бухоро яқинида, феруза, мис, сурма – Нуротада, гипс Самарқанд яқинида қазиб олинган. Исфара яқинида нефть кони мавжуд бўлиб, бу ерда феруза, зумрад, яхонт ва ёқут конлари ҳам бор эди. Ёқутга ишлов бериш нозик санъатидан амирликнинг кўпгина хунармандлари таниш бўлиб, уларнинг тажрибалари авлоддан авлодга ўтган.

Тоғлардан қазиб олинган табиий бойликлардан турли бўёқлар ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланганлар. Масалан, кулолчиликда ишлатиладиган сариқ ранг учун – темир рудаси ишлатилган. Шунингдек, темир рудасидан чўянбўёқ олинган. Бинафша ранг беришда ишлатиладиган марганец перекиси – магил ҳам тоғларда кўп эди. Баргранг бўёқ вазифасини ўтовчи кўрғошин окиси малгаш эса Бухорога яқин Машатдан қазиб олинган. Шунингдек, тоғлардан ложувард, қора мис, кўк мис ҳам қазиб олинган. Улардан бўёқлар тайёрлашда кенг фойдаланилган².

Тоғлардан, шохидларнинг кўрсатишича, XIX асрнинг 20- йилларида олтингугурт, купорос, новшадил, аччиқтош, селитра қазиб олинган.

¹ Сухарева О.А. Бухара XIX - начало XX в. (Позднефеодальный город и его население). Наука. Москва.1966. С-195.

² Ўрта Осиёда кон-металлургия тарихи: ўтмиши ва бугуни (Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари, -Навоий., 31 май 2007 йил). - Б. 78.

Панжикент яқинидаги тоғлар кварц сланеци ва темир купороси конларига бой эди. Шунингдек, амирликда сердолик, феруза ва бошқаларнинг кони кўп эди. Айниқса, Нурота, Букан тоғлари, Юз-кудук атрофларида феруза конлари мавжуд бўлиб, улардан қазиб олинган феруза амирликнинг бошқа конларидан қазиб олинган ақиқ (сердолик), ложувард каби жуда арзон нархларда сотилган¹.

Бухорода туз конлари ҳам мавжуд эди. Улардан бири Бухоро яқинида, аниқроғи ундан 20 чақирим нарида, Бухородан Қаршига олиб борувчи йўлда жойлашган эди. Иккинчи туз кони Қарши яқинида жойлашган бўлиб, ундан бошқа конларга нисбатан «оппоқ ва яхши сифатга эга» туз қазиб олинган. Амирликдаги учинчи туз кони Қоракўл яқинида жойлашган эди. Бу тузларнинг сифати ҳар хил бўлиб, улар Бухоро бозорларида турли нархларда сотилган. Хусусан, қорароқ ва анча ифлос тузнинг бир чариғи Бухоро бозорларида 4 пулдан ёки 6 рус копейкасида, Қарши оқ тузининг 5 фунти 6-8 пулга (9-12 копейка) сотилган².

Тоғларда шунингдек, кўмир конлари ҳам мавжуд эди. 1841-1842 йилларга оид маълумотларга кўра, амирликда мавжуд кўмир конларидан бири Қарши шаҳрининг ташқарисида жойлашган тоғларда бўлиб, ҳатто шаҳар атрофидаги бир жойда очилиб қолган кўмир конида у ёниб турар эди³.

Нурота ва Ғузор тоғларида графит, Самарқанд яқинида эса гипс конлари мавжуд эди.

Келтирилган маълумотлар XVIII асрнинг иккинчи ярми - XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлиги ҳудудида турли фойдали ва қимматбаҳо қазилмалар конлари мавжуд бўлганлиги, маҳаллий аҳоли улардан кундалик турмуши, хўжалиги ва иқтисодий фаолиятида кенг фойдаланганлигини кўрсатади.

¹ Ўша жойда.

² Ўша китоб.-Б. 79.

³ Ўша жойда.

Бухоро амирлиги ҳудудларида олтин, темир, кўрғошин ва бошқа казилма бойликлардан турли хил маҳсулотлар тайёрланган. Манбаларда бу ҳақда маълумотлар берилган.

Кончилик ишлари жуда оддий усулда бўлса ҳам, ривожланиб келган. Бу иш билан жуда кам, саноқли кишилар машғул бўлиб, эҳтиёжга яраша миқдорда ер ости бойликларидан керакли маҳсулотлар тайёрланган.

XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида ҳам Бухоро амирлигида кончилик билан машғул бўлганлар сони кам бўлиб, махсус заводлар бўлмаганлиги боис, асосан тоғлик ҳудудлардаги аҳолининг маълум қисми, оддий техника, уловлар, асбоб ускуналар, устахоналардан фойдаланилган.

XX аср бошларида Бухоро амирлиги тарихини ўрганган Д.Н.Логофет Бухоронинг бойликлари ҳақида айрим маълумотларни келтиради. Ўша пайтда Бухоронинг тоғлик ҳудудларда кўплаб миқдорда олтин, мис, темир, кўрғошин, киноварь (қизил рангли минерал), симоб, тошкўмир, мрамор, нефть, охра(сарик ёки қизил тусли минерал бўёқ), туз, тоғ биллури (хрустали), топаз (қимматбаҳо асл тош), қизил ёқут (лаъл) заҳиралари мавжуд бўлган.

1784 - 1791 йилларда Ўрта Осиёнинг Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа шаҳарларида бўлган митрополит Хрисанф қуйидаги маълумотларни келтиради: “Бухоро билан Балх ўртасида баланд бир тоғ бор. Унда қизил тусли мрамор(парчаларига) ўхшаш тусдаги туз конлари мавжуд. Ўша вилоятда шундай тоғлар мавжудки, уларда ҳар турли маъдан конлари бор. Бу тоғларда ўзбекларнинг қўнғирот қавми истиқомат қилади. Бу тоғлар шимолда Самарқандгача, шарқда Бадахшонгача чўзилган... Бухоро тўқ шаҳар. У асосан кумуш, олтин, марварид ва қимматбаҳо тошларга бой.”¹

1844 йилда Бухорога ташриф буюрган Эрон элчиси Саййид Халилхожанинг ҳисоботида қуйидагича баён қилинади: Жумладан, Бухорода

¹ Ахмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари (Қадимги замон ва ўрта асрлар).- Т.: Ўқитувчи; 2001.-Б. 334.

“Олтин қазиб олиш усули тўғрисида Зарафшон дарёсининг Бухоро амирлигига тегишли қисмида, яъни Занданий қишлоғидан оқиб ўтиш жойида кўй териси дарёнинг торайган қисмига кўйилади. Шу тариқа олтиннинг майда кукунлари кўйнинг терисига ёпишиб йиғилган. Терига ёпишиб йиғилган олтинлар теридан ажратиб олинган”¹ -деб таърифлайди.

XIX асрнинг 30- йилларида Бухоро амири Россия ҳукуматига фойдали казилмалар конларини аниқлаш борасида мутахассислар юборишни сўраб, мурожаат этди. Бунга жавобан 1841-1842 йилларда Бухорога К.Ф.Бутенев бошчилигида Бухорода мавжуд қимматбаҳо металллар ва тошлар шунингдек, рудаларни ўрганиш учун тоғ-кон инженерлари келадилар. Зарафшоннинг юқори оқимида тоғ-кон инженерлари кўмир, темир купороси конларини аниқлаб, уларни ўрганадилар. Тоғ инженерларининг бу борадаги изланишлари уларнинг бир қатор мақола ва илмий ишларида ўзининг аксини топди².

К.Ф. Бутенев Бухоронинг минерал бойликларини баҳолаб, ҳозирга қадар тоғ-кон саноати нуқтаи-назаридан улардан Бухорода етарли даражада фойдаланилмаган, деб қайд этади³. Бу олим мамлакат тоғларини ўрганиш натижасида уларда мис конлари кўплигини қайд қилиб, бундай конлар Кўҳак дарёсининг юқори қисмидаги тоғларда, Бухородан шимоли-шарқда жойлашган Нурота тоғларида мис рудалари мавжудлигини кўрсатиб ўтади⁴.

Бухоро амирлигида Аркда жойлашган танга ишлаб чиқариш корхонасидаги иш жараёнини ўзи гувоҳ бўлиб кузатган рус муҳандиси Бутенов Россияга қайтгандан кейин “ Горный журнал” нинг 1842 йил сонидида олтин, кумуш ва мисдан тангалар ишлаб чиқариш жараёнини батафсил ёзиб қолдиради. Бутенов шунингдек Бухоро атрофидаги қишлоқларда чўян эритиш устахонасидаги чўян эритиш ва унга тайёргарлик кўриш, усталар,

¹ Ўрта Осиёда кон-металлургия тарихи: ўтмиши ва бугуни (Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари, -Навоий.,31 май 2007 йил). - Б. 78.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша китоб.137- 148-бетлар.

ишлаб чиқарилган буюмлар тўғрисида ҳам ўз кузатишлари ва ўрганишларини ёзиб қолдирган.

Ушбу экспедициялар фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, уларнинг олдига қўйган мақсадларини англагандек бўламиз, юқорида қисқа баён қилиб ўтилган ҳисоботлардан кўриниб турибдики, Бухоро амирлиги ҳудудларини чор Россияси томонидан бўйсундириш, унинг ўрганилмаган ва фойдаланилмаган минерал-хом ашё бойликлари, улардан фойдаланиш имкониятлари ҳар томонлама солиштириш илмий деб ниқобланган экспедицияларнинг ҳақиқий мақсадини ошқор қилиб қўйди.

XIX аср охири – XX аср бошлари Россия – Бухоро муносабатлари тараққиётида ўзига хос янги босқич ҳисобланади. Чунки, айнан мана шу даврда Россия империяси сиёсатида бошқа ўлкаларга фаол кириб бориш ва капиталистик муносабатларни қарор топтириш йўли билан катта даромад манбаига эга бўлиш муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро ҳудудларида чоризм ўзининг доимий иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлигини ўрнатишга интилди.

Чор Россияси ҳарбий маъмурларидан бири, генерал-лейтенант М.А.Терентьев Россиянинг Ўрта Осиёдаги иқтисодий режалари ҳақида фикр юритиб, Ўрта Осиё қўшимча истеъмолчи ва хом ашё ҳудуди бўлиши ва унинг бекиёс аҳамияти тўғрисида алоҳида тўхталиб, шундай деб ёзган эди: «У (Бухоро – Ш.Ғ), рус маҳсулотлари учун асосий бозор бўлиб қолади. Қадимги Бухоро ва Марв орқали Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо йўллари ўтиб, эндиликда ушбу ўлкалар ўзида марказий савдо аҳамиятини сақлаб турибди: бу ерда хориж капитали рақобати йўқлигидан Осиёнинг барча мамлакатларидан савдогарлар келишиб, рус маҳсулотларига харидор бўлмоқдалар. Пахта, ипак асримизнинг олтин манбасига айланган бир вақтда,

Россия Ўрта Осиё қумликлари ва саҳроларида ўзига янги Колхида кашф этди¹.

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида олтин қазиб олиш анча тараққий этди. Рус капитали кириб келгунга қадар, Шарқий Бухоро – Қоратегин, Дарвоз бекликларида, Ях-Сув, Вахш ва Панж дарёларининг юқори оқимларида ушбу қимматли металл қазиб олинарди. Қоратегин ва Дарвоз бекликларида истиқомат қилувчи деҳқонлар дала ишларини тугатганларидан сўнг, олтин қумларини ювишга отланишар эди. Ушбу мавсум икки ойдан уч ойга қадар чўзилар, тозаланган олтин амир ғазнасига жўнатилар эди.

Айниқса, амирликдаги хом ашё бойликлари, табиий ер ости ва ер усти бойликлари устидан ўз назоратини ўрнатган чор Россияси ҳатто амирликдаги кон ишларини юритиш устидан назоратни ҳам ўз қўлига киритди. Жумладан, 1896 йил 24 феврал куни Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланган «Бухоро хонлигида олтин саноати» тўғрисида махсус фармойиш эълон қилинди. Ушбу фармойиш 40 банддан иборат эди.

Фармойишда Бухоро амирлигига қарашли эркин, ҳали эгалланмаган ерларда мавжуд олтин конларини барча рус фуқаролари ўрганиши ва тадқиқ этиши, олтин қазиб чиқариш ҳуқуқига эга эганлиги ҳам қайд этилди (1-банд).

Фармойишнинг иккинчи бандида кўрсатилишича, жойларда олтин конларини аниқлаш, ўрганиш ва қазиб олиш ҳуқуқи вақтинча фойдаланиш учун берилади. Бундай ҳуқуқни олиш учун рус фуқаролари Бухородаги рус сиёсий агентлигига ёзма равишда мурожаат қилганлар. Бухоро амирлиги билан келишилгандан сўнг, икки йил муддатга фойдаланишга рухсат берилган. Шундай рухсат олган ҳар бир кимса майдоннинг боши ва охирида махсус кўрсаткичларда, ер эгасининг исми – шарифи, уюшма ёки ташкилотнинг номи, қайси вақтгача шу ер эгалланганлиги ва шу хилдаги

¹ Терентьев М.А. Экономические задачи России в Среднеазиатских владениях. -СПб, 1888.-С.185.

маълумотларни ёзиб қўйиши шарт бўлган. Ушбу ҳолат амалга оширилганидан сўнг иш олиб борувчи ўша одам ҳудуд бекига ва рус сиёсий агентлигига шу тўғрисида хабар бериши лозим бўлган (9 ва 14 бандлар)¹.

Ўз навбатида ҳудуд беки, ерни эгаллаган шахс ёки жамоа томонидан олтин топилганлиги тўғрисида маълумот-ариза олгандан сўнг, дарҳол Бухоро амирлигига бу тўғрисида хабар бериши шарт эди. Шу билан бирга, бек ариза берган шахсга, аризани олганлиги тўғрисида тилхат бериши лозим бўлган (15-банд).

Ер участкаси берилаётганда, албатта ҳар бир участка орасида ўтиш учун йўл қолдирилиши шарт бўлган (20 банд) ва ушбу ҳужжатда белгиланганидек, бир шахсга ёки жамоа ва акционерлик жамиятига бирваракайига бир жойнинг ўзидан кетма-кет иккита участка ажратилиши мумкин бўлмаган (21-банд).

Агар олтин излаш учун рухсат олинган бўлса, унда саноатчи (яъни олтин изловчи) 18 ой давомида ишни тўхтатиши мумкин эмас эди (24-банд).

Олтин изловчи саноатчилар фармойишнинг 7-пунктида кўрсатилганидан ташқари, ўз манфаатлари учун, яъни уй-жой ва бошқа қўшимча қурилишлар учун, қўшимча равишда 5 десятинадан 10 десятинага қадар ер сўраш ҳуқуқига эга бўлган (22-банд), аммо ушбу қўшимча ер учун алоҳида ижара пули тўлаши лозим бўлган.

Саноатчилар ёки жамият аъзолари ер ажратилгандан сўнг, икки йиллик муддат ўз ниятига етгунга қадар, ҳар йили ўртача ҳисобда ўша ерда 40 куб микдорга тенг бўлган олтинга эга бўлган қум ёки материални қайта ишлаши лозимлиги фармойишда қайд этилган (25-банд)².

Ўз ер участкасида олтин ишлаб чиқариш ишлари тўла ниҳоясига етказилгандан сўнг, саноатчи Сиёсий агентлик орқали Бухоро ҳукуматига ўз

¹ ЎзР МДА. И-3- фонд, 2- рўйхат, 1-ҳужжат, 12-12а варақлар.

² ЎзР МДА.И-3-фонд, 2-рўйхат, 1-ҳужжат, 13-13а варақлар.

вақтида маълумот ва хабар бериши лозим бўлган. Ундан сўнг, унга у ердаги барча қурилиш ва ёрдамчи хўжаликларни бузиб олиши учун икки йил вақт берилган (29-банд).

Бухоро амирига тааллуқли бўлган ерлардан фойдаланилганлиги учун олтин изловчи саноатчилар ҳар бир десятина ердан 2 рубль миқдорида ер солиғи тўлаши шарт бўлган (30-банд).

Олтин изловчи саноатчилар ҳар бир ер участкасидан қазиб топган барча олтинлар тўла ҳолда Бухоро ҳукуматига топширилиши ва ўз навбатида, ҳукумат уларга ўша кунда Санкт-Петербург биржасида мавжуд бўлган нарх бўйича кредит ҳақ тўлаши лозим бўлган (31-банд).

Қазиб олинган ва топилган ҳамда ҳукуматга топширилган ҳар бир пуд олтиндан Бухоро ҳукумати фойдасига 5 фоиз миқдорида тўлов ушлаб қолиниши белгиланган (32-банд).

Қазиб олинган олтинларни яширганлар ва уларни Бухоро амири хазинасига тўла топширмаганликлари исботини топган тақдирда улар (яъни жавобгарлар) олтин қазिश ҳуқуқидан бутунлай маҳрум этилиши кўзда тутилган (33-банд).

Шунингдек, ушбу фармойишда олтин ишлаб чиқариш учун зарур бўлган техникалар, машиналар, эҳтиёж қисмлар хонлик ҳудудига олиб киритилаётганда закот тўлашдан тўла озод этилади, деб белгиланган эди (34-банд).

Олтин ишлаб чиқарувчи саноатчилар, ушбу фармойишда кўрсатилишича, (36-банд), Бухоро ҳудудида иш олиб бориш жараёнида Россияда чоп этилган «Кон ишларини ташкил этиш ва назорат қилиш тўғрисида»ги қонунларга амал қилишган.

Чор Россияси Бухоро ҳукуматида олтин ишлаб чиқариш ишларини назорат қилиб туриш учун ўз амалдорларини тайинлаш ҳуқуқини берган (37-

банд). Ушбу назоратчи амалдорларга олтин ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган саноатчилар ўз ишларини кўрсатишларини ва таништиришлари, иш олиб борилаётганда ҳамда олинган олтинларни тарозида тортиб кўраётганда, уларнинг иштирок этишлари учун рухсат беришлари лозим бўлган. Худди шунингдек, улар, яъни саноатчилар Бухоро ҳукумати билан келишилган ҳолда, ташриф буюрган сиёсий агентлик ёки Туркистон генерал-губернатори томонидан махсус жўнатилган шахсларга олтин ишлаб чиқариш жойларини, биноларни кўриш ва тафтиш қилишларига тўла имкон беришлари белгиланган¹.

Барча ҳукуқий масалалар, жумладан, саноатчилар ва Бухоро ҳукумати ўртасидаги тортишувлар, келишмовчиликлар ва низоли масалалар махсус судлар (третейский суд) томонидан кўриб чиқилиши кўзда тутилган (39-банд). Ушбу суд аъзоларининг бири Бухоро ҳукумати вакили, бири олтин ишлаб чиқарувчи саноатчи вакили бўлиб, улар сиёсий агентлик томонидан тайинланган раис бошчилигида ишни кўриб чиқишлари лозим бўлган.

Мана шу тариқа Бухоро амирлиги худуди руслар томонидан эгалланиб, у тобе давлатга айлантирилиб, барча сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилиб қўйилгандан сўнг, рус ҳукумати амирликни иқтисодий қарамга айлантириш сиёсатини амалга ошира борган.

Шундай қилиб, рус ҳукумати 1896 йил 24 феврал фармойиши орқали Бухоро олтинида ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга киришди.

1894 йилда Бухорога тоғ-кон инженери, Журавко Покорский келади. У олтин мавжуд бўлган ҳудудлар билан танишади, ҳамда Ях-Сув, Сафеддарё ва Мозорсув деган манзилларда олтин қидириш ишларини бошлашга рухсат беришларини сўраб мурожаат қилади. Шу тариқа, у Бухоро худудида олтин қидириш ишлари бўйича биринчи бўлиб рухсат олади.

¹ ЎзР МДА. И-3-фонд, 2-рўйхат, 1- хужжат, 13-13а - варақлар.

Биргина 1896-1899 йилларда Сафеддарё ёни қидирув ишларига тайёргарлик давридаёқ 2 пуддан ортиқ олтин қазиб олинган¹.

Журавко Покорскийнинг олтин қидириш ишларини таҳлил қилган «Москва» газетасининг 1910 йилдаги 178-179 - сонларида «Бухородаги олтин конларига эътибор бермаслик ва у ерда йирик корхона қурмаслик жиноятдир», деб ёзилган эди.

1917 йил амир Олимхоннинг бош вазири Мирзо Насрулло кушбеги махфий ҳолда Россияга олиб кетилган (хазина) бойликларни рўйхатга олган эди. Улар орасида: Бухоро тиллоси – 1118380 дона; Рус тиллоси – 4365100 сўм; Ёмби ҳолидаги Гамбург тиллоси 1108 (17 тонна 728 кг); Ёмби ҳолидаги Гамбург кумуши (45 тонна 404 кг); Тилла кукуни – 16 пуд (1 тонна 56 кг) ва бошқалар. Жами 34 номдаги қимматбаҳо ашёлар рўйхати бўлган.

Амир ва унинг оиласига тегишли бойликлар: йирик бриллиантлар - 3482 карат. Шунингдек, буюмларга тикилган бриллиантлар 968 карат, қимматбаҳо тошлар 86671 карат ва ҳоказо².

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Туркистон ҳудудидаги Қўқон, Хива хонликлари ва Бухоро амирлиги чор Россиясининг вассалига айланди. Ушбу ўлкадаги беҳисоб табиий бойликлар қаторида, уларни олтин ҳам жуда қизиқтирарди. Ҳатто, Петр I замонида, XVIII аср бошларида юртимизга олтин васвасасида экспедициялар жўнатилган эди. Чор Россияси мустамлакасига айланган Бухоро амирлиги ўз мустақиллигидан маҳрум этилди. Рус империалистлари амирлик ҳудудларида етиштириладиган пахта, қорақўл тери, жун каби маҳсулотлар билан бир қаторда ер ости қазилма бойликларига ҳам қизиқа бошладилар. Рус савдогарлари 1868 йилда Бухоро амири Музаффархон билан тузилган шартномага кўра, амирлик

¹ Холиқова Р. XIX аср ўрталарида –XX аср бошларида Бухоро амирлигида ишлаб чиқариш муносабатлари. // ЎзМУ хабарлари. 2004, 4-сон.- Б. 26-29.

² Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йиллар). -Т., 2000. - Б. 364-365.

худудида савдо- сотиқ қилишдек муҳим ҳуқуққа эга бўлдилар. Шу билан бирга улар ўзлари учун жуда муҳим бўлган бошқа имтиёзларни ҳам қўлга киритдилар. Масалан, 1873 йил 10 октябрда чор Россияси ҳукумати ва Бухоро амирлиги ўртасида тузилган Шаар шартномасининг 11 моддасида: “Рус фуқароларига, Бухоро амирлиги ҳудудларида бухоролик фуқароларга тенг равишда шариат рухсат этадиган саноат ва хунармандчилик ишлари билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади¹..” деган муҳим банд киритилган эди. Бу эса Россия протекторати остида бўлган амирлик ҳудудларида унинг казилма бойликларини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва фойдаланиш учун рус саноатчилари, олимлари томонидан XIX аср иккинчи ярмида ҳамда XX аср бошларида бир неча бор геологик – кидирув ишларини олиб боришга йўл очди.

XIX аср охири - XX асрнинг бошларида ҳам Бухоро амирлигида кончилик билан машғул бўлганлар сони кам бўлиб, махсус заводлар бўлмаганлиги боис, одатда олтин изловчилардан фойдаланилган.

Ўрта Осиёни Россия забт этгандан кейин, Бухоро амирлиги ҳудудларида мавжуд бўлган ер ости бойликларининг конлари жойлашуви ўрганилади. Олтин – оқтош, кварц кўринишида, тоғ жинслари таркибида Дарвоз беклиги ҳудудидаги тоғлик жойларда, Панж, Яхсув, Вахш ва Шарқий Бухоронинг бошқа кичик дарёлари оқими бўйлаб, тоғ жинсларидан ажралган қум таркибида учраган. Мис Дарвоз беклигидаги тоғлик жойларда, табиий равишда мавжуд бўлган. Темир Ҳисор, Дарвоз бекликларидаги тизма тоғликлардан олинган. Мармар – Дербент шаҳри атрофидан, Ҳисор тоғи этакларидан олинган. Нефть – Ҳисор ва Қўрғонтепа беклигида кўпроқ бўлиб, Қўрғонтепа беклигининг Сарой қишлоғида, Шеробод шаҳри яқинидаги Қоратоғ этакларида, Оқ-жумалон тоғликларида, Шакарлик-Остона деган жойда заҳиралари борлиги аниқланган. Олтингугурт ва унинг заҳиралари

¹ Сборник договоров России с другими государствами. (1856-1917 гг.)- М.: Гос. изд-во полит. Литературы. 1952. - С. 123.

Қўхитанг тоғ атрофларида, Келиф яқинида, Шеробод атрофларидаги Жўлтонтепада, Қизил-Ур деган жойда борлиги маълум бўлган. Тошкўмир конлари Бойсун, Ҳисор, Қўрғонтепа бекликларида мавжуд бўлган. Қўрғошин захираси Қўйтонда кўпроқ бўлган. Охра эса Қўрғонтепа беклигида, Қоратоғ этакларида, Ҳисор тизма тоғларида мавжуд эди.

Бухоро амирлигида ер ости қазилма бойликларини аниқлаш, тадқиқ этиш, излаб топиш ишлари муайян режа асосида олиб борилмаган, бу иш билан айрим кишиларгина шуғулланишган. Ер ости ишларини олиб боришга катта маблағ ажратилмаган, асбоб-ускуна ва жиҳозлар мукамал бўлмаган, бунинг устига руда эритиш печлари ҳам жуда оддий бўлган. Шунга қарамасдан, XX аср бошларида Бухоро амирлигида катта бўлмаган миқдорда олтин, темир, олтингугурт, туз қазиб чиқарилган¹.

Олтин қазиб чиқариш ёки олтин тайёрлаш учун зарур маҳсулот етиштириш икки йўналишда амалга оширилган. Дарвоз беклиги ҳудудидан олтин конидан кристалл кўринишдаги олтин қазиб олинган. Панж, Вахш, Яхсув, Қизилсув, Ванг, Ёзғулом ва Окдарё таркибида олтини мавжуд бўлган кумдан, тоғ жинсларидан олтин олинган. Бу дарёлар ўз оқими бўйлаб аралаш-қуралаш тоғ жинсларини ювиб кетиши натижасида олтин таркибли кумлар пайдо бўлган ва улардан олтин тозалаб олинган.

Дарвозда олтин олиш, асосан конлардан олтинли кристалл бўлакларни парчалаб олиш орқали амалга оширилган. Иш қуроли – оддий болға, чўкич ва бигизлардан ташкил топган. Олдин кварц шаклидаги катта бўлаклар синдириб олиниб, кейин улардан олтин бўлаклари, олтин зарралари бигиз билан ажратиб олинган².

Қайд қилинган дарёлардан олтин олишда, асосан, қўй терисидан фойдаланилган. Тўрлар билан жиҳозланган махсус мосламага қўй териси

¹ Ўрта Осиёда кон-металлургия тарихи: ўтмиши ва бугуни. (Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари, -Навоий., 31 май 2007 йил. -Б.113.

² Ўша жойда. -Б.114.

кўйилиб, чўмичда сув олиниб, қайта-қайта ювилган. Ювилган кумнинг таркибидаги олтин зарралари кўй терисидаги юнглари орасида қолган. Бир неча соат давомида анча тўпланиб қолган олтин зарралари махсус тарокда тараб олиниб, идишга солинган.

Олтин изловчиларга, уни тозаловчиларга жуда кам, кунига 3-4 танга атрофида ҳақ тўланган. Олтинни излаб топиш, ювиш, тозалаш ва Бухоро бекларига топшириш қаттиқ назорат қилинган, тартиббузарлар жазоланган. Айрим ҳолларда кумни ювиш жараёнида табиий олтин парчалари (қуймага ўхшаш) ҳам чиқиб турган. Ўрнатилган тартиб-қоидага кўра, олтинни ювиш ҳуқуқига эга бўлиш учун олтин изловчи шахс Бухоро амирлиги хазинасига катта солиқ тўлаши шарт бўлган. Бухоро фуқаролари билан бирга, рус фуқаролари ҳам шу қоидага бўйсунити лозим бўлган. Бунинг учун Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги томонидан махсус рухсатнома берилган.

Бухоро амирлигида олтин ишлаб чиқариш XX аср бошларида йилига 80 фунтдан ошмаган (32 килограмм 760 грамм). Олтин баҳор, ёз ва куз ойларида ювилган, тозаланган, қишда бунинг иложи бўлмаган¹.

Бухоро амирлигида олтинли кум конлари ҳақидаги маълумотлар билан бошқалар ҳам қизиққан. 1894 йилда рус тоғ-кон инженери Журавко-Покорский Яхсув дарёси бўйларида таркибида олтин зарралари бўлган кумни излаб разведка ишларини олиб борган, кумни ювиб тозалаш билан шуғулланган. Кейинчалик Покорский Оқдарё бўйларида ҳам ўрганиб чиққан ва 15 йил давомида Шарқий Бухоро ҳудудларидаги олтинли кумлар мавжуд бўлган жойларни тадқиқ этган. Ундан кейин Левашов, Серас каби геологлар айрим тадқиқот ишларини олиб боришган, аммо асосий ишлари олтин мавжуд бўлган жойларни қидиришдан нарига ўтмаган. 1905 йилда тоғ-кон инженери Михайлов олтин мавжуд бўлган жойларни ўрганган.

¹ Ўрта Осиёда кон-металлургия тарихи: ўтмиши ва бугуни (Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари, - Навоий., 31 май 2007 йил. -Б.115.

Покорский билан бир вақтда бу ерларда “Рикмерс” деган инглиз савдо уйи вакили ҳам ишлаган, олтин конини излаган. Покорский олтин кони излашни давом эттириб, йилига 1,5 миллион пудгача бўлган қумни ювишга муваффақ бўлган. Кейинчалик Россия ҳукумати томонидан Окдарё бўйларидаги олтин конларига от тортиб юрувчи темир йўл излари қурилган. 1910 йилга келиб, Покорский томонидан топиб ишга туширилган олтин конидан Россия ҳукумати йилига 18 фунт олтин қазиб олишга эришган (7килограмм 371 грамм)¹.

XIX аср охирларида Бухоро бозорларида бир ботмон темир тунукасининг нархи 5 тилла, бир ботмон миснинг нархи 20-22 тилла, бир пуд кўрғошиннинг нархи 20 тилла, бир пуд қалайнинг нархи 21 тилла бўлганлигини инобатга олсак, ер ости бойликларидан фойдаланишнинг, кончилик ишларининг аҳамияти қай даражадалигини англаб етиш қийин эмас. Бухоро амирлигида Дарвоз, Қоратегин, Ҳисор бекликлари ҳудудидан йилига 3-4 минг пудгача темир, чўян эритиб ишлатилган. Аммо Бухоро амирлиги ҳудудларидан қазиб олинган ер ости бойликлари мамлакат эҳтиёжи учун етарли бўлмаган. Четдан темир ва пўлат олиб келинган. Масалан, 1896 йилда Россиядан Бухорога 34208 пуд темир ва пўлат келтирилган².

XIX асрнинг охирига келиб ҳам Туркистон ва Бухорода санокли кишиларгина олтин қазиб чиқариш иши билан шуғулланар эди, кон инженери Журавко-Покорский 1894 йилнинг баҳорида Бухорога келиб, Шарқий Бухорода қидирув ишлари олиб борган, ундан ташқари маҳаллий аҳолининг бу соҳадаги ишлари билан танишиб чиққан эди. Журавко-Покорский ўз акаси билан Бухородаги Россия сиёсий агентлигидан 1896 йилда қазиш ишлари учун рухсатнома олган ҳамда 60000 р. билан ишга киришган эди³. 1900 йилда Журавко-Покорский Сафеддарёдаги олтин конида 5 фунт 18 мисқол олтин олган бўлса, 1909 йилга келиб, унинг миқдори 16

¹ Ўша жойда.-Б. 114.

² Ўша жойда -Б.115.

³ Ўша жойда.-Б.160.

фунт 2 мисқолга етган эди¹. Бухородаги олтин конларининг биринчи қатламиданоқ олтин олинар эди, бу қатламда миқдор жиҳатдан олтин камрок учраса-да, кейинги қатламларга бориб кўпайиб борар эди, биринчи қатламдан чиққан олтиннинг ўзи бу ишларни ташкиллаштириш учун кетган харажатни қоплай олар эди.

Шундай қилиб, чор Россияси томонидан Туркистон ва Бухоро босиб олингандан сўнг чор ҳукумати ўз манфаатидан келиб чиққан ҳолда тоғ-кон саноатини ривожлантиришга киришган эди. Аммо чор ҳукумати кончилик саноатига янги технологияни кенг жорий қила олмаган эди, асбоб-ускуналарни замонавийлаштиришга муваффақ бўла олмаган ҳамда маҳаллий аҳолининг асрлар давомида бу соҳада тўплаган тажрибалари инкор қилиб келинди.

Мана шу тариқа Бухоро амирлиги ҳудуди руслар томонидан эгалланиб, у тобе давлатга айлантирилиб, барча сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилиб қўйилгандан сўнг, рус ҳукумати амирликни иқтисодий жиҳатдан қарам ўлкага айлантириш сиёсатини амалга ошира борган. Шундай қилиб, рус саноатчилари ва тадбиркорлари 1896 йил 24 феврал фармойиши орқали Бухоро амирлигидаги олтин конларини ўрганиш ва ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга киришди. Ана шундай экспедициялардан бири 1894- 1900 йилларда Бухоро амирлигининг Дарвоз ва Кўлоб бекликларидаги Панж, Оби-Сафед дарёлари ҳавзалари ва бошқа географик нуқталарида ўтказилади. Бу геологик – қидирув экспедицияларидан кўзда тутилган асосий мақсад Шарқий Бухородаги олтинга бой конларни аниқлаш ва ушбу жойларда саноат усулида олтин ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, рус капиталистларининг ҳамда империянинг ўсиб келаётан эҳтиёжларини қондиришдан иборат эди.

¹ Ўша жойда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида И-41 жамғармасида сақланаётган Туркистон кончилик округининг № 16 ҳужжатлар тўплами “Бухоро амирлигининг минерал бойликлари” деб номланган. Бу ҳужжатлар тўплами 1895- 1900 йилларга оид бўлиб, уларнинг ўрганилиши, бизга ушбу ҳудудларда кончилик ишларининг, аниқроғи олтин конларининг дастлабки геологик тадқиқ қилиниши ҳамда ўзлаштирилишининг бошланиши ҳақидаги маълумотларни беради¹.

Ўлкамиз ер ости ва ер усти бойликларининг рус геологлари томонидан ўрганилиши Россия империяси манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилганлиги, биринчи навбатда, маҳаллий аҳолининг, шу жумладан Бухоро ҳукуматининг манфаатлари кейинги ўринларга суриб қўйилганлигини ушбу ҳужжатлар мазмунидан билиб олиш мумкин. Геологик- қидирув ўрганиш ишларида рус саноатчилари ҳамда олимлари учун учун бирор бир муаммо чиқиб қолгудек бўлса, Янги Бухоро (Когон)да турган рус Сиёсий агентлиги ходимлари аралашиб, Бухоро амири ва унинг амалдорларига таъсир ўтказиб, ўз саноатчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилганлиги фикримизнинг далилидир.

1894 йилдан геолог Журавко- Покорский бошчилигида Шарқий Бухоро ҳудудларида геологик- қидирув ишлари олиб борилиб, Дарвоз беклиги ҳудудидаги Оби-Сафед дарёси ҳавзасида олтин конлари аниқланиб, у жойларга устунлар ўрнатадилар ва бир нечта олтинга бой конларни топганликлари ҳақида ўз ҳомийларига маълум қиладилар. Туркистон ўлкаси бошлиғи 1895 йилда ушбу экспедициянинг натижаларини текшириш, Дарвоз беклигидаги олтин конларининг истиқболлигини ва маҳаллий аҳолининг русларга бўлган муносабатини ҳамда бошқа масалаларни ўрганиш мақсадида Туркистон кончилик округи раҳбари, кон инженери А. П. Михайловга алоҳида топшириқ бериб, ушбу ҳудудга юборилади. Туркистон округи кон инженери А. П. Михайлов ўз олдида қўйилган масалаларни муваффақиятли

¹ ЎзР МДА. И-41-фонд, 2-рўйхат, 16- ҳужжат, 12-варақ.

ҳал қилганлигини унинг ўлка бошлиғига ёзган ҳисоботидан билиб олиш мумкин.

Унинг маълум қилишича, Шарқий Бухорода истиқомат қилувчи маҳаллий аҳолининг кун кечириши ниҳоятда оғир, уларнинг олтин қазиб олиш усуллари ҳам ибтидоий бўлиб, улар фақат юзага чиқиб қоладиган конгломератларни йиғганлар. Оби-Сафед дарёси бўйидаги Талбар, Шуғнав қишлоқлари аҳолиси олтин қазиб олганликлари учун ҳар хонадон йилига бир тилладан, жами 700 тилла, шундан 400 тилла шуғнавликлар, 300 тилла талбарликлар Бухоро хазинасига тўлашган. Кўлоб беклигидаги Мазор, Килимба, Роҳнав қишлоқлари аҳолиси эса олтин қазиб олганликлари учун тўлов беришмаган, фақат хирож ва закот тўлаган.

“Бухоро ерларида олтин қазиб олиш аҳволи Чингизхон замонларидан буён ўзгармай қолган, маҳаллий аҳоли бу ишга ҳар қанча ҳаракат қилиб меҳнат сарф этсалар ҳам, улар ҳаётий эҳтиёжларини зўрға қондиришади. Олтин қазиб чиқаришни саноат усулида йўлга қўйиш аҳолининг иқтисодий даражасини кўтаради¹”- деб А.П. Михайлов бу соҳани ривожлантиришга оид ўз фикрларини билдиради. Унинг фикрича, Шарқий Бухорода олтин саноатини бунёд этиш учун маҳаллий амалдорлардан у ёки бунисини алмаштириш билан иш битмайди, олтин қазиб олишни илмий, рационал асосда йўлга қўйиш керак, ана шунда бу соҳа даромад манбаига айланади, шу билан бирга А. П. Михайлов ушбу режани амалга оширишда агар бу ерда олтин қазиб олиш саноат усулида йўлга қўйилса, маҳаллий аҳолининг фаровонлиги учун хизмат қилади, деган фикрни билдиради. Аслида бу фикр мантикқа тўғри келмайди, чунки мустамлакачилар ҳеч қачон маҳаллий халқнинг фаровонлигини оширишга ҳаракат қилмаган. Маҳаллий аҳолининг мавжуд олтин конларини ўзлаштиришга кучи ҳам, билими ҳам етмаслигини у қайд этиб ўтган. Россия ушбу ҳудудларда олтин қазиб олишни тезлаштириш учун биринчи навбатда конларни кенг миқёсда ўрганишни,

¹ ЎзР МДА. И-41- фонд, 2-рўйхат, 16- хужжат, 13- варак

геологик қидирувларга катта маблағлар ажратилишини ва шундан сўнг ушбу конларда шурфлар, шахталар, рудниклар қазиш, уларга насослар ўрнатиш ва қайта ишлаш учун зарур асбоб- ускуналарни ўрнатиш, дарё бўйлаб тўғон қуриш ва олтин олишнинг завод усулини қўллаш мумкинлигига алоҳида эътибор қаратган.¹

А. П. Михайлов, агар -Бухоро амири кончилик ишлари ва олтин саноати нисбатан ривожланган чор Россияси фуқароларига ўз ҳудудларида олтин қазиб олишга рухсат берса ва улар олтин ишлаб чиқаришни замонавий асосда йўлга қўйишса, аҳолининг фаровонлиги янада ошади, деган таклифни илгари суради.

Ўша вақтда маҳаллий аҳоли ўртасида русларнинг олтин қазиб олишни йўлга қўйишига муносабати олиб борилган сўровлар натижасига кўра олтин ювиш билан шуғулланувчиларнинг кўпчилиги, Шуғнав ва Талбар қишлоқлари аҳолисидан ташқариси русларнинг ишлашига ёки туб аҳоли билан биргаликда ишлашига қарши эмаслар. Фақат Шуғнав ва Талбар қишлоқлари аҳолиси русларнинг бу ҳудудларда олтин қазиб олишларига қарши бўлиб, А. П. Михайловнинг ёзишича, уларни Сарипул қишлоғидан бўлган Сафар мирохур рози бўлмасликка даъват этган. Унинг ўзи ҳам олтин қазиб олиш ва уни сотиб олиш билан шуғулланган. Сафар мирохур рус муҳандисларига ҳатто синов учун қазишмалар олиб боришга ва ювишга рухсат бермаганини таъкидлаб ўтган ва бу ҳақда Чоржўйда бўлган Бухоро амирига шикоят қилганлиги ҳисоботга киритилган.

Туркистон кончилик округи раҳбари олтин саноатини бунёд этишнинг барча имконият ва муаммоларини ўрганиб, 40 банддан иборат “Бухоро хонлигида олтин ишлаб чиқариш саноати ҳақида” қарор лойиҳасини тайёрлаб, Туркистон ўлкаси бошлиғига тақдим этган. Қарор лойиҳасида олтин саноатчилари ва Бухоро ҳукуматининг бу соҳадаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб берилган. Ушбу лойиҳанинг 31- бандида

¹ ЎзР МДА. И-41- фонд, 2-рўйхат, 16 - ҳужжат, 13- варақ

ёзилишича, “Саноатчилар томонидан қазиб олинадиган олтин тўлалигича Бухоро ҳукуматиға топширилади, улар эса топширилган ҳар бир мисқол олтин учун Санкт- Петербург биржасининг ўша кунги курси бўйича кредит билетлари билан ҳақ тўлашлари лозим”- деб белгиланган эди. Шу билан бирга, Бухоро амири ўз амалдорларини олтин қазиб олиш жараёнини назорат қилишга, тайёр маҳсулотни ўлчаш пайтида текшириш учун масъулларни тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган. Бундан ташқари қазиб олинадиган ҳар пуд олтиннинг беш фоизи Бухоро ҳукумати фойдасига берилиши, саноатчи, ишбилармонлар томонидан олиб борилаётган кон қидирув ишлари ва олтин қазиб олиш учун Бухоро ерларидан фойдаланганлик учун Бухоро амирлиги ҳисобига солиқ ва бошқа тўловлар тўлаш кўрсатилган.

Туркистон кон округи раҳбари Шарқий Бухоро ерларида рус саноатчилари ва фуқароларидан ташқари чет эл фуқаролари ҳамда жамиятларининг кончилик билан, олтин қазиб олиш билан шуғулланишлари таъқиқлаб қўйишни, ҳатто маҳаллий олтин қазиб олувчиларга ҳам ҳам бу фаолият билан шуғулланишни таъқиқлаш русларга фойдани кўпайтиради - деган таклифларни беради. Туркистон генерал губернатори бу лойиҳани ўрганиб чиқиб, уни тасдиқлайди, бу билан Бухоро амирлигининг шарқий ҳудудларида Россия фуқаролари томонидан олиб борилаётган кончилик - қидирув ишлари қонунлаштирилган.

XVI асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда металл қазиб олиниши ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида маълумот бўлиб, у Фарғона атрофидаги тоғларда феруза ва темир конлари бўлганлигини айтиб ўтади.

XVII асрда Сирдарё ҳавзасида кончилик ишларининг аҳволи ҳақида Тошкентлик савдогар Нур Муҳаммаднинг кўрсатмалари мавжуд бўлиб, у металл рудаларининг қазиб олиниши тўғрисида шундай маълумотларни келтиради: “Тошкент ва Туркистон ҳудудларида темир етарли даражада, айримларини тоғлардан ёки Чирчиқ дарёси бўйларида қазиб оладилар. Самарқанд тарафдан мис келтирадилар, у арзон нархда сотилади. Туркистон яқинидаги Сувундук тоғида қўрғошин маъдани кўп бўлиб, кимга керак бўлса истаган киши қазиб олади, ундан ўқ тайёрлашади, олтинни эса Чирчиқ дарёси юқоридаги сойдан ва Сирдарёнинг юқори қисмидаги қумдан олишади ва Бухоро томонларга сотишга олиб борадилар¹.”

XVIII асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда кончилик ишларининг аҳволи юқори даражада эмаслиги, металл рудаларини қайта ишлашнинг, биринчи галда ҳарбий соҳада кониқарсиз аҳволда эканлигини ўша давр саёҳатчиларининг маълумотларидан билиш мумкин.

XIX аср бошларида Фарғона водийсида минглар, Хивада қўнғиротлар ва Бухорода манғитлар сулоласининг сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланиши хонликларда хўжалик ҳаётининг бир қадар жонланишига сабаб бўлди.

1800 йилда Тошкент Қўқон хонлигига бўйсундирилишидан олдин император Павел I буйруғига асосан Семипалатинскдан рус кончилик иши мутахассислари Бурнашев ва Поспеловлар Тошкент ҳокими таклифига биноан бу ерга келадилар. Бу ташриф Тошкент ҳокимининг Тошкент

¹ Иванов П.П. К истории развития горного промысла в Средней Азии. -Ленинград -1932 -Москва.- С. 44.

атрофларида руда конларини тадқиқ қилиш ва очишга қаратилган мақсадига хизмат қилиши керак эди¹.

Тошкент атрофларида ўтказилган геологик изланиш-қидирув ишлари маҳаллий тоғларда қазилма бойликлар етарли даражада эмас, деган хулосага олиб келди. Фақат битта тоғда мис рудали кон борлиги аниқланиб, руда таркибида миснинг миқдори камлиги аниқланади. Чирчиқ дарёси бўйларида тадқиқотчилар олдинги даврларда ишлатилган кончилик лаҳмларини топдилар. Бошқа бир жойда темир рудаси топилди, ундан маҳаллий аҳоли кичик ўчоқларда қўл меҳнати билан яхши чўян эритишни ҳамда ундан идишлар ясашда фойдаланганлигини кўриш мумкин. Тошкентдан шимолий-шарқда, Қоратоғда кўрғошин кони топилиб, аҳоли бу ердан кам миқдорда кўрғошин қазиб олган.

1813-1814 йилларда Қўқон хонлигига элчи Филипп Назаров ташриф буюриб, Хўжанд яқинида феруза қазиб олинишининг гувоҳи бўлади. 1829-1830 йилларда Қўқон элчиларининг Петербургдан қайтишида ҳамроҳлик қилган Потанин Фарғонада кончилик ишлари ҳақида умумий маълумотларни беради. Унинг айтишича, тоғларга чиққан овчилар олтин ва кумушнинг табиий парчаларини топиб олишларидан шундай хулосага келиш мумкинки, тоғларнинг бағрида олтин, кумуш ва бошқа металллар бўлиши мумкин. Унинг маълумотларига кўра, аҳоли кончилик ишлари билан билан шуғулланмайди, улар эҳтиёжлари учун зарур металлларни Россия, Бухоро амирлиги, Хитой мамлакатларидан келтириладиган металллар билан қондирадилар.²

У яна Фарғонада уй ҳунармандчилиги ниҳоят даражада ривожланганлигини, лекин фабрика ва умуман йирик корхоналари мавжуд эмаслигини айтиб ўтади.

Қўқон хонлигида (1710-1876 йй) кончилик ва ҳунар-қосибчилик тараққий қилган. Кончилик ҳақида фикр билдирилганда, асосан нефть

¹ Исламов О.И. Из истории геологических знаний в Средней Азии. Ч.2.-Т.: Фан: 1977. -С. 124.

² Иванов П.П. К истории развития горного промысла в Средней Азии. -Ленинград - 1932 - Москва.-С. 45.

конларини аниқлаш, қўриқлаш, “қора олтин” казиб олиш, қайта ишлаш билан боғлиқ масалалар муҳим бўлган.

Қўқон хонлари ва айрим бекликларнинг беклари нефть ишларига ҳомийлик қилганлар. Россия империяси босқинига қадар Худоёрхон, Насриддинхонлар нефть казиб олиш ва унинг маҳсулотларини қайта ишлаш учун турли даражалардаги амалдорларни тайинлашган. Конлар каттик қўриқланган, бегона кишилар конлар ҳудудига шахсан хон рухсатномаси билан кира олган, холос.

Манбаларда Марғилон беги Султон Муродбек 1860 йилларда Чимён, Риштон, Қамишбоши каби ҳудудларда нефть қудуқларини бурғулаш ишларига ҳамда улардан нефтни махсус Қўқон араваларида Марғилон шахрига келтиришга ва шу ерда керосин ишлаш чиқаришга ҳомийлик қилганлиги билан боғлиқ фикрлар келтирилади¹.

Серқирра ва сертармоқ бўлган Қўқон хунармандчилиги билан боғлиқ маълумотлар хонлик архив ҳужжатларида сақланиб қолган. Ҳужжатларда келтирилишича, мисгар, дегрез, заргар, кончи, милтиқсоз, найзагар, найзасоз, панжарасоз, тақасоз, оҳангар, аравасоз каби металл билан ишловчи хунармандлар кўп сонли бўлишган. Наманганнинг Косонсойида, Чирчиқ дарёси бўйларида, Бурчмулла ва Чотқол тоғи атрофларида қумлардан олтин ювиб олинган. Қўқондан Қашғарга олтин танга металл сифатида олиб чиқилган. Пойтахтда бир мисқол олтин 16,5 танга, агар олтин қум сифатида бўлса, 14,5 танга нархда эди. Одатда бир мисқол Қоратегин олтини 18 тангадан, қум сифатида эса 16 тангадан сотилган².

Қўқон ва Тошкентда қуролсозлик, милтиқсозлик заводлари бўлиб, порох хонлигининг барча бекликларида тайёрланган. Қўқон шахрида тайёрланадиган қуроллар: тўплар, милтиқлар, қиличлар, пичоқлар, ханжарлар, найзалар, қалқонлар темирчилик соҳаси ривожланганлигидан далолат беради.

¹ Абдулахатов Н., Зоҳидов Ф. Фарғона тумани тарихи; -Фарғона:(хотиралар, лавҳалар, изланишлар) “Фарғона” нашриёти; 2013. -Б. 177

² Бобобеков Х. Қўқон тарихи.-Т.: Фан; 1996.-Б. 103-104.

Суғориш иншоотларида, экин далаларида кенг ишлатиладиган буюмлардан: кетмон, болта, теша, ўроқ, пойтеша, паншаха, омоч кабилар тайёрланганлиги ҳам металлсозлик кенг тармоқли эканлигини кўрсатади.

XIX асрнинг 40 - 50 йиллардаги тарихий адабиётларда, манбаларда учрайдиган, Қўқон хонлигининг сочма олтин қазиб олинadиган ҳудудлари сифатида қуйидаги жойларни кўрсатиш мумкин¹:

1. Наманган ҳудуди, Косонсой дарёсининг водийсида жойлашган бўлиб, ушбу ҳудуднинг олтин конлари таркиби бўйича бой бўлиб, ҳукумат назоратида турган, айрим ҳолатларда хусусий кишилар томонидан ҳукуматдан яширинча ҳам қазилма ишлари олиб борилган.

2. “Қашғар доvon” деб номланган тоғларда, Қўқондан жанубда, Сўх сойининг водийсида. Бу ерда қазиб олинган олтинни Қўқон ва Марғилон шаҳарларига сотиш учун олиб келишган.

3. Сирдарёнинг юқори қисмлари ёки Норин дарёсининг юқори қисмида.

4. Талас Олатови, бу ерда олтин қазиб олишда кончилик соҳасида Россияда маълум бўлган усуллардан фойдаланишга ҳаракат қилинган айрим манбаларда эслатиб ўтилади. Ушбу конда 3-4 нафар Россия фуқароси бўлган татарлар Қўқон ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши билан олтин қазиб олишни йўлга қўймоқчи бўлишган, лекин номаълум сабабларга кўра улар сарбозлар томонидан ўлдириб юборилган.

Олтин қазиб олишниинг миқдори ва ишнинг самарадорлиги хусусида шундай хулосага келиш мумкинки, маълумотларга кўра, “Косонсой водийсида уч нафар одам 10 кун давомида 32 золотник миқдоридаги олтин қазиб ювиб олишган²”.

¹ Иванов П.П. К истории развития горного промысла в Средней Азии. Государственное научно-техническое геологическое издательство; Ленинград - 1932 -Москва. - С. 50.

² Ўша асар. -Б.50.

Кумуш-қўрғошин рудалари Наманган шаҳридан шимол тарафда икки кунлик масофада Талас Олатовида катта миқдорда қазиб олинган. Руда аҳоли томонидан асосан ёз ойларида қазиб олинган, қиш ойларида баланд қор ва совуқ шамоллар ишлашга халақит қилган.

Норин дарёсининг юқори қисми Кетмонтепага бориш йўли томонида Наманган шаҳридан тўрт кунлик масофа томонда яна бир кумуш кони мавжуд бўлган. Бу ерга 1839 йилда Қўқон хони томонидан руда қазиб олиш учун кишилар юборилади. Ушбу кондан қазиб олинган минг чорик рудадан 100 чорик қўрғошин, 1 чорик кумуш эритиб олинади¹. Лекин Олатовнинг бу ҳудудида совуқ шамолларнинг бўлиб туриши ва сувнинг етишмаслиги кончилик ишларининг олиб борилишини мураккаблаштирган.

Кумуш - қўрғошин қазиб олинadиган учинчи ҳудуд Андижон яқинидаги тоғлар атрофида бўлиб, XIX асрнинг 50-йилларида бу конларда ҳам қазиб олиш ишлари ҳукумат томонидан олиб борилган. Туркистон кончилик округи кон инженери Леоновнинг маълумотларига кўра, Олой тоғларининг бориш қийин бўлган қисмида Исфара ва Сўх сойининг оралиғида жойлашган Зардоли қўрғошин-кумуш конларидан Қўқон хонлари даврида катта миқдорда кумуш-қўрғошин қазиб олинган. Зардоли кони рудаси таркибида Леоновнинг маълумотига кўра, кумуш миқдори юқори бўлган. Шунингдек, Чотқол тизмасида жойлашган Майдонтолда ҳам кумуш кони бўлиб, туб аҳоли томонидан бу ерда томирли(жила) кумуш ёмбиси қазиб олиниши махфий сақланган, сўнгги даврларда эса қирғизлар томонидан кумуш қазиб олинган.

Вельяминов-Зернов томонидан тўпланган маълумотларга кўра, XIX асрнинг 50 - йилларида Қўқон хонлигида мис рудаси қазил ишлари олиб борилмаган. Қўқон хони Мадалихон (1822-1842) даврида Қўқондан Тошкентга бориш йўлида Қора Хитой деган мавзеда мис рудасини қазиб

¹ Ўша жойда.

олиш ишларини йўлга қўйишга ҳаракат қилинган, лекин қазиб олинган миснинг таннархи Россиядан келтириладиган мисга нисбатан қимматга тушганлиги сабабли, ишлар тўхтатилган. Қўқон хонлигида асирликда бўлган Сибир казаги Максимов юқоридаги маълумотни тасдиқлаб, хонликда мис қазиб олинмаганлигини айтади. Мис тўплар қуйиш учун аҳоли ва савдо карвонларидан бож сифатида олинган¹.

Исфара ва Сўх оралиғидаги тоғларда Лаълкон ёнида темир рудаси камроқ миқдорда эритилган. Хўжанд атрофлари, тоғли Боғистон, Сазак, Накай қишлоқларида аҳоли кичик ўчоқларда темир рудасини қайта ишлаганлар. Олинган темирнинг 1 пуди 9 тангадан жойида сотилган. Аҳоли маҳаллий темирдан уй жиҳозларини ясада, чўян қозонлар қуйишда фойдаланганлар².

Фарғонада кўрғошин эритиб олиш ҳам аҳамиятли бўлиб, юқорида айтиб ўтилган конлардан ташқари, Лаълкон атрофларидан, шунингдек Ўратепа ва Талас Олатови атрофларидан ҳам қазиб олинган. Ушбу конлардаги қазиш ва қайта ишлаш ишлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Қўқон хонлигининг кўрғошинга бўлга эҳтиёжини тўла қоплаган. XIX асрнинг иккинчи ярмида бир гуруҳ кўрғошин конлари ва нефть манбалари ҳукумат ихтиёрида бўлганлигини Қўқон хонлари архивида конларда руда казувчиларга иш учун меҳнат куруллари, иш ҳайвонлари учун маблағ, дон, иш ҳақи бериш тўғрисида ҳужжатлардан кўриш мумкин.

Айрим тарихий адабиётларда Хўжанд ва Ўратепа ёнидан қазиб олинадиган темир рудасини эритиш учун Россиядан қочиб келган икки нафар татар томонидан бир қанча тошкўмир олиб борилиб фойдаланилгани эслатиб ўтилган. Лекин ўрта асрларда металлсозликда ва темирчилик ишларида асосий қиздирувчи материал сифатида тошкўмидан фойдаланилган.

¹ Иванов П.П. К истории развития горного промысла в Средней Азии. Государственное научно-техническое геологическое издательство; -Ленинград - 1932 -Москва.-С. 52.

² Ўша жойда.-Б. 52.

XIX асрнинг 60-70 йилларда Қўқон хони Худоёрхон фармойиши билан Норин дарёсининг юқори қисмида, Оксув дарёсининг ўнг қирғоғида тошқўмир қазиб олиш йўлга қўйилиб, тошқўмир Қўқонга етказиб турилган.

Қўқон хонлигида турли мақсадлар учун нефть ҳам қазиб олинган, ундан касалликларни даволашда, турли маросимларда ёритқич мақсадларида фойдаланганлар. Қўқон хонлиги ҳудудидаги Исфара дарёси водийсида Конибодом ёнида ва Қўқондан 40 километр масофадаги Мойбулоқ мавзесида нефть манбалари мавжуд бўлган. Бу жойда Қўқон хони Худоёрхондан концессия олган рус савдогари Федоров томонидан нефть қазиб олиш ишлари бошланади. Маҳаллий аҳолининг нефть қазиб олиши қуйидагича тасвирланади: “Олтингугуртли водородга тўйинган нефть олдиндан қазиб қўйилган ариқчага томчилаб тушиб, ариқчадан сой сувига йўналтириб, сув юзасига тўплангандан сўнг одамлар томонидан супурги билан тўплаб олинади¹”. Шу усул билан нефть конларидан, жумладан Мойбулоқдан бир кунда 60 пудгача нефть олинган. Андижон ҳудудида Избоскандан 24 км шимолдаги Мойли сойининг юқори қисмида ҳам нефть чиқадиган манбалар бўлиб, Худоёрхон фармойиши билан нефть қазиб олинган, кейинчалик ушбу нефть манбалари рус савдогари Хлудовга ижарага берилган. Андижон ҳудудида Қорадарёнинг ўнг қирғоғидаги Ойим қишлоғининг рўпарасида хоннинг одамлари Болтабой юзбоши раҳбарлигида нефть қазиб олиш ишлари билан шуғулланган. Хоннинг ўғли Насриддинбек томонидан ишчилар учун уй қуриб берилган. Қазиб олинган нефть шу ернинг ўзида қайта ишланиб, қишлоқ бозорларида 1 пуди 1 рубль – 1 рубль 60 тийиндан сотилган. Шу нефть Тошкентга олиб борилиб, 1 пуди 2 рубль- 2 рубль 40 тийиндан сотилган². Қўқон уезида Риштондан 10 км жанубда Султон Муродхон томонидан бир нечта хандақлар қазитилган бўлиб, ушбу хандақларга керосин

¹ Иванов П.П. К истории развития горного промысла в Средней Азии. Государственное научно-техническое геологическое издательство; -Ленинград - 1932 -Москва. - С. 51.

² Ўша жойда. -Б.53

олиш мақсадида нефть тўпланган. Нефть Марғилон шаҳрида қайта ишланган, бу учун махсус қурилган куб шаклидаги идиш бўлган.

Қўқон хонлигида аҳоли нефтни қайнатиш йўли орқали қайта ишлаган, ундан этикдўзликда фойдаланиш учун мум олинган. Мойбулоқ манбаларидан шунингдек, озекерит (сарик мум, нефтигил) ҳам олинган. Сарик мум этикдўзлик мақсадларида ишлатилган, шунингдек, ундан шам тайёрлашда ҳам фойдаланилган.

Хонликнинг Хўжанд, Ўратепа, Чиноз ҳудудлари атрофларидан порох ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган селитра қазиб олинган. XIX асрнинг 50 - йилларида хонликда асирликда бўлган Максимовнинг айтишича, селитрани қўқонликлар, Чу дарёси ёнидаги кўллардан ва Чимкент атрофларидан қазиб олганлар, олтингугурт эса Лаълкон ва Ўратепадан олиб келинган.

Қўқон хонлигида селитра мавжуд кон участкалари Қўқон хонига тегишли ҳисобланган. Чуст ҳудудида Бободархон волостидаги Қўрғончи работ мавзесида доимий равишда селитра қазиб олинган. Бутун майдон 1600 кмни эгаллаган бўлиб, шу ернинг ўзида хонликнинг селитра қайнатиш учун корхоналари қурилган эди. Бир ёз мавсумида 80 тоннагача селитра олинган. XIX аср ўрталарида Қўқонда хонликнинг порох ишлаб чиқарувчи корхонаси бўлиб, корхонага салмоқли даражада зарур бўлган олтингугуртни етказиб беришда муаммо йўқ эди. Эҳтимол олтингугурт ишлаб чиқариш ҳукумат назоратида бўлиб, Қўқонда хусусий кишилар ўзлари порох ишлаб чиқарсалар ҳам, барча керакли ашёлар ва селитрани хонликдан олганлар.

Ўш яқинидаги Кандирдовонда ва Хўжанд билан Тошкент оралиғидаги ҳудудда туз конлари мавжуд эди. Шунингдек, Чуст яқинидаги Қамиш кўрғон қишлоғида ҳам туз конлари бор эди.

Қўқон хонлигининг феруза конлари машҳур ҳисобланган. Исфара қишлоғи яқинидаги, Сўх сойининг юқори қисми ва Хўжанд тоғларида соф мовий рангдаги феруза қазиб олинар эди.

Исфара сойининг водийсида яна зумрад, ёқут ҳам қазиб олинган. Қўқон сердолиги машҳур бўлган. Олатов тоғларида лазурит ҳам қазиб олиниб, Тошкент бозорларига унинг ҳар пуди сифатига қараб, 25 тилладан 40 тиллагача сотилган. Хўжанд ўзининг каолини билан машҳур бўлиб, Хўжанд кулоллари учун хом ашё саналиб, ундан турли кулолчилик идишлари тайёрлаган, лекин сифати бўйича Риштон ва Ўратепа кулоллари маҳсулотларига тенг келмаган.

XIX асрнинг биринчи ярмида Чирчиқ дарёсининг юқори қисмлари ўзининг таркибида сочма олтин зарралари бўлган ётқизиклари билан машҳур бўлиб, маҳаллий аҳолининг асосий даромади шундан олинар эди. Олтин ювиб олиш ишлари кигизларда олиб борилиб, кигиз майда олтин зарраларини ушлаб қолган. Бу ерда бўлган рус тадқиқотчиларининг кузатишларича, 100 пуд дарё ётқизикларидан 5 фоизгача олтин олинган. Шу ҳудудда Бурчмулла қишлоғи ёнида чўян эритиш корхоналари бўлиб, бу ерда шунингдек, кумуш-қўрғошин рудалари ҳам эритилган. XIX асрнинг 60 - йилларда ўтказилган таҳлиллар руда таркибида 23% қўрғошин, 0,73% мис, ва 0,09% кумуш бўлганлигини кўрсатади. Бу ердаги Комил ва Ғойиб номли ўзбек усталари асосий ишларни юритган, рус истилоси натижасида кончилик ишлари тўхтаб қолган¹. Чимён ёнида тупроқли малахитдан мис эритиб олинган.

Хонликнинг кончилик соҳасининг рудаларни қазиб олиш ва қайта ишлашда оддий асбоб-ускуналардан, техника воситаларидан фойдаланилган бўлиб, иш маҳсулдорлиги юқори бўлмаган. Шундай бўлсада, Чирчиқ дарёсининг юқори қисмлари металлларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш соҳасида ўрганилаётган даврда муҳим ўринни эгаллаган. Ушбу водийнинг жуда кўп жойларида маҳаллий аҳоли томонидан кончилик ишлари олиб борилган жойлар аниқланган.

¹ Иванов П.П. К истории развития горного промысла в Средней Азии. Государственное научно-техническое геологическое издательство; Ленинград -1932- Москва. -С. 54.

Тошкентдан шимолида Қоратоғ томонларда Туркистон шахридан 60-70 км масофада XIX асрнинг 30 - йилларидан бошлаб кўрғошин конлари мавжуд бўлган. 60 - йилларда бу конлардан кўрғошин олишда иштирок этган казаклар, кон лаҳмларидан рудани арқонлар ва қоп ёрдамида, иложи борича юмшоқ рудани тортиб олиб, туяларга юклаб ўтлоқ жойларга ташиганлар, рудани сой сувларида ювиб бойитишган. Бойитилган, тозаланган рудани шу жойда овал шаклидаги сопол идишларда эритиб, кўрғошин олинган. Қоратоғдан кўрғошин казиб олиш миқдори уруш бўлиб турган даврда кўрғошинга бўлган талаб кучайиши билан ошиб борган. Қоратоғ этакларида ўтган даврларда маҳаллий аҳоли томонидан ишлатилган кўнғир темир рудали конлар мавжуд бўлганлиги генерал Романовский томонидан айтиб ўтилади. Тошкентдан шимолий-шарқ томонда Қўқон хонлиги ҳудудларидаги Терс ва Талас дарёсининг ётқизик қумларидан олтин олинган. Айтиб ўтилган конлардаги олтин миқдори Чирчиқнинг юқори қисмларидаги сингари кўп эмас эди.

Қўқон хонлигида кончилик ишлаб чиқаришига яна қирғизлар томонидан Иссиқкўл тубидан олинадиган қора темир шлихидан темир ишлаб чиқариш соҳасини ҳам киритиш мумкин. XIX асрнинг 50- йилларида ушбу ҳудудда бўлган Н.Северцов жануб томондан Иссиқкўлга қуйилувчи Қизил сув дарёси қирғоқларида қора темир шлихининг анча салмоқли қатламларини учратганлиги ҳақида маълумот беради. Қирғизлар қирғоқ бўйларидан кўл суви тўлқинларида ювилган темир шлихини йиғиб, идишларда яна ювадилар, кейин оддий темирчилик ўчоқларида қиздириб ва эритиб ундан пўлат оладилар, олинган металлдан ойболта, омоч тишлари, пичоқлар, киличлар тайёрлайдилар. Иссиқкўл ҳудудларида кўрғошин кони бўлсада, қирғизлар томонидан бошқа металллар ишланмаган¹. 1830 йилда Мадалихон томонидан Қўқон хонлигига қўшиб олинган Қоратегин Фарғона бозорларига олтин етказиб берадиган асосий ҳудудлардан эди. Бу ерда ҳам

¹ Иванов П.П. К истории развития горного промысла в Средней Азии. Государственное научно-техническое геологическое издательство; -Ленинград - 1932- Москва. -С. 65.

олтин қазиб олиш асосан дарёнинг чиқариб ташлайдиган ётқизик кумларидан олинадиган бўлиб, унинг таркиби бой эди. Бу ерда олинадиган олтин миқдорининг салмоқли бўлганлигини ушбу металлни сотиб олиш учун Ҳиндистон ва Қобулдан савдогарлар келиши, улар эса олтинни Бухорога олиб боришлари ҳақида маълумотлар берилади. Аҳоли ёз давомида тўплаган ўз маҳсулотини куз фаслида сотувга чиқарганлиги сабабли олтин нархи куз фаслида нисбатан арзонлашарди.

XIX асрда Ўрта Осиё хонликларининг сўнгги 50 йили давомидаги кончилик ишлаб чиқариши аҳволига баҳо берадиган бўлсак, ўз таркибига Фарғона водийсидан ташқари, ундан шимолдаги ва шимолий-шарқдаги қатор ҳудудларни бирлаштирган Қўқон хонлиги биринчи ўринни эгаллашини кўрамиз. Биз кўриб ўтганимиздек, қазилма бойликлари конларининг асосий қисми Фарғона водийсига тўғри келган, ундан кейин эса, Чирчиқ дарёси водийси (Тошкент) ҳудуди турган.

Фарғонанинг ўзида Қўқон хонлари даврида ҳам ўрта асрларда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудудлар (Сўх, Исфара) асосий асосий ўринни эгаллаган. Шунингдек, Талас Олатови тоғлари ҳам аҳамиятга эга бўлиб борган. Ушбу тоғ тизмаси ва Норин дарёсининг юқори қисмларида кончиликнинг ривожланиб бориши, эҳтимол XVIII асрда Наманган шахрининг вужудга келиб, ривожланиб боришига асос бўлган, десак муболаға бўлмайди.

Фарғона билан Чирчиқ водийси оралиғида Қорамозор деб аталувчи “Хўжанд тоғлари”да кончилик ишлаб чиқариши ўрталиқ мавқеда турган.

XVI-XIX асрларда Чирчиқ дарёси бўйларидан темир қазиб олиниб, ундан чўян олинган бўлса, Қоратоғдаги Сувунди конидан ва Чиноз яқинидан кўрғошин қазиб олинган. XIX аср ўрталарида Россия ва Қўқон хонлиги

ўртасида зиддиятлар кучайиши билан қўрғошинга талаб ҳам ошиб, уни қазиб олиш ва ишлов бериш техникасида баъзи ютуқлар қўлга киритилган¹.

Воҳада XVI-XIX асрларда шунингдек, селитра, турли минерал бўёқлар, кулолчиликда ишлатиладиган тупроқ (гилбута), нодир тошлар (феруза) ва бошқа қазилмалар мавжудлиги манбаларда қайд қилиб ўтилган.

Сирдарёнинг юқори оқимидаги Кулолбош, Чош, Казнак ва бошқа қишлоқлар яқинидан олтин қум олиниши ҳақида маълумотлар мавжуд.

Қўқон хонлигида мис қазиб олингани тўғрисида баъзи маълумотлар учрасада, мутахассислар фикрича, мис конларидан фойдаланиш ва унинг маҳаллий эҳтиёжларни қондириш даражаси жуда паст бўлган. Шу сабабли, хонликка мис етказиб берувчи асосий мамлакат Россия- деб ҳисобланган².

Қўқон хонлигига кумуш асосан Қашғар орқали Хитойдан келтирилган. XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб, Олатовдаги конлардан кумуш-қўрғошин олиш давом этди. Худоёрхон даврида қўқонликлар Зардоли тоғ конидан кумуш қазиб олган бўлса, Водил қишлоғи ғарбидаги Конимақондан қўрғошин олганлар.

Қўқонда темирга бўлган эҳтиёж ҳам асосан четдан (Россиядан) келтириладиган хомашё ҳисобига қопланарди. Шу билан бирга, Сазоқ, Нанай каби тоғли қишлоқлар яқинида, Лаълконда маҳаллий аҳоли кам миқдорда темир қазиб олиб, уни эритиб бир пудини 1 тангага сотиб, тирикчилик қилишгани ҳақида маълумотлар тарихий манбаларда учрайди.³ Қўқон хонлигида ҳам порох учун селитра кўп миқдорда қазиб олинган. Кува яқинидаги Қамишбош, Ўратепа, Хўжанд, Чимкент асосий селитра етказиб берадиган марказ ҳисобланарди. Лекин бу селитрадан тайёрланган порох сифати юқори бўлмаган.

¹ Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. -Т., 1953. -С. 60

² Ўша китоб.-Б. 63.

³ Ўша жойда.

Хонликда XVIII-XIX асрларда полиметалл рудалардан суюқ ва қаттиқ мум, нефть (Мойбулоқ, Мойлисув ва бошқалар), қора мум (Мумконсойда), гилбута ва бошқалар қазиб олинган. Хонликнинг кўпгина жойларида сифатли кулолчилик хом ашёлари ҳам олинарди. Исфара яқинидаги Хўжанд тоғларидан нодир тошлардан сердолик ва феруза қазиб олингани ҳам маълум.

III БОБ. ХИВА ХОНЛИГИДА КОНЧИЛИК ИШЛАРИ ВА МЕТАЛЛСОЗЛИК ХУНАРМАНДЧИЛИГИ

Хоразм воҳаси археологик тадқиқотларида қайд этилган кўплаб металл буюмлар туркуми меҳнат қуруллари, уй-рўзгор буюмларининг хилма-хил шакллари, металлга ишлов бериш техникаси тўғрисида маълумотлар беради. Шунингдек мисгарлик буюмларидаги ҳар хил безак ва тасвирларда халқимизнинг анъанавий амалий санъати, дунёвий тасаввурлари ва маънавияти тўғрисида тарихий маълумотлар мавжуд.

Жанпикқалъа, Миздакхон, Кўҳна-Урганч ва бошқа Хоразмнинг ўрта аср шаҳарларида металлсозлик маҳсулотлари кўплаб ишлаб чиқарилганлигидан далолат беради. Металлсозлик соҳалари тараққиёти учун зарур бўлган темир рудасини қайта ишлаш Катта Қирққиз қалъа, Шайх Жалил тоғи атрофида, Султон Санжар яқинида, мис рудасини эритиш ишлари эса Султонувайс тоғ тизмаларидаги Оқ тоғ, Аччиқ тоғ, Занги бобо худудларида йўлга қўйилган ¹. Хоразмнинг ўрта аср ёдгорликлари С.П.Толстов, А.В.Гудкова, Е.Е.Неразик, Н.Н.Вактурская, О.А.Вишневская, Ю.А.Рапопорт, Г.А.Федоров-Давыдов, В.Н.Ягодин, М.М.Мамбеттуллаев, М-Ш.Қдырнийазов ва бошқаларнинг археологик тадқиқотларида етарли даражада ёритилган. Аммо, мазкур илмий ишларда металлсозликга оид маълумотлар ҳисобот шаклида берилган холос.

Шунингдек, ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб тўпланган археологик материаллар ҳозиргача махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Фақат, баъзи металл буюмлар Ю.П.Маньков, Н.Н.Вактурская, Ғ.Хожаниязовларнинг илмий мақолаларида ёритилади. Шунингдек, Султонувайс тоғ тизмаларидаги қадимги руда конлари

¹ Қурбанов Б.Т. Хоразмнинг ўрта асрлардаги металлсозлик ҳунаромандчилиги.Тарих фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун диссертация. Самарқанд.2008. Б-11.

геологлар ва археологлардан С.В.Лопатин, К.У.Ўразов, Ю.П.Маньков, С.А.Дудаковлар томонидан қисман тадқиқ қилинган¹.

Саёх Ал-Мақдисий(Х аср) маълумотларида Хоразмдан ташқи савдога чиқариладиган кўпгина маҳсулотлар руйхатида «... энг кучли одамлар тортиши мумкин бўлган камонлар, кемалар ишлаб чиқарилганлиги ва жиҳозланганлиги» таъкидланади.² У шунингдек «Айхан шахри мудофаси тўғрисидаги маълумотларида дарвоза юқорисига тош отадиган ҳарбий машина жойлашганлигини, Нузвар, Замахшар шаҳарларида темир дарвозалар ва осма кўприklar мавжудлигини» қайд қилган. Бундай ҳарбий машиналар, дарвоза ва осма кўприklar қурилишида металл қисмлар кенг ишлатилганлиги тарихий манбаларда маълум.

Ануштакинлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (1097-1231 йй.) Хоразмда марказлашган давлатнинг вужудга келиши, шаҳарсозлик, деҳқончилик маданияти ва ташқи савдонинг ривожланишига замин яратди. Жумладан, ҳунармандчилик соҳалари юқори поғонага кўтарилган ва ҳунармандчиликда кўплаб ихтисослашган соҳалар шаклланган. Ўша давр муаллифлардан ал-Кураши(ХІІІ аср боши) Хоразм шаҳарларида тахминан 50 га яқин ихтисослашган ҳунармандчилик соҳалари мавжудлигини, Закарийа ал-Казвини(ХІІІ аср) эса, «Гурганч (Кўҳна-Урганч-Б.Т.Қ) аҳолиси моҳир ҳунармандлар, айниқса, темирчилик, дурадгорлик ва бошқа соҳалар ўша даврда кенг ривожланган» деб кўрсатади. Бундан ташқари қуролсоз-темирчилар томонидан Хоразмда қурол-аслаҳалар ва ҳарбий машиналарни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Муҳаммад ан-Насафий (ХІІІ аср боши) «Хоразм давлати қўшинида қилич, шамшир, камон ва ўқ учлари, найза каби оддий қуроллардан ташқари, манжаниқ (катапульта), дабабат(қамал машинаси), тир-чарх(самострел), тошбақа (черепahi), матарис(кўчма минора), салалим(қамал нарвони) ва

¹ Ўша жой..

² МИТТ. –М.-Л., 1939. Т. I – С. 202

бошқа ҳарбий машиналардан фойдаланганлиги таъкидланади¹. Белиницкий А.М, Маршак Б.И таъкидлашларича, ҳарбий машиналар қурилишида металл қисмлардан ҳам кенг фойдаланилган.² Ҳаттоки XVI асрда ҳам Хоразмда камон ва ўқ учлари, қилич, найза ва бошқа қурол-аслаҳалар қадимги анъанавий услубда тайёрланганлигини Хоразмлик олим Аз-Замахшарийнинг(1075-1144 йиллар) «Муқаддимат ул-адаб» асарида: билазук, болту(болта), бичқи(арра), жиба(безак тури), калит, олтун, олтунчи(заргар), олтунчи дам, олтин суйи, поки, пўлод, пўлод қилич, пўлод қайчи, синдон(сандон), силкинчак (бозванд), симоб, темур, темур сунги, темур танур, тегирмонтешар темур, узагу, узук, ўчоқ, ўғур, қошсиз узук, чироғ, эгак(эгов), қайчи, қилич, қилич боғи, қилич қини, қозон, қармоқ, қумғон, қулф, қулфчи, қула(мис), қулачи(мисгар), қўнғироқ ва бошқа металлсозликга оид терминлар учрайди³. Мазкур маълумотлар ўша даврда Хоразмда металл буюмлар турларининг ниҳоятда кўплигини ва металлсозликда баъзи соҳалар ихтисослашганлигини кўрсатади. Ҳаттоки, Хоразмда мўғуллар истилосига қадар (XIII аср боши) қулф, олтин ва қумуш суви юритилган эгар-жабдуқ, жуган-сувлиқ каби металл буюмлар ташқи савдога чиқарилган ва юқори баҳоланган. Мўғуллар истилосидан кейинги даврда ҳам Хоразмда металлсозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, халқ хўжалигида кенг ишлатиш ва уларнинг баъзиларини ташқи савдога чиқариш давом этган. Бу ҳақида Ан-Нувайри, Ибн-Абда-Заҳрлар Хоразмда қулф, олтин ва қумуш суви юритилган эгар-жабдуқ, юган-сувлиқ каби маҳсулотларни Шарқ давлатларига ташқи савдога чиқарилганлиги ҳақида маълумот беради⁴. Шунингдек, юқори табақа вакиллари уйларини безатишда ва меҳмон кутишда қимматбаҳо металл идишлардан фойдаланилган. Урганч қозиси Абу Ҳафс Умар меҳмонхонаси ҳақида саёх Ибн Баттута(1333йил) «Бу

¹ Ан-Насави Мухаммад. Жизнеописание султана Джала ад-Дина Манкбурны/ Пер. с араб. З.М.Бунятова. – Баку, 1973. С. 156, 231; Бунятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов... -С. 91, 227.

² Белиницкий А.М, Маршак Б.И. Древнейшее изображение осадной машины в Средней Азии// Культура Востока. Древность и раннее средневековье. –Л., 1978. -С.215-221.

³ Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. –Тошкент, 1958. Жилд. II-III. -Б.93.

⁴ Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды. –СПб., 1884. -С. 60, 100,152

гўзал ва кенг хона бўлиб,.... қатор тоқчаларнинг ҳар бирига олтин суви юритилган кумуш идишлар қўйилган. Одатда мамлакат фуқоралари ўз уйлариани ана шундай тарзда безатадилар» деб ёзади. Шунингдек, у Хоразм амирининг меҳмондорчилиги ҳақида: «.....яна бошқа патнисларни ҳам олиб келишди. Уларда мевалар, анор доналари, узум ва ажойиб қовунлар бор эди. Тозаланган анор доналари ичига тилла қошиқчалар солинган олтин ва кумуш идишларда тортилди» деб маълумот беради¹.

Ўрта аср манбаларида Хоразмда руда конлари ва уларни қайта ишловчи маконлар мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар учрамаса ҳам, XVIII-XIX асрлар рус саёҳ ва элчилари асарларида бу ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. Россиянинг Шарқни эгаллаш сиёсати туфайли Ўзбек хонликларининг географик ва геосиёсий жойлашуви, ер ости бойликлари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш мақсадида кўплаб экспедициялар, элчилик сафарлари уюштирилган. 1713 йили Астраханга борган Хива элчиси Хожа Нафас рус маъмурларига Амударё қумлари олтинга бойлигини, соҳилда

истиқомат қилувчи аҳоли кўп миқдорда олтин ювиб олаётганлигини билдиради. Россия элчиси Флорио Беневени (1721-1725 йиллар) хатида «Хива хонлиги ҳудудидаги Шайхжалил тоғида кумуш ва бошқа рудаларнинг кўплиги, хон уни олиш учун одамлар юборганлиги, улар бир бўлак тошни хонга етказиб, ундан чиққан кумуш ярмидан кўпини ташкил этганлиги ҳақида» маълумот берилади². Д. Гладышев ва И Муравинлар томонидан 1741-1742 йилларда тузилган «Ландкартада» Шайх Жалил тоғидаги олтин ва кумуш руда конлари кўрсатилган. Г.И.Данилевский (1842 йил) Муҳаммад Раҳимхон даврида Шайхжалил тоғида мис рудасини қайта ишлаш йўлга қўйилган дея маълумот беради. Унинг ҳамроҳи Ф.Базинер эса, Шайх Жалил тоғида «мис, мармар, темир, ҳаттоки олтин борлигини, тоғ ён

¹ Курбанов Б.Т. Хоразмнинг ўрта асрлардаги металлсозлик ҳунармандчилиги. Тарих фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун диссертация. Самарканд, 2008. Б-14.

² Попов А.Н. Сношения России с Хивой и Бухарой при Петре Великом// Записки русского географического общества (Записки РГО). –СПб., 1853. Кн. IX. –С. 378- 379.

бағридаги катта худудда темир рудаси ва уларнинг қумлари учрашини таъкидлайди. Шунингдек, самаралик савдогар Д. Рукавкин(1753) Бухоро амирининг ҳарбий асири Ф. Ефремов(1774-1782), Митрополит Хрисанф (1790) , майор Бланкеннагель(XVIII аср охири) , В. В. Григорьев(1803 й.), Н. Муравьев(1819-1820) ва бошқа манбаларда Хива хонлигидаги Шайх Жалил тоғида олтин, кумуш, мис рудалари мавжудлиги ва уларни қайта ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги тўғрисида маълумотлар берган¹.

Саёҳатчи ва шарқшунос олим Х. Вамбери(1863 йил) маълумотларига

қўра: «Хива хонлигининг Окс(Амударё) дарёси чап соҳилидаги Овейс-карайне(Султонувайс-Т.Б.Қ) тоғида қимматбаҳо металл рудалар бор. Бу ерда

Аллакулихон даврида тажрибали битта ҳинд раҳбарлигида уч йил давомида тоғда кумуш рудасини қайта ишлаш йўлга қўйилган ва катта миқдорда металл етиштирилган. Хон вафотидан кейин эса ҳинд қочган ёки ўлдирилган.

Шундан сўнг бу ерда кончилик ишлари тақиқланган»²

Юқоридаги маълумотларнинг баъзилари бир-бирини такрорлайди, айрим муаллифлар эса кончилик ишларининг йўлга қўйилганлигига шубҳа билан қарайди. Хоразмда металлсозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қай даражада эканлигини аниқлашда ўрта асрларга хос хом-ашё манбаларини археологик ва геологик материаллар билан қиёсан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

1740 йилда Хива хонлигига юборилган Россия вакиллари поручик Д. Гладишев ва геодезист И. Муравинларнинг саёҳати натижасида хонликда кончилик ишлари аҳволи ҳақида баъзи бир маълумотларни олиш мумкин. “Шелделтоғда (Шайх Жалил) ҳам рус асирлари турадилар. Ўша тоғда кумуш

¹ Курбанов Б.Т. Хоразмнинг ўрта асрлардаги металлсозлик ҳунармандчилиги. Тарих фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун диссертация. Самарқанд, 2008. Б-15

² Вамбери А. Очерки Средней Азии. -М., 1868. -С. 123-124, 126.

ва олтин конлари бор. Қазилган рудаларни текшириб қараганларида, унинг учдан бир қисми соф олтин бўлиб чиқди. Буни аниқлаган одам Шерғозихонга бориб айтди. Хивада мис пул зарб қилинади, ўқ-дори қилинади.¹

XIX аср ўрталарида хонлик ҳудудидаги Шайх Жалил тоғларида кўп миқдорда кўрғошин ва бошқа норуда қазилмалар: сердолик, феруза, мармар, октош (кварц), сурма ва бошқалар қазиб олингани ҳақида маълумотлар бор².

Хива шаҳри XIX аср охири XX аср бошида Хоразмнинг чўян қуйиш, темирчилик, мисгарлик ҳунармандчилиги маркази сифатида эътироф этилади. Ўша даврда Хивада олтита, Урганчда битта, Боғотда иккита чўян қуйиш устахоналари бўлган. Шунингдек, XX аср 20 йилларида Хивада 86 та темирчи ҳунармандлар фаолият кўрсатган. Хоразм археологик-этнографик экспедицияси ходимларидан М.В.Сазанова, К.Л.Задыхина, Т.А.Жданко ва Х.Е.Есбергеновларнинг асарларида воҳа халқлари ҳунармандчилиги, жумладан металлсозлик маҳсулотлари ҳақида қисқа илмий фикр-мулоҳазалари берилган³. Этнограф А.О.Утемисов тадқиқотларида XIX-XX аср бошидаги қорақалпоқ халқининг темирчилик, чўян қуйиш устахоналари, меҳнат қуроллари ва улар билан боғлиқ маросимлар урф-одатлар ҳақидаги маълумотлар келтирилади. XIX аср охири XX аср бошидаги Хоразмнинг металлсозлик ҳунармандчилигига оид этнографик материаллар И.М.Жаббаров томонидан ўрганилган⁴. Ўша даврда воҳада чўян қуйиш соҳасида асосан меҳнат қуроллари ва хўжалик буюмлари ишлаб чиқарилган⁵. Чўян эритиш ишлари очик ҳовлига қурилган ён дўконда

¹ Ахмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари (Қадимги замон ва ўрта асрлар). -Т.: Ўқитувчи; 2001. -Б. 346.

² Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. -Т., 1953. -С. 49-52.

³ Сазанова В.М. К этнографии узбеков Южного Хорезма// Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции(Труды ХАЭЭ). -М.: Наука, 1952. Т. I. - С. 247-318; Задыхина К.Л. Узбеки дельты Амударьи// Труды ХАЭЭ. -М.: Наука, 1952. Т. I. -С. 542-566; Жданко Т.А. Каракалпаки Хорезмского оазиса// Труды ХАЭЭ. -М.: Наука, 1952. Т. I. - С. 542-566; Есбергенов Х.Е. Этнография Каракалпаков XIX начало XX века. -Ташкент: Фан, 1980. - С. 144-200.

⁴ Джаббаров И.М. К вопросу о технике чугунолитейного производство Хорезма// ИМКУ. - Ташкент. 1959. -вып. 1. - С. 208-215; Джаббаров И.М. Из истории техники и культуры земледелия Южного Хорезма(XIX начало XX в.) // ИМКУ. -Ташкент: Фан, 1960. -вып. 2. - С. 272-285; Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX начале XX вв. (историко-этнографический очерк) // Занятия и быт народов Средней Азии. Среднеазиатский сборник. - Л., 1971. -вып. III. - С. 72- 90.

⁵ Джаббаров И.М. К вопросу о технике чугунолитейного производство Хорезма// ИМКУ. -Ташкент, 1959. -

(ўчок) амалга оширилган. Ён дўконнинг бир томони 2,5 метр баландликда, $\frac{1}{2}$ метр калинликда, гувала кесак ва лой билан деворга туташтириб, чор атрофи 1,5 метрдан, тиккаси 1 метр қилиб қурилади. Устахонада уста, 4-5 та шогирд ва ёлланма ишчилар ишлашган.

Ёнилғи сифатида саксовулдан тайёрланган писта кўмирдан фойдаланилган. Босма дам ёрдамида ўчокга узлуксиз тарзда кучли ҳаво босими пуркалади ва иссиқлик ҳарорати 1100^0 даражага етказилган. Шунингдек, муаллиф усталарининг дастгоҳлари чарх, тўкмоқ, қошиқча, адилхон, дасткапча ва қолип тайёрлаш услублари тўғрисида батафсил маълумотлар беради. И.М.Жабборовнинг бошқа асарида темирчилик устахоналар ва ўчоқлари, ихтисослашган соҳалари, ҳунармандчилик куроллари ва буюмларга ишлов беришнинг техник жараёнлари тўғрисида шарҳлар келтирилган¹. Ҳунармандчиликнинг бошқа соҳалари сингари барча ишлаб чиқариш ишлари дўконда ташкил этилган. Барча меҳнат жараёнлари уста, халфа ва шогирдлар орасида тақсимланган. Темирчининг иш жараёни (техник жиҳатдан) металлни қиздириб, уриб, ишлов беришга асосланган, унинг дўкон-ўчок(қисмлари кулдон, оташдон, шохнайза, булул, қуллоб), супа, ўра(ёки пачал), чўпкунда; иш куроллари: сандон, бозғон, болға, омбир, эгов, чарх, дам кабилардан иборат. Дўкондаги 1 метр баландликда пишиқ ғиштдан тайёрланган темирчилик ўчоғи деворидаги махсус тешикчаларга булул(бурун) орқали босма дамдан кучли ҳаво босими пуркалган. Темирчилар ўчоғида иккита босма дам ўрнатилади. Дамгар уларнинг ўртасида ўтириб, иккала қўли билан иккаласининг сардамини юқори кўтариб, пастга тушириб дам берган. Бу эса ўчокда ҳарорат кўтарилишига олиб келган. Устахона марказида дарахт тўнкаси устига хар ҳил ўлчамдаги сандон ўрнатилади. Уста сандондан темирга дастлабки ишлов беришдан то буюм шаклига келтиришга қадар

С. 208-215.

¹ Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX начале XX вв. –Л.: Наука, 1971. - С. 72-90.

фойдаланади¹. Темирчилик ўчоғи яқинидаги қозонга сув тўлдирилиб, унда ўроқ, пичоқ, бел, болта ва бошқа буюмлар сувга босиб олиниб, мустаҳкам бўлиши учун тоблаб ясалган. Ихтисослашган темирчилик соҳаларидаги (тунукасоz, анжомсоz, тақачи, пичоқчи каби) меҳнат қуроллари баъзи ўзгачаликларга эга бўлган. Хоразм темирчилари босқон(катта болға)дан ташқари барча меҳнат қуролларини ўзлари яшашган. Босқон энг катта болға бўлиб, пўлаттан ясалган, оғирлиги 4-6кг, ёғоч дастасининг узунлиги 1 метрча бўлган. Иш жараёнида қизиган темирни сандонда босқон билан ўриб ишлов берилган. Иш жараёнида темирчилар қуйидаги болға турларини ишлатишган: 1) метин-болға-кетмон қирғоғидан елка чиқаришда фойдаланилган; 2) дасхойис- болға-темирчи, тақачи, пичоқсозликда кенг қўлланилган; 3) дусара болға-кетмон зўғатасининг четини қайтаришда; 4) барчинойхойис болға-қўш пичоқ яшашда ишлатилган.

Хивада маълум бир буюмни ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўндан ортиқ одам ишловчи устахоналар ҳам бўлган. Бундай устахоналардаги меҳнат тақсимоти мануфактура шаклини эслатади.

XX аср бошига оид Хоразм манбаларида темирчилик маҳсулотлари ихтисослашган соҳаларда ишлаб чиқарилиши таъкидланади². Бир гуруҳ темирчилар бел, капча, кетмон, ўроқ; иккинчи гуруҳ- теша, болта, ранда, арра, қачов каби дурадгорлик асбоблари; учинчи гуруҳ-тақа сувлик, арава мих, шунингдек, ҳар хил михлар ва бошқа буюмлар таёрлаган. Ўша даврларда Хива шаҳри пичоқсозлик, қулфсозлик, Хонқа ўроқ, Тошҳовуз тақа, бел, болта, мих каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган туманлар ҳисобланган. XIX асрнинг 2- ярмида Хивада 22 та қулфгар фаолият кўрсатгани таъкидланади³. Аслида, ушбу соҳалардаги барча ҳунармандлар Хоразмда битта атама билан дамирчи(ўзбекча темирчи, Хоразм шевасида дамирчи) деб аталган. Хоразмда металлсозликнинг кенг тарқалган

¹ Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX начале XX вв. –Л.: Наука, 1971. - С. 83-84.

² Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. –М., 1940. –С. 139; Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX начале XX вв. –С.82.

³ Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. –С. 139.

соҳаларидан яна бири мисгарлик ҳисобланади. Асосан, Хива шаҳри мисгарлик маркази сифатида шуҳрат қозонган. Маълумотларга кўра XIX асрда Хивада 38 та, XX аср 20- йилларида 91 та мисгар фаолият кўрсатишган ¹. Воҳадаги иккинчи мисгарлик марказ Хонқа шаҳри ҳисобланган. Мисгарлик касбининг бошқа металлсозлик соҳаларидан фарқи шундаки, мисга тоб берилмай совуқ ҳолида ишланади. Фақатгина мисгарлар идиш қисмларини бир-бирига улашдагина уларни киздирадилар. Шу мақсадда мисгарлар дўконида ҳам ўчоқ ва дам бўлган. Меҳнат куроллари қуйидагилар: кичик ўчоқ, дам, кичик сандон, ҳар хил қайчилар, болғалар (хоисчорси, нимчорси болға, чамбар болға, терув болға, капчин болға, юмолоқ болға), омбур, пўлат қалам, ёғоч болға, ҳар хил қолиплар ва эговларидан (чоррахэгов, серах эгов, нимгирд эгов, сайқал, нўла эгов) иборат. Мисгарликда ишлатиладиган ҳар бир болғанинг ўзига хос вазифаси мавжуд:

1) Хойис ёки хойисчорси болға-мисни юпқалашда; 2) Хойис бағал, капчин ёки чамбар болға-мисни ёйиб йиғишда; 3) Нимчорси болға-мисда қолган изларни кетказишда; 4) Юмолоқ болға-мис идишларининг ич томонига ишлов беришда; 5) Терув болға-мис идишларнинг юзини териш учун ишлатилган хом-ашё сифатида тахталанган мис, жез, қалай, рух, кўрғошин, кислота, нашатирдан фойдаланган. Бронзадан қўйма буюмлар ишлаб чиқарувчи ҳунармандлар этнографик манбаларда рихтагар деб аталади. Рихтагарлик касби мисгарлик ва дегрезлик касблари билан бир узвий боғлиқ бўлиб, ички меҳнат тақсимооти натижасида ажралиб чиққан.² Шунингдек, мисгарлар ишлай олмайдиган мис буюм қисмларини ва мисни улаш учун кавшар ишлаб чиқаришган. И.Жабборов тадқиқот ишида ҳунармандчилик

¹ Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. –М., 1940. –С. 128; Хива шаҳридаги ўлкашунослик-тарихий музейи фонди. А. Балтабаевнинг қўлёзма материали; Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX начале XX вв. –С. 86.

² Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси. –Тошкент, 1959. Жилд II-III. –Б.34-35.

ширкатлари ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги тарихий-этнографик маълумотлар берилган.¹

Ўрта Осиёда хунармандчилик ширкатлари қачондан ташкил топганлиги тўғрисида аниқ фикр айтиш мушкул, аммо баъзи маълумотлар XIV аср охири XV аср бошларига тўғри келади(Ҳофиз-Абру, Шарафаддин Али Яздий «Зафарнома» ва Кастилия элчиси Клавихо Гонзалес). Сўнгги ўрта асрларда Хоразмда ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа минтақалари каби хунармандлар ширкатларга бирлашган. Ширкатлар Ғарб давлатларидаги каби ўз гербига, ширкатлик жамғармасига, ҳарбий уюшмасига эга бўлмаса ҳам, хунармандлар анъана ва урф-одатлар тамойилларига асосланган ҳолда ўз рисоласига(устави) мувофиқ бир-бирига ўртоқлик ёрдам кўрсатишган. Хоразмда битта касбдаги хунармандлар ўзларини«улфагар» деб аташган. Араб-форсча«улфат» (ўртоқ, ўртоқлик), «кар» (касб, ихтисисослик) сўзларидан ташкил топган бўлиб, «касблик, ўртоқлик» деган маънони англатади. Бу Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидаги хунармандлар ва майда савдогарлар бирлашмасига нисбатан ишлатиладиган«касаба» атамаси билан бир хил маънони англатади. XX аср бошида Хоразмда 32 та ширкат рўйхатга олинган. Ҳар бир ширкат(улфагар) ўзлари сайлаган оқсоқоли-қаландар (Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларида ушбу атама учрамайди), уста, уста ёрдамчиси-халфа ва шогирдлардан иборат бўлган. Халфа ва шогирд ширкатнинг тўлиқ аъзоси саналмаган. Устахонадаги меҳнат қуроллари ва хом-ашё устага тегишли бўлиб, улар ўзлари орасидан раҳбар-қаландар сайлашган. Қаландар нафақат ташкилий масалалар билан шуғулланган, балки ширкатдаги қозилик

ишларига ҳам раҳбарлик қилган. Ҳар хил маросимларни ташкил қилиш ишлари билан қаландар ёрдамчиси «пайкал» шуғулланган. Пайкал ҳам қаландар каби ширкатнинг умумий йиғилишида ширкат аъзолари томонидан тайинланган. Қаландар хулқ-атворининг тўғри келмаслиги ёки ширкат аъзолари талабларига жавоб бераолмаган ҳолларда қайта сайланган. Ширкатларда баъзан қаландарлик лавозими отадан ўғилга мерос ўтган (масалан, темирчилик ширкатларида). Хоразм пойтахти Хива шаҳридаги қаландарлар хон томонидан тайинланган, шу туфайли улар бошқа шаҳарлардаги қаландарларнинг йўлбошчиси саналган. Ширкатлардаги ишлаб чиқариш фаолиятида асосий ўринни уста ва шогирд эгаллашган, хунармандлар рисоласида на қаландар, на халфанинг аниқ вазифалари кўрсатилмаган. 10-15 йил давомида шогирд уста томонидан ўргатилган ва юмшалган. Шогирдга тантанали маросимда фотиҳа берилгандан кейин, мустақил ишлашга рухсат берилган. Баъзан кўпчилик шогирдлар меҳнат курулларига эга бўлмаганликдан, устози ёки бошқа хунармандга ёрдамчи сифатида иш ҳақи ҳисобига хизмат қилишган. Демак, этнографик материаллар металлсозлик хунармандчилиги соҳаларига оид археологик топилмаларни жонлантирувчи ва батафсил ёритишга ёрдам берувчи асосий тарихий манбалардан бири ҳисобланади.

Ўрта Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар мустақил хонлик давлатлари субъекти сифатида табиий бойликлардан фойдаланиб келинди. Бироқ, хонликлар ўртасидаги ўзаро ички низолар, мутаассиб ҳукмдорлар юритган сиёсат, жаҳонда юз бераётган илмий-техникавий ўзгаришлардан четда қолиш оқибатида кончилик ва металлургия саноати ўрта аср даражасида қолиб кетди. Охир-оқибатда табиий ва энергоресурсларга бой, дунё коммуникацион тизимлари туташган, геостратегик аҳамиятга эга бўлган ўлка мустамлака ва ярим мустамлака асорати остига тушди.

IV БОБ. XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ

Россия империяси мустамлакаси даврида (1867-1917 йй) Туркистон ўлкасида кон-металлургия саноати ўзига хос, мураккаб ва зиддиятли, тўлқинсимон ўзгаришлардан иборат жараёнлардан ўтди.

XIX асрнинг 60-70 йилларида Тошкент шаҳрида Ўрта Осиёнинг геологик тузилишини ўрганиш мақсадида Ўрта Осиё тоғ-кон уюшмаси, Рус география уюшмасининг Туркистон бўлими ва Тошкент кимё лабораторияси очилди. Қорамозор конлари тўғрисидаги дастлабки илмий маълумот 1875 йил Г.Д.Романовский ва 1875-1878 йилларда И.В.Мушкетовлар томонидан ёзилиб, уларда Қорамозор конларининг геологик тузилиши ва маъданлашуви баён этилган¹.

Архив материалларининг таҳлили шуни кўрсатадики, XIX аср охири-XX аср бошларида нафақат Россия фуқаролари, қолаверса Англия, Франция фирма ва компаниялари, айрим муҳандислар Бухоро амирлигида олтин захираларини қидиришга рухсат олиш, истиқболда фойда манбасини яратишга ҳаракат қилганлар. Бухоро амирлигида олтин конларини очиш, Франция ҳукумати вакили сифатида акциядорлик жамияти тузишга уринган французлардан бири тоғ-кон муҳандиси Эдуард Густавович Леват ҳисобланади. Э.Г.Леват Франция пойтахти Париж шаҳридаги Мальсгерб хиёбонида қарашли 174-уйда яшаган. У ўзи ҳақида Россия империясининг “Зироатчилик ва давлат мулклари” вазирлигига қуйидагича маълумот беради: “Франция ҳукумати менинг номзодимни Туркистон ва Бухоро амирлигида геологик ва кон ишларини тадқиқ қилиш учун илмий экспедицияга бош муҳандис қилиб тасдиқлади. Мен махсус машина воситасида катта миқдорда олтин захиралари сақланадиган конларни очишга қодирман. Менинг машинам Парижда ўтказилган халқаро кўргазмада олтин медаль билан тақдирланди. Мен олтин саноати билан боғлиқ жиддий илмий ва амалий

¹ Раҳматиллоев И. Чотқол ва Қурама тоғ конлари.-Т.: VEKTOR-PRESS; 2011.- Б.18.

тадқиқот олиб боришга ишонаман. Олтинни қидириб топиш ва қайта ишлаш харажатлари менинг шахсий пулларим ва акционерлик жамияти ҳисобидан копланеди. Мен Туркистон минтақасида махсус машина ёрдамида олтин қидириб топишнинг пешқадами бўлишга ишонаман¹”. Ушбу мактуб 1902 йил 1 июлда ёзилган бўлиб, иккинчи нусхаси подшо Николай II га ҳам юборилган. Э.Г.Леват 1897-1900 йилларда Россия ҳукумати рухсати билан Амур ва Приморье ўлкаларида олтин ва маъданларни қидириб топиш ишларини олиб борган². Бироқ Бухоро амири Абдулаҳадхон Э.Г.Леватга қон қидириш ишларини олиб бориш учун рухсат бермайдиган³. У Россия империяси ҳукуматидан ўзаро икки томон имзолаган шартномага риоя қилишни сўрайди.

Э.Г.Леватнинг, Франциянинг Россия пойтахти Санкт-Петербургдаги элчиси М.Ментелло, Россия ҳарбий вазири, генерал-лейтенант А.Сахаров, Туркистон ҳарбий округи штаб бошлиғига 1902 - 1904 йилларда қилган мурожаатлари натижасиз бўлиб чиқди⁴. Туркистон генерал-губернатори Куропаткин Бухоро амирлигидаги сиёсий айғоқчи Миллердан Э.Г. Леватга рухсат олиб беришни илтимос қилганда, амир ўз закотчиси ва Остонакул кушбеги орқали рад жавобини берган⁵.

Россия империяси ҳукумати немис миллатига мансуб бўлган мутахассис фуқароларидан Туркистон геологиясини чуқурроқ ўрганиш, маъданларни кўп миқдорда қазиб олиш ҳамда қайта ишлашда кенгроқ фойдаланган. Ўлкага мустамлака йилларида ўнлаб немис мутахассисларидан иборат экспедициялар юборилди.

Нефть Э.И.Миллер, кумуш ва қўрғошин П.Ф.Фосс, симоб М.А. Грец, олтин П.А.Шошш, темир А.А.Пандер, оҳактош ва озекерит К.Р. Парлаумер, кварцқум Н.Д.День, олтингугурт М.Ф.Лацинг, феруза И.Шпенист, маъданли шифобахш сувлар Г.Терех, С.Шмидт ва бошқа немис миллати вакиллари

¹ ЎзР МДА. И-1 фонд; 13-рўйхат, 352-хужжат: 3-варақ.

² Ўша жойда, 1- варақ, 2-варақ, 2-варақнинг орқа томони.

³ ЎзР МДА. И-1 фонд; 13-рўйхат, 352-хужжат: 5-варақ, 5 варақнинг орқа томони, 6-7 варақлар.

⁴ Ўша жойда, 13-14 -варақлар.

⁵ Ўша жойда, 13-14- варақлар.

томонидан ўрганилган ¹. Немис мутахассисларидан В.Н. Вебер ва И. Краузелар XIX аср 90-йилларида Фарғона водийсидаги тошкўмир, нефть, ош тузи, тоғ муми - озекерит конларини аниқлаш ва ўрганиш билан шуғулланишган. Туркистонда 1908 йил ош тузи қазиб олиш 3 млн пуд, 1911 йилда 3,8 млн пуд, 1915 йилда 4,7 млн пудни ташкил этган бўлса, бу соҳада 1915 йида 2,5 мингта доимий ишчи, 60 га яқин ходимлар, 5,2 минг мавсумий ишчилар ишлаганлар. Фарғона вилоятининг Андижон, Наманган уездларида “Люборот” ширкати ташкил қилиниб, озекерит қазиб олиш билан шуғулланган. “Люборот” ширкатининг 150 акцияси Германия фукароси Г.Г. Раупертга тегишли эди².

Фарғона водийси иқтисодий ҳаётида XIX аср охири-XX аср бошларида ҳам нефть конлари муҳим роль ўйнаган. Фарғона водийси ўзига хос тарихий-этнографик минтақа ҳисобланиб, унинг ҳудуди шимолий - ғарбда Қурама ва Чотқол тоғ тизмалари, шимолий-шарқдан эса Фарғона, Жанубий Олой ва қисман Туркистон тоғ тизмалари билан ўралган. Водийда Чимён, Андижон, Полвонтош, Жанубий Оламушук, Мойлисув, Чанғиртош, Чим, Нефтобод нефть конлари асосан XIX аср охири- XX аср бошларида шаклланиб ишга туширилган.

“Туркистон тўплами”да Фарғона водийси нефть конларининг очилиши билан боғлиқ юзлаб материаллар чоп қилинган. “Нефть сўзи арабча бўлиб, nafnha, nifth атамаси —“қайнатмоқ” маъносини беради. “Буғ двигатели машиналардан кўра нефть маҳсулотлари билан ишловчи машиналар афзал”- деб ёзади П.М. Земнарь. “Девони луғотит турк”да (XI аср) нефть “қора ёғ”, “ер ёғи” тарзида қайд этилган.

Нефтдан маҳаллий аҳоли ёнилғи, ҳар хил яраларга суркаладиган малҳам ва ҳарбий мақсадларда фойдаланган. Шунингдек, косиб этикдўзлар нефть маҳсулотларини мойлашда ҳам қўллаб келганлар. Таги ҳам, учи ҳам конуссимон, жўмраги ва оғзи йўқ идишлар, яъни симбо кўзачаларга махсус

¹ Собиров Н., Эгамназаров А. Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида немис ишбилармонларининг ҳиссаси (XIX аср охири-XX аср бошлари).-Т., 2011.-Б. 94.

² Ўша китоб.- Б.102.

тешикдан нефть тўлдириб, кўза тешигига пилик ўрнатиб, бу пиликни ёқишган, қалъа қўрғонига бостириб келаётган душман лашкарлари устига улоқтиришган. Қўқон хони Худоёрхоннинг сўнгги ҳукмронлиги даврига келиб, Чимён (“Чимён” атамасининг талқинларидан бири Чилкон(40 кон) деган маънони ҳам ифодалайди¹) ва Олтиарик ҳудудларида “Забут ер ёғи” деб аталган нефть қазиб олишга мўлжалланган дастлабки кичик заводлар қурилган. Нефтьдан нафтандоз, манжаниқларда фойдаланишган, карвонсарой, работ, ёмхоналарда арава гупчагини ёғлаб туриш учун махсус идишларда нефть сақланган.

Чимён, Мойбулоқ нефть конларидан келтирилган нефтьдан керосин олишга эътибор қаратилган бўлиб, тўқувчилар томонидан Марғилонда “Нафти беқасам”, “Қора нафти”, “Чимён нафти” каби матолар тўқилиб, улар сарой аъёнлари олдида ҳам машҳур бўлган. Нефтни ер остига зинапоя қилиб қазииш услуби кенг тарқалган. Россия тадбиркорлари келгандан кейин эса буғ энергияси ёрдамида қудуқ қовлаш йўли билан қазиб олинган. 1904 йилда Чимён нефть конидан буғ энергияси ёрдамида 278 метрлик қудуқ қовланган. Шу қудуқдан кунига 130 тонна нефть олинган². 1904 йилда “Фарғона нефть ширкати” “Чимён нефть ширкати”га айлантирилиб, унга раҳбарлик қилиш тоғ-кон муҳандиси А.Н. Ковалевский зиммасига юклатилган. Ширкат ўша вақтда 2000000 сўм маблағга эга бўлган³.

XIX аср охири – XX аср бошларида - қазиб олинган нефтьдан керосин, бензин, битум, мазут, парафин олинган. Фарғона нефти таркибида 5 фоиз парафин бўлган. Ўша пайтларда Россия империясига парафин хориждан келтирилиб, 1 пуди - 8 рубль баҳосида бўлган. Агар Фарғона нефтидан парафин олиш йўлга қўйилса, унинг пуди 1,5 рубль бўлиши чор маъмурлари томонидан ҳисоб-китоб қилинган. Ўрта Осиё нефтига талаб кучайиши омилларидан бири XX аср бошларида ер солиғи юқори бўлганлиги учун (35-40 фоиз, ҳолбуки хорижда 10-12 фоиз бўлган) Кавказдан (асосан Боку ва

¹ Абдулахатов Н., Зоҳидов Ф. Фарғона тумани тарихи. –Фарғона., 2013.- Б. 178.

² Ортиқов А. Нефть саноати. ЎзМЭ.6-жилд; -Т.: 2003. - Б. 390.

³ Туркестанский сборник; Том.435. -С. 105-106.

Ардабелдан) нефть қазиб олиш камайганди. Қолаверса, Кавказ нефти таркибида мазут ва парафин кам микдорда бўлган. Қуйида келтирилган жадвалда бир қатор мамлакатларда нефть қазиб олиш ҳажми билан боғлиқ маълумот келтирилиши фикримизни тасдиқлайди¹.

Миллион пуд ҳисобида

Йиллар	Шимолий Америка	Галиция	Руминия	Нидерландия	Кавказ	Ҳиндистон
1900	509	20	15	-	600	1144
1901	551	28	17	-	671	1267
1902	210	36	19	56	636	1459
1903	804	45	24	63	598	1570
1904	953	50	31	62	614	1710
1905	1050	50	38	74	41	1622

XX аср бошларида Россия империясидаги Туркистон ўлкасида ишлаб чиқариладиган 1,5 млн пуд керосин жон бошига тақсимланганда, бор-йўғи 1кг.ни ташкил қиларди. Ҳолбуки, бу хом ашё киши бошига АҚШда -15,21 кг, Германияда -13,78 кг, Англияда -11,84 кг, Францияда -8,4 кг, Ҳиндистонда - 1,60 кг, Россия марказий районларида – 7,51 кг.ни ташкил этган².

Шу сабабли Россия империясидаги акционерлик жамиятлари Туркистон минтақасидан кўп микдорда нефть қазиб олишни режалаштирган. Бироқ, нефть конларининг темир йўлларида узоклиги, қазиб олинган хом ашёни ташиб кетишдаги транспорт билан боғлиқ муаммолар, конларни чуқур қовлаш зарурати, нефть нархининг пасайиб туриш хавфи каби кўпдан-кўп омиллар бу соҳа тараққиётига тўсқинлик қиларди.

¹ Судьбы нефтяной промышленности в Фергане// Туркестанский сборник; Том: 435. -С. 120.

² Ферганский нефть// Туркестанский сборник.-Том 422. - С. 59-60.

Маълумотларга қараганда, 1907 йилда “Чимён нефть жамияти” учун оғир кечган. 2 та қудуқ нефть бермаган, айрим қудуқлар қовланганда сув чиққан, эски қудуқларда нефть қамайган. 1907 йил давомида 2 700000 пуд нефть қазиб олинган, 500000 пуд керосин сотувга чиқарилган. Жамият ҳар куни 5000 пуд нефть қазиб олмоқда. Ҳолбуки жамият бир йилда 4 млн пуд, кейинчалик эса 8-10 млн пуд нефть қазиб олишни режалаштирганди. Агар 8 млн пуд нефть қазиб олинса, ундан 100000 пуд бензин олинади. Парафин ва бензин олишни кўпайтириш орқалигина инкироздан чиқиш мумкин. Ака-ука Нобеллар иккита конни рус тадбиркорларига сотиб юборишди”- деб ёзилади мақолалардан бирида.

Фарғона водийсидаги Қизилқия, Сулукта, Шўроб, Тошкўмир, Кўкёнғок каби конлардан кўнғир кўмир, рангли металллар қазиб олинган бўлса, уни қайта ишлаш Андижон, Қўқон, Фарғона, Қувасойдаги корхоналарда амалга оширилган.

Муҳаммад Солиҳ “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида (XIX аср) Тошкент воҳасидаги Хўжа Муродбахш, Жата ва Мўғул, Идрис тоғлари, Кабутари қумуш тоғлари, Қурама тоғ тизмаларида туз, темир, кўрғошин, мис, олтингугурт, нефть, олтин, қумуш, ёқутнинг бир неча хили, қимматбаҳо тошлар, қора мрамор ва бошқа конлар борлиги ҳамда баъзи конлардан фойдаланилаётганлигини ёзган. “Фойдали қазилмаларнинг конларида илгари металл эритадиган ўчоқлар ва устахоналар бўлган. Уларнинг қолдиқлари ҳозир ҳам сақланиб қолган... Фаррак Чирчиқ) дарёси бўйлаб, ҳар ер-ҳар ерда олтин қидирувчилар қумни ювиб олтин оладилар... Зарталош деган жойда заргарлик устахоналарининг харобалари ҳозир ҳам бор¹ - деб ёзганди М. Солиҳ.

Тошкент атрофидаги қишлоқлар ҳақида фикр юритар экан, муаллиф: “Заркент - олтиннинг кўплигидан шундай аталган... Фаррак дарёси бўйида Хўжакент қишлоғи жойлашган... Қишлоқ тоғ бағрида. Тоғдаги тошларнинг

¹ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида.-Т.: Фан; 1983.-Б. 54.

хаммаси мрамор, ундан тоштарошлар турли хил буюмлар тайёрлайдилар”¹-каби маълумотни келтиради. Тошкент ва унинг атрофида 1500 бозорни санар экан, Муҳаммад Солиҳ уларда юқори дид билан ясалган хунаремандчилик буюмлари сотилганлигини ҳам қайд қилиб ўтади.

Хуллас XX аср бошларида Тошкент ва Қўқон шаҳарларида нефть ишлаб чиқариш мақсадида “Чимён”, “Риштон”, “Туркистон”, “Битум”, “Санто” каби акционерлик жамиятлари вужудга келди. Шунингдек, бу соҳа Владимир Алексеев ва князь Хильков каби йирик капиталистлар диққатини ўзига тортди. Бироқ бу жамиятларнинг нефть қазиб чиқаришдаги тажрибасизлиги, Боку нефтига қараганда Туркистон минтақасидан нефть олинадиган қатлам бошқача бўлганлиги, ҳукуматнинг хусусий тадбиркорлар фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ қонун-қоидалари талабга жавоб бермаслиги туфайли кутилган натижага эришилмади. Кўпгина тадбиркорлар қазииш ишларига рухсат олиш усуллари ва шартларидан кўпинча норози бўлганлар. Шунга қарамай, 1893-1908 йилларда тоғ-кон ишлари билан шуғулланишни истаб, рухсатнома олишга ариза берганлар сони 3027 та, шундан 2489 таси 1903-1908 йилларда бўлиб, улардан бор-йўғи 422 тасига ижобий жавоб берилган, 1117 таси рад этилган, қолган 950 таси ҳал қилинмай қолган².

Англия тоғ-кон синдикати вакили А. Нобель Туркистонга мис конлари ҳақида маълумот тўплаш, имкони бўлса, бир неча рухсатномани қўлга киритиш мақсадида келган. У “Туркестанские ведомости” газетаси мухбири билан ўзаро мулоқотда: “Ўлкада мис конлари яхши тадқиқ этилмаганлиги ва руслар инглизларнинг ўлкадаги барча табиий бойликларни қўлга киритишидан қалтирашини” алоҳида таъкидлайди.³ А. Нобель синдикат даромадининг 80 фоизини Россия империясида ишчиларга сарфлаган. Унинг синдикати Уралда, Сибирда, Кавказда бир қатор мис конларига эга бўлган.

¹ Ўша жойда.-Б.54-55.

² Шодмонова С. Туркистон тарихи матбуот кўзгусида.-Т.: VANEJ NASHR; 2011.-Б. 92.

³ Иванович С. Англичане в Туркестане// Туркестанские ведомости// ; 1912.-№41; 1914.-№101)

Хулоса қилиб айтганда, Россия империяси Туркистонда тоғ-кон саноатини ривожлантириш чора-тадбирларини кўрган бўлсада - бу соҳага янги технологияларни жорий қила олмади, ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришга эришолмади. Шу сабабли XIX аср охири - XX аср бошларида “Озодлик”, “Тенглик”, “Тараққиёт” шиорлари билан майдонга чиққан жаид мунавварлари Туркистоннинг қолоқлиги илмсизлик, мактаб - маориф ишларидаги ўрта аср анъаналарининг сақлаб қолинганлиги, маҳаллий малакали мутахассислар ҳар соҳада мавжуд эмаслигидадир, деб ҳисобладилар. Маърифатпарварлардан бири Абдулла Авланий (1875-1934 йй) ўзининг “Тоғлардан бир манзара” шеърисида:

Туркистон тоғлари тўла кон эмиш,
Ичи, тоши бутун ошу нон эмиш,
Нодонликдан биз они тош дердук,
Кумуш - олтин ичинда пинҳон эмиш,
Жума, зинних, новшадил, олтинговут,
Тоғ ичинда тош каби қотғон эмиш.
Нефту кўмир, пахта собунлар тоғдай,
Кўрғошин, қалай, мис, чўян чандон эмиш.
Еврўпо маъданларни истаб топур,
Афсус, биз фан илмини отғон эмиш.
Зар қадрини заргар билар дегандек,
Биз - нодон ғам лойига ботғон эмиш.¹ - деб куюнчаклик билан ёзади.

Тўғри, таъсирчанликни кучайтириш мақсадида шоир, илм - маърифат тарғиботчиси Абдулла Авланий бир қадар муболағадан фойдаланган. Бундан кўзланган мақсад эса, юрт бойликларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиб, миллат ва халқ манфаатлари йўлида фойдаланиш орқали замонавий тараққиётга эришиш эканлиги исбот талаб қилмайди.

¹ Қаранг. Холбоев С., Эгамов Б. Туркистон жаидчилиги-миллий уйғониш даврида география фани ва таълими. -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти; 2010.-Б. 65.

1900 йилда кон инженери Журавко- Покорский Оби-Сафед дарё бўйларидаги олтин конларини ўзлаштирувчи корхона ташкил этиш мақсадида Россия Давлат банкининг Бухоро филиалига 20000 рубль миқдорида саноат кредити ажратишни сўраб, мурожаат қилган. Банк бошқарувчиси Туркистон кончилик округи раҳбари, кон инженери А. П. Михайловдан Оби-Сафед дарёси ҳавзаларидаги олтин конларининг истиқболи ҳақида ўз фикрларини сўрайди. Унинг хулосаси асосида Журавко-Покорскийнинг замонавий олтин саноатини вужудга келтириши учун олиб бораётган ишларини ривожлантириш мақсадига унга саноат кредити ажратилади. 1901 йилда Журавко- Покорскийнинг олтин ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Помир олтин саноатчилари жамияти» ташкил этилди. Аср бошларида рус саноатчиларининг “Помир олтин саноатчилари жамияти” олтин қазиб олишни саноат усулида йўлга қўйишга ҳаракат қилгани, Дарвоз ва Кўлоб бекликларида 15 дан ошиқ истиқболли конларни шу жумладан олтинга бой кварцли конларни кашф этишгани, ҳар юз пуд рудада 4 мисқолдан 34 мисқолгача олтин мавжудлиги аниқлангани Туркистон кончилик округининг Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжатларида акс этган.¹ Аммо, “Помир олтин саноатчилари жамияти”нинг олтин саноатини замонавий асосда ташкил этиш ишларида анча қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлиб, кўзга кўринарли натижаларни қўлга кирита олмаган. Унга сабаб ушбу ҳудудда жамиятга дастлабки ажратилган кредит миқдори кўзда тутилган ишларни тез йўлга қўйишга имконият бермаган. 1915 йилда Туркистон кончилик округи кон инженери С. Леонов Туркистон генерал- губернатори номига тайёрлаган “Россиянинг Туркистондаги мулкларида олтин харид қилиш тўғрисида” ҳисоботида бу соҳадаги фаолиятни ривожлантиришнинг асосий муаммоларига тўхталиб ўтган. Туркистонда, жумладан, Бухоро амирлигида йилига юз пудлаб олтин қазиб олиниши, унинг асосий қисми Россия хазинасини четлаб, Қошғар,

¹ Кудратов Ш.Ё. Бухоро амирлигида олтин конларини излаб топиш ва уни қазиб олиш тарихидан / “Кўҳна ва боқий Бухоро тарихи ҳамда маданий мероси-комил инсон тарбиясида муҳим манба”. Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Бухоро-2012.-Б.207.

Афғонистон, Эрон ва бошқа мамлакатларга яширинча сотилишини, бунинг олдини олиш ва Россиянинг ғазнасига қўшимча даромад тушиши учун Туркистонда хуфийна олтин ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганларнинг фаолиятини қонуний қилиш ҳамда улар қазиб олаётган олтинни адолатли нархларда ҳукумат томонидан сотиб олинишини йўлга қўйишни таклиф этади. Шунингдек, у ўз ҳисоботида геолог-инженер Журавко-Покорскийнинг фаолиятига ҳам тўхталиб ўтиб, замонавий олтин саноатини вужудга келтиришнинг лойиҳасини ҳам тақдим этади. Бухоронинг шарқий ҳудудларидаги конларни тадқиқ қилиш ва ўзлаштириш учун 750000 рубль миқдорида кредит маблағи зарур эканлигини билдирган.

“Помир олтин саноатчилари” жамияти кейинчалик “Помир олтин саноатчилари” акционерлик жамиятига айлантирилиб, жамият бошқаруви “В.В.Поклевский- Козелль Савдо Уйи”га берилиб, кўпроқ саноатчи ва ишбилармонлар доираси бу ишга жалб этилади ва 1917 йилга қадар ушбу ҳудудда олтин саноатини вужудга келтириш учун фаолият олиб борган.

XIX аср охирлари ва XX аср бошларида Бухоро амирлигининг шарқий ҳудудларида рус геолог олимлари ва саноатчи ҳамда савдогарлари томонидан табиий қазилма бойликлар конларини ўрганиш, тадқиқ қилиш мақсадида қатор илмий экспедициялар ташкил этилади.

Ана шундай экспедициялардан бири ҳақида, Туркистон ҳарбий округи 3- артеллерия бригадаси штабс-капитани Поповнинг Термиз-Патта-Ҳисор ҳарбий гарнизони бошлиғига 1899 йил 27 февраль санаси билан ёзган рапортида маълумотлар келтирилади. Попов рапортида унинг олиб борган нефть манбаларини қидирув ишлари натижалари баён қилинади. Штабс - капитан Поповнинг хабар беришича, Бойсун беклиги ҳудудларидаги Шеробод шаҳридан шимолий- шарқда 25 верст узоқликда Хўжайи- Пок эшон сағанаси ёнида Шакарлик Остона (ота) деб номланадиган жойдаги нефть манбаси ўрганилган. Унинг айтишича, Шакарлик ота манбаси Оқ Жумалон тоғларининг бошланишида ҳамда Қизиллик дашт тузли текислигидан 500

кадам узоқликда жойлашган. “Тоғ ичкарисидан кичик ариқча чиқиб турибди, айрим вақт қуриб ҳам қолади, маҳаллий аҳолининг айтишича- дейди Попов, - сув билан бирга мазут(нефть) ҳам чиқиб туради, аҳоли шу ерда чорвасини суғоради. Биз бир кун давомида уни ўрганиб, ярим кунда зўрға икки шишани мазутга тўлдириб олдик¹”- деб ўз рапортида қайд этган. Бу билан нефть манбасининг миқдори камлиги ҳақида хулоса беради. Штабс- капитан Попов экспедиция яқунлари ҳақида ўз ҳисоботини, нефть намуналари гарнизон бошлиғига топширгани ҳужжатларда қайд қилинган.

Яна бир геологик қидирув экспедициялардан бири рус ҳарбийси полковник Баршевский томонидан 1905-1906 йилларда амалга оширилиб, у Шарқий Бухоро тоғ тизмаларидаги маъданларни ўрганиб қимматбаҳо тош-минералларни топганлиги ҳақида Туркистон Кончилик округи раҳбари, кон инженери Леоновга маълум қилиб, Бухоро амирлигида қимматли ва рангли тошларни қидириш ва ўзлаштириш учун Рус сиёсий агентлиги орқали Бухоро ҳукуматидан розилик олиш учун воситачилик қилишни илтимос қилади. Округ кон инженери Леонов полковник Баршевский экспедицияси маълумотлари асосида 1907 йил 12 февралда Туркистон генерал губернаторига “Бухоро хонлигида қимматли ва рангли тошларни қазиб олиш” лойиҳасини тайёрлаб, ҳамда Баршевский томонидан топилган, қимматли тошлар намуналари ҳақида ўзининг хулосасини беради².

“Бухоро хонлигида қимматли ва рангли тошларни қазиб олиш” лойиҳаси 31 моддадан иборат шаклда тузилиб, амирлик ҳудудларида қимматли ва рангли тошларни қидириб топиш ва қазиб олишда Бухоро ҳукуматининг ва рус тадбиркорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериши керак эди. Лойиҳа ишлаб чиқилишида Россия кончилик Низоми қоидалари асос қилиб олинган ҳамда геологик қидирув ишларида ёки қазиб олишда кончилик соҳасида қабул қилинган Россия қонунларига амал қилиш, муаммолар туғилиб қолгудек бўлса, Бухородаги Рус сиёсий

¹ ЎзР МДА, И-41 фонд, 1-рўйхат, 75-ҳужжат, 101- варақ.

² ЎзР МДА, И-41 фонд, 1-рўйхат, 75 - ҳужжат, 120-121 варақ.

агентлиги воситачилигида ҳакамлик суди орқали ҳал қилиниши белгиланади. Лойиҳанинг биринчи моддасида қимматли ва рангли тошларнинг турлари баён қилинган бўлиб, иккинчи модда “Зоти Олийлари Бухоро амирига тегишли бўлган, банд бўлмаган, эркин ерларда қимматли ва рангли тошларни қидириш, разведка қилиш ва қазиб олишга Россия империяси доирасида ҳуқуқлари бўлган барча рус фуқароларига рухсат берилади. Бундай ҳуқуқ чет эл фуқароларига, жамиятларига ҳеч қандай ҳолатларда ҳам берилмайди¹...” деб қатъий белгиланади. Лойиҳага кўра, геологик- қидирув ишлари учун мўлжалланган ер участкалари хусусий мулк қилиб берилмаган, шунингдек ҳар қандай шахс ёки жамият геологик - қидирув ишлари олиб бориш учун Рус сиёсий агентлигига қидирув географик манзили кўрсатилган ҳолда ариза билан мурожаат қилиши кўрсатилган. Лойиҳада Рус сиёсий агентлиги билан келишган ҳолда, Бухоро ҳукумати аризачиларга геологик- қидирув ишлари олиб бориш учун рухсат гувоҳномаларини бериши назарда тутилади. Қимматли ва рангли тошларни геологик- қидирув ишлари олиб бориш учун 40 минг квадрат сажен майдонда, ўрнатилган устун- белгидан шимолга, жанубга, ғарбга, шарққа томон 100 сажен масофада олиб борилиши кўзда тутилади.

Туркистон кончилик округи кон инженери Леонов, полковник Баршевский томонидан тақдим этилган қимматли ва рангли тошлар деб ҳисобланган намуналарнинг кўпчилиги тоғ биллурининг кристали эканлигини, фақатгина биттаси сифати ёмонроқ бўлган зумрад – деб губернаторга ҳисобот бергач, Туркистон генерал - губернатори, “Агар қимматли тошларни топмаган ва бизга кўрсатолмаган экан, “Бухоро хонлигида қимматли ва рангли тошларни қазиб олиш” лойиҳасини ҳозирча тасдиқлашга ҳожат йўқ,²”- деб резолюция қўяди.

¹ ЎзР МДА, И-41 фонд, 1-рўйхат, 75-ҳужжат, 120- варақ.

² ЎзР МДА, И-41 фонд, 1-рўйхат, 75-ҳужжат, 121- варақ.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ва Бухоро амирлиги ҳудудларида Россия империяси саноатчилари, олимлари томонидан геологик – қидирув ишлари кенг миқёсда олиб борилиб, янги – янги олтин, мис, тошкўмир, нефть ва бошқа шу каби қазилма бойликлар конлари кашф қилинди, улардан саноат усулида фойдаланиш йўлга қўйилиб, ривожланиб бораётган саноат, ҳарбий, темир йўл эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилинди.

Ўлка табиий заҳира бойликларини ўрганиш анча олдин XVIII- XIX асрларда бошланган бўлса-да, 1867 йилда Туркистон генерал – губернаторлиги ташкил этилиб, ўлкамиз Россия империясига бўйсундирилгандан сўнг, бу соҳадаги ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу мақсадда Туркистон генерал-губернаторлиги ҳузурида Туркистон кон округи ва унинг раҳбари-кон инженери лавозими таъсис этилган. Бу органнинг ва унинг раҳбарининг асосий вазифаси Туркистон ўлкасида ва Россия империясига қарам бўлган ҳудудларда геологик – қидирув ишларини ташкил этиш, назорат қилиш, қазилма кон бойликларининг ўзлаштирилиши учун империя доирасида фаолият кўрсатувчи саноатчиларга хусусий тартибда иш олиб боришлари учун тегишли ҳулосалар бериш ва бошқа ваколатлар берилган эди. Кон ишлари округи ва унинг турли даврлардаги раҳбарлари ўлкадаги ер ости қазилма бойликларини қидириб топиш ва ўзлаштиришга раҳбарлик қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган Туркистон кон инженерининг ҳужжатларини ўрганиш натижасида Туркистон ўлкасида кончилик ишлари аҳволи тўғрисида маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Жумладан, 1893 – 1904 йиллар давомида Туркистон ўлкасидаги қазилма бойликлар конларини тадқиқ қилиш ва ўзлаштириш мақсадида империя фуқароларидан 931 киши ариза билан билан мурожаат қилиб, кон инженеридан ушбу фаолият тури билан шуғулланишга рухсат гувоҳномалари

беришни сўраганлар¹. Кон инженери томонидан илтимос қилувчининг аризаси, унинг ҳар томонлама аҳволини, касб-корини ўрганиб, кейин аниқ манзилда кон ишларини юритишга маълум бир муддатга ижозат этувчи рухсат- гувоҳномалари 428 нафар кишига берилган, агар у гувоҳномада белгиланган муддатда кон бойликларини ўзлаштира олмаса ёки иш олиб бормаса, унга тегишли бўлган ҳудудлар олиб қўйилиши, бошқа шахсларга берилиши мумкин бўлган. Ўлкада қазилма кон бойликларининг ўзлаштиришга қизиқиш 1899 йилдан кейин кучайганлигини кон инженери номига ариза билан мурожаат қилувчилар сони кўпайганлигини қуйидаги рақамларда кўриш мумкин:

- 1899 йилда 112 киши мурожаат қилган, улардан 40 кишига рухсат гувоҳномалари берилган;
- 1900 йилда 160 киши мурожаат қилган, 97 кишига рухсат гувоҳномалари берилган;
- 1901 йилда 192 киши мурожаат қилган, 88 кишига рухсат гувоҳномалари берилган;
- 1904 йилда 200 киши мурожаат қилган, 26 кишига рухсат гувоҳномалари берилган².

Империя фуқароларидан князь Лобанов – Ростовскийга Фарғона вилояти, Наманган уездидаги Қирқгули волостида 1200 квадрат сажен майдон олтин конлари империя фахрий фуқароси Н. П. Савинковга, 1893 йилда Чимкент уездида 2160 квадрат сажен майдон кўмир конлари, табиатшунослик фанлари кандидати Ф.Р.Назаровга Фарғона ва Қўқон уездларидаги тошкўмир конлари, 1898 йилда Д.К.Мишенковга ва Лобанов – Ростовскийга Тошкент уезди Александровский волостидаги мис - руда конлари, 1901 йилда истеъфодаги поручик Хрушевга, савдогар Л. К. Вернерга Марғилон, Қўқон уездларидаги нефть конларини ўрганиш ва ўзлаштириш учун рухсат

¹ Қаранг: Ўзбекистон кончилик хабарномаси, №27, 4-сон, 2006. -Б. 112.

² ЎзР МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 84 - ҳужжат, 313 - варак.

гувоҳномалари берилган¹ ҳамда улар томонидан конларни ўзлаштириш ишлари бошланган. Кон округи томонидан кон ишларини юритувчи кишиларнинг фаолияти, молиявий аҳволи давлат органлари ва Давлат банкининг бўлимлари томонидан назорат қилиб борилган. Бўш давлат ерлари тоифасига кирувчи ерларда кон – қидирув ишларини олиб боровчи шахслар фаолиятини, улар эгаллаган майдонлар ҳамда манзилларини қайд қилиб бориш учун улар томонидан махсус рўйхат дафтари жорий қилиниб, ёзиб борилган.

Мустамлакачилар томонидан ўлкадаги ер ости бойликларининг тезроқ ўзлаштириш мақсадида, бу иш билан шуғулланаётган шахсларга давлат банклари орқали маблағлар ҳам ажратилган. Масалан, кончилик инженери Д. К. Мишенков ер ости бойликларини қазиб олиш учун зарур бўлган ускуналар учун давлат банкidan олган ссудани кафолатлаш учун ўзига тегишли бўлган Тошкент уезди Ҳожикент қишлоғи яқинидаги мис ва тошқўмир конларини, шунингдек, Бурчмулла қишлоғи яқинидаги мис – қалай конларига тегишли хужжатларни банкка топширади. Давлат банки бўлими, Туркистон кон округи кон инженерига ушбу хужжатларнинг ҳаққонийлиги ва Д. К. Мишенковнинг олиб бораётган кон саноати ишлари аҳволи ҳақида сўров киритган².

Туркистонда темир йўлнинг ўтказилиши натижасида ўлкада кон – қидирув ишларига янада катта эътибор қаратилиб, транспорт, саноат эҳтиёжларини қондириш учун тошқўмир, нефть конлари кенг ҳудудлар бўйлаб ўрганилиб, ўзлаштирила бошланади. Туркистондаги қазилма бойликлар конларининг ўзлаштирилишига, ҳатто Россия империясининг Зироатчилик ва давлат мулклари вазирлиги ҳам аралашиб, ўзларига яқин кишиларга конларни ажратиш учун Туркистон генерал – губернаторига маълум бир тавсия берадилар. Масалан, 1898 йил савдогар Петровга тегишли Навката қишлоғи яқинидаги тошқўмир конлари Антон Глазга, 1900 йил 4

¹ ЎзР МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 74 - хужжат, 116 -варақ.

² ЎзР МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 75 - хужжат, 152 - варақ.

августда Хўжанд яқинидаги Кўкинасой тошқўмир кони князь Лобанов – Ростовскийга ҳеч қандай савдосиз ва шартларсиз берилишини шахсан империя Зироатчилик ва давлат мулклари вазири Ермолов номидан сўралган¹. Кон эгалари қазилма бойликлар конларининг қай даражада фойда келтиришини ҳамда унинг аҳоли пунктларига яқин жойларда жойлашганлиги, ишчи кучининг етарли даражада бўлиши, транспорт турларининг конларга кириб борадиган манзилларга яқин жойларда эканлигига алоҳида эътибор қилинган. Улар томонидан олиб борилган ишлар натижасида Туркистон ўлкасида кончилик ишларининг саноат даражасида йўлга қўйишга ҳаракат қилинган, бу эса империянинг олтин, нефть, кўмир бошқа шу каби қазилма бойликларга ўсиб келаётган эҳтиёжларини қондириши керак эди. Бу эса ўлкамиздаги ер ости бойликларини империя давлат ғазнасини тўлдиришга, ўлка бойликларини аёвсиз талашга олиб келди.

Туркистонда тоғ-кон саноатида табиий бойликларни қазиб олиш мустамлакачи давлат манфаатларидан келиб чиқиб ривожлантирилди. Тоғ-кон саноатидан кўпроқ фойда олишга катта аҳамият берилди. Буни сақланиб қолган архив маълумотлари ҳам тасдиқлайди: 1917 йилда Ўрта Осиёда 1428 та саноат корхонаси бўлган². Булардан 25 таси тошқўмир кони бўлган³.

Бу даврда Туркистоннинг табиий ва инсон ресурслари империя иқтисодининг фойдасига хизмат қилдирилган. Ўлканинг катта имкониятлари, жумладан, ер ости ва ер усти бойликларидан фойдаланиш метрополия манфаатларига мослаштирилган.

Туркистондаги мавжуд қазилма саноати бойликларини ўзлаштиришда соҳа мутахассисларини жалб қилиш, уларни ташиб кетиш учун темир йўл қуриш кабиларга катта аҳамият берилган. Туркистонда тоғ-кон саноати

¹ ЎзР МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 84 - ҳужжат, 69 - варақ.

² ЎзР МДА, 105-йиғма жилд, 1-рўйхат, 3- ҳужжат, 139 - варақ.

³ ЎзР МДА, 105-йиғма жилд, 1-рўйхат, 3-ҳужжат, 145 - варақ.

бўйича иш олиб борадиган сармоядорларга, кон қидирувчиларга катта имконият яратиб берилган. Айниқса, Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман даврида Туркистон ўлкасига келган, нафақат россиялик мутахассислар балки чет эллик сармоядорларга ҳам етарли даражада шарт-шароитлар яратиб берилган. Жумладан, 1871 йилда Тошкентга келган саноатчи И.И. Первушин кўплаб завод ва фабрикалар очган. У Қоратоғ тоғларида кўрғошин конлари, Тошкент яқинида тошкўмир конини ишга туширган¹. Туркистонга Россия империяси томонидан хом-ашё базаси сифатида қаралиб, катта фойда олиниши натижасида ўлкада бу даврда саноат корхоналарининг сони тез кўпайиб борган. Жумладан, Фарғона вилоятида 1880 йилда 3 та саноат корхонаси бўлган бўлса, 1890 йилга келиб уларнинг сони 145 тага, 1900 йилда эса 50 тага етган.

XX асрнинг бошларида Тошкентда 9 та йирик чўян қуйиш корхонаси бўлган. 1917 йилда Туркистонда 1428 та саноат корхонаси бўлиб, улардан 483 таси Фарғонада, 323 таси Сирдарёда, 253 таси Каспийортида, 175 та Самарқандда, 92 таси Бухоро амирлигида, 89 таси Еттисув вилоятида, 13 таси Хива хонлигига қарашли эди². Мавжуд саноат корхонасидан 25 таси нефть ва кўмир конлари, 15 таси металл қуйиш устахоналари бўлган.

Туркистонда 1917 йилда 20 та нефть, 3 та мис корхонаси, шунингдек, олтингугурт, олтин ва темир корхоналари бўлган.

Хуллас, XIX аср охири – XX аср бошларида Россия империяси марказидан Туркистонга ташриф буюрган геолог-мутахассислар ўлкада янги конларни очиш, ер ости бойликларини ўзлаштириш ва ўрганиш, замонавий технологияни бу соҳага олиб киришга ҳаракат қилдилар. Хом ашёни қайта ишлайдиган саноат корхоналари сони кўпайиб, улар Европа миллати ва маҳаллий аҳоли вакилларига тегишли эди. Бироқ, бу даврда кон ишлари ва

¹ Тарих шохидлиги ва сабоқлари. -Т.: «Шарк», 2001.- Б.112.

² ЎзР МДА, 105-йўлжа жилд, 1-рўйхат, 3-ҳужжат, 139 варак

металлургия саноати модернизациялашмади. Бунга эса маъмурий, моддий, транспорт билан боғлиқ бир қатор омиллар тўсқинлик қилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома / [Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев; Мухаррир А. Ўктам].-Т.: Юлдузча; 1990.- 368 бет.
2. Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествие по Средней Азии. -М.: Наука; 1988. -С.128.
- II.5. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари. -Т.: Меҳнат; 1992.-1-китоб; -328 бет; 2-китоб; -191 бет.
- II.6. Маҳмуд Ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (география) Введ. пер.примеч. указатели Б.А. Ахмедова. -Т.: Фан; 1977.- С.168.
- II.7. Маҳмуд Қошғарий. Туркий сўзлар девони. / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. 3 томлик. Т., 1960-1963; I том -429 бет, II том — 427бет, III том -541бет.
- II.8. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий – Нашрга тайёрловчилар. Сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, Д.Санчирова.-Т.: Маънавият; 1999.- 311 бет.
- II. 10.Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида (XIX аср).-Т.: Фан; 1983.-56 бет.
11. Абдулаҳатов Н. Зоҳидов Ф. Фарғона тумани тарихи. (хотиралар, лавҳалар, анишлар). -Фарғона; “Фарғона” нашриёти; 2013. -342 бет.
- II.2. Абдурахмонов С., Холиқулов Д., Қурбонов Ш. Йўналишга кириш. -Т.:

Фан;

2010. -227 бет.

III.4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. -Т.: Шарқ; 2001.-368 бет.

III.5. Алимова Д.А., Филанович М.И. Тошкент тарихи. -Т.: “ARTFLEX”
2007. -
168 бет.

III.6. Амонова Ф. Бухоро амирлиги иқтисодиётига тарихий назар.-Т.: Yangi
nashr;

2013. -112 бет.

1997. -196 бет.

III.8. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи.-Т.: Ўқитувчи; 1995.-222 бет.

III.9. Ахмедов Б. Хондамир.-Т.: Фан; 1965. - 53 бет.

III.10. Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар; -Т.: Ўқитувчи; 1994.- 432 бет.

III.11. Ахмедов Н.А., Лузановский Ю.И., Парамонов Ю.И. Эволюция
познания

Золота Республики Узбекистан.-Т.: «Ишонч Марказ Сервис», 2014.-168 с.

III.12. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана.-М., 1927.-256
стр.

III.15. Бетгер Е.К. Извлечение из книги “Пути и страны” Абу-л-
Касыма ибн

Хаукаля. Труды САГУ. Археология Средней Азии, IV, Новая серия, вып.
CXI, -

Т., 1957, -С. 29.

III.16. Бичирун Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней
Азии в

древние времена.-М.-Л. Т. 1.2.3. 1952. –Том 1.-379 стр;Том 2.-332 стр;
Том.3.-321

стр.

III.17. Бобобеков Х. Қўқон тарихи.-Т.: Фан; 1996. - 240 бет.

III.19. Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака.-
М.:

Наука; 1974.-133 стр.

III.20. Буряков Ю.Ф. Коллекция бронзовых художественных изделий XIV-
начале V века из Самарканда // Общественные науки в Узбекистане; 1966.
№ 8-9, -С.

35-56.

III.21. Буряков Ю. Из истории горного дело и металлургии // Ўзбекистон
тарихи журнали, №. 2006.-№ 4. -С. 47-61.

III.22. Бухоро-Шарқ дурдонаси. (муаллифлар жамоаси). -Т.: Шарқ; 1997.
-162

бет.

III.23. Вахромеев С.А. Месторождения полезных ископаемых, их

- классификация
и условия образования. -М.: ГНТИЛ по геологии и охране недр; -462 стр.
- III.24. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы
Среднеазиатического
междуречья. -М.: 1981.-С.
- III.25. Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А.Первобытная
культура и
возникновение орошаемого земледелия в низовья Зерафшана. -Т.: Фан; 1966.-
266 стр.
- III.26. Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию 1558-1560 гг. В
кн: Английские путешественники в Московском государстве. -Л., 1937; 307
стр.
- III.27. Ёрматов И. Саодат водийси.-Т.: Наврўз; 2012. -279 бет.
- III.28. Ёкубов О.Осий банда. Хотиралар. Қарноқ: асарлар.-Т.: O'zbekiston;
2012.-
92 бет.
- III.29. Жамолов И. Н. Нобел ва Туркистон // Фан ва турмуш, 1998. -№ 1.-Б.6-
7.
- III.30. Жамолов И.Н. Қўқон хонлигида нефть саноатининг вужудга
келиши //
- “Қўқон асарлар силсиласида” мавзуидаги Республика илмий-амалий
анжумани
материаллари. Қўқон., 2004. -Б. 77-78.
- III.31. Иноятов С.И., Йўлдошев Н., Хаитова О. Қўҳна тарих гувоҳи.-Т.:
Шарқ;
2000.-42 бет.
- III.38. Крахмаль К.А., Рўзматов Ш.А. Юлдошев А.С. Илоқда ўрта
асрлардаги
кончилик ва металлургия тарихига оид янги маълумотлар // Марказий
Осиёда
кон-металлургия тарихи.-Навоий., 2007. -Б.252.
- III.39. Литвинский Б.А.К истории добычи олова в Узбекистане // Труды
САГУ,
вып. № 11.-Т., 1950.-С.46.
- III.40. Лордкипанидзе Л.Н. История геологического изучения
Узбекистана в
системе цивилизации Азии.-Т., 2001.-200 стр.
- III.41. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари.-Т.: Академия;
2008.-
432 б.
- III.42. Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана.-Т.:
Изд.
АН УзССР; 1953.-206 стр.
- III.43. Массон М.Е. К истории горной промышленности Карамазара //

Труды

Таджикский базы. -Л., 1935. -С. 232.

III.44. Массон М.Е. К истории добычи ртути в Средней Азии.

Народное

хозяйство Средней Азии. Вып. № 2.-Т., 1930.-С.98.

III.45. Максимов М.М. Очерк о золоте.- М.: Недра; 1977.-150 стр.

III.46.Машковцев С.Ф. К вопросу о древней металлургические промышленности

в горах Карамазара и знаменитах серебряных рудниках в древнем Туркестане
//

Путеводитель экскурсий III Всесоюзного геологического съезда. Вып. № 2.-Т.:

1930. -370 стр.

III.47. Мирсоатов Т.М. Древние шахты Учтута.-Т.: Фан; 1979. -249 стр

III.48. Мирсоатов Т.М. Горные разработки в эпоху камня.-Т.: Фан; 1977.-141 стр.

III.49. Минерально-сырьевые ресурсы Узбекистана.-Т.: Фан; 1976. Ч-1. - 251стр.

1977.-Ч.2. -272 стр.

III.51. Мухаммаджонов А. Қадимги Бухоро.-Т.: Фан; 1991. -54 бет.

III.52. Мухаммаджонов А. Қуйи Зарафшон воҳасининг суғорилиш тарихи.-Т.:

Фан; 1972.-292 бет.

III.53. Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи.-Т.: Абдулла Қодирий номидаги

халқ мероси нашриёти; 2004.-288 бет.

III.54. Навоийский горно-металлургический комбинат. История создания и

развития. -Т.: Шарк; 2002.-480 стр.

III.55. Назаров И., Аллаёров И. Бухоро географияси. -Бухоро; 1994. -67 бет.

III.56. Наследов Б.Н. Древние шлаки и полиметаллические месторождения Лашкерекско-Янгоклавского участка. “За недра Средней Азии”. -Т., 1932. № 2.

III.57. Наследов Б.Н. Металлогения западного Тянь-Шаня и Узбекистана. -М.:

Гос - геолтехиздат, 1968. - 330 стр.

III.58. Наимов Н. Амирнинг хазинаси.-Т.: Фан; 2005.-76 бет.

. -279 стр.

III.61. Олтинов М.О., Абдумўминов О. Қуйи Зарафшон воҳаси: тарих ва ҳозирги замон. -Т.: Фан; 2005.-132 бет.

III.62. Ортиқов А. Нефть саноати // Ўзбекистон миллий энциклопедияси 6-жилд.-

Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти; 2003. -Б. 330-

331.

Ш.63. Отахўжаев А. Абу-л-Қосим ибн Хавқал Марказий Осиё вилоятлари конлари ва қазилма бойликлари ҳақида // Марказий Осиёда кон-металлургия тарихи: Навоий-2007. -Б. 252.

МУНДАРИЖА

1. КИРИШ	3-5
2. БУХОРО ХОНЛИГИ ХУДУДЛАРИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛСОЗЛИК	6-42
3. ҚЎҚОН ХОНЛИГИ	43-55
4. ХИВА ХОНЛИГИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛСОЗЛИК	56-66
5. XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ	67-84
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	85-88